

МАДИНАИ МУНАВВАРА

фазилати, Масжиди
Набавий, ҳужраи саодат ҳақида



Сўзбоши муаллифи

Шайх Абдурахмон ибн Абдулазиз Судайс, икки
ҳарам имоми, Масжидул-Ҳарам имом-хатиби

Муаллиф

Доктор Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ал-Қосим
Масжиди Набавий имом-хатиби


МАДИНАИ МУНАВВАРА

фазилати, Масжиди

Набавий, хужраи саодат

ҳақида

Муаллифнинг барча китобларини кўриш ва юклаб олиш
учун QR-кодни сканерланг




Муаллифнинг барча китобларини кўриш ва юклаб олиш
учун QR-кодни сканерланг



МАДИНАИ МУНАВВАРА

фазилати, Масжиди Набавий,
хужраи саодат ҳақида



Сўзбоши муаллифи: Шайх Абдурахмон ибн
Абдулазиз Судайс, икки ҳарам имоми, Масжидул-
Ҳарам имом-хатиби

Муаллиф: Доктор Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ал-
Қосим, Масжиди Набавий имом-хатиби



**Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади:
«Макканинг хабарлари келтирилгани каби Мадина
ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган китоб
ёзилган бўлса, менга ҳам хабар бериб қўйинглар».**

«Фатаво, 6/373»



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

СЎЗБОШИ

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсин! У Зотни улуғлаш билан бирга ҳолатларимизни ислоҳ айлашини, оқибатларимизни хайрли қилишини сўраймиз. Энг юксак инсоний фазилатлар билан сифатланган набийимиз, саййидимиз ва ҳабибимиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳга салоту саломлар бўлсин! Аҳли оилаларига, энг гўзал суратда у зотга итоат этган саҳобаларга, тобеъинларга ва уларга яхшилик билан эргашиб келаётганларга салоту дурудлар бўлсин!

Дарҳақиқат, яратиш ва ихтиёр қилишдаги етук ҳикматлар ёлғиз Аллоҳга хосдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَرَبُّكَ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ وَيَخْتَارُ﴾

«Парвардигорингиз Ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва (Ўзи хоҳлаган шини) ихтиёр қилур» (Қасас сураси, 68-оят).

Аллоҳ таоло шаҳарлар ичидан баъзиларини, маконларнинг баъзиларини танлаб олиб, бир қанча фазилатлар билан хослади, бу мақаддас ерларда қилинадиган солиҳ амаллар учун беҳисоб ажру савоблар ваъда қилди. Мана шундай танлаб олинган ерлардан бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилган ва масжидларини барпо қилган шаҳар Мадинаи Мунавварадир. Аллоҳ таоло бу маконни Расули ва у зотнинг умматлари учун суюкли ва саломатлик диёри қилиб, баракаларини ёғдириб қўйди. Мадина аҳлига ёмонлик қилишни истаганларни Расули орқали огоҳлантирди.

Мадина барча юртларнинг дурдонаси ва шаҳарларнинг гултожидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва шаҳарларини яхши кўрган одам, у зотнинг суннатларини маҳкам тутиб, ватанларини ҳимоя қилади. Унинг боғу роғларида эркин ва бахтли ҳаёт кечиради. Етишмаганлар эса, ўзгача завқ-шавқ билан унга талпинади.

Тойбада излари бордир Расулнинг,
Маъҳади нурини сочарди мудом.

Баъзида босилиб, ўчса-да излар,
Ўчмагай оятлар дорул-ҳарамдан.

Унда бордир ҳидоят минбари,
Кўтарилган Расул унинг устига.

Равшан оятлару боқий осорлар,
Мусалло, масжиднинг ҳамма ерида.

Унда бор файзли хужралар ёрқин,
Нурафшон илоҳий нур ёғар доим.

Ўтса ҳамки қанча-қанча замонлар,
Етса ҳамки ҳар қанча бало.

Янгиланур мудом бу мўъжизалар,
Ёдгорликлар йўқ бўлмас асло!

Уламолар неча-неча асрлардан бери Мадинаи Мунавварага хизмат қилиб келишмоқда. Унинг тарихи, фазилати, унда бажариладиган амаллар ва уларнинг ҳукмлари ҳақида турли хил асарларда сўз юритиб келинади. Шулардан бири яқин биродаримиз ва ҳамкасбимиз, Масжиди Набавийнинг имом-хатиби, фазилатли шайх, доктор Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ал-Қосимнинг қаламига мансуб «**Мадинаи Мунаввара: унинг фазилати, Масжиди Набавий, набавий хужра ҳақида**» асаридир. Шайх бу китобида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳарларига оид ҳукмлар ҳамда фазилатларни саҳобалардан қилинган, саҳиҳ ривоятлар, асосида очиқ-равшан ва тушунилиши осон бўлган

шаклда баён қилган.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло у кишига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳарлари бўлган Мадинанинг имоми, у зотдан қолган минбарнинг воизи ва масжидларнинг мударриси бўлишдек улуғ неъматни инъом қилди. Шунинг учун ҳам у зот ушбу муқаддас шаҳар ҳақида асар ёзишга ҳақлироқ бўлган кишилардан саналади.

Ҳозирги кунда ҳам Саудия ҳукумати томонидан Ислом ва мусулмонларнинг манфаати йўлида мусулмонларнинг муқаддас қадамжоларига хурмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Мадинага ташриф буюрувчи зиёратчилар бу ўзгаришларга шахсан гувоҳ бўлишмоқда. Зиёратчиларни Масжидул-Ҳарам ва Масжиди Набавийнинг тартиб-қоидалари билан таништириш, уларда бажариладиган амалларнинг Қуръон ва суннатга мувофиқ бўлишида барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан муаллифнинг хизматларини, хусусан, бу асарни уммат учун хайрли қилишини ҳамда уни ўқиган ҳар ўқувчига ажр-савобни кўпайтириб беришини сўрайман. Аллоҳ таолодан бизни, шахримизни, унинг аҳолисини Ўз паноҳида асрасин, тинчлик ва хотиржамликни бардавом қилсин!

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг аҳли оилаларига ва саҳобаларига Аллоҳнинг салоту саломлари бўлсин!

*Шайх Абдурахмон ибн Абдулазиз Судайс,
икки ҳарам имоми,
Масжидул-Ҳарам имом-хатиби*



МАДИНАИ МУНАВВАРА

фазилати, Масжиди Набавий,
хужраи саодат ҳақида



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МУҚАДДИМА

Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамдлар, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, аҳли байтларига, саҳобаларига Аллоҳнинг салоту саломлари бўлсин!

Аллоҳ таоло Набий алайҳиссаломнинг шаҳарларини бир қанча фазилатлар билан шарафлантириб, баракали қилди ва мусулмонларни бу масжидга талпинадиган қилиб қўйди. Батаҳқиқ, буюк олимларнинг кўпчилиги ҳам Мадина шаҳри хақида ёзилган асарларни ўқишни орзу қилишган. Жумладан, шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ шундай деган «Макканинг хабарлари келтирилгани каби Мадина хақидаги маълумотларни ўз ичига олган китоб ёзилган бўлса, менга ҳам хабар бериб қўйинглар».

Ушбу асарни Мадина шаҳри хақида кўпроқ маълумот олишни истаганлар, хусусан, бу муқаддас шаҳарга ташриф буюрувчилар фойдаланишлари учун ёздим ва уни «Мадинаи мунаввара, унинг фазиллари, Масжиди Набавий, хужраи саодат» деб номладим.

Аллоҳ таолодан бу асарни манфаатли қилишини ва бу амалимни Ўзининг розилиги учун холис бўлишини сўраб қоламан.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг аҳли байтларига, саҳобаларига Аллоҳнинг саломи бўлсин!

*Доктор Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ал-Қосим,
Масжиди Набавий имом-хатиби*



**МАДИНАИ МУНАВВАРАГА
САФАР**





НИЯТНИ ХОЛИС ҚИЛИШ



Мусулмон киши ҳар бир амалга киришишдан олдин ни-
ятига эътибор қилиши лозим. Шунда яратилиш мақсади-
миз ҳосил бўлган бўлади. Аллоҳ таоло бандаларини ибодат
учун яратганини айтиб, шундай деди:

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾

**«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишла-
ри учунгина яратдим»** (Зориёт сураси, 56-оят).

Лекин биз умримизнинг ҳар лаҳзасини намоз ўқиш,
рўза тутиш каби ибодатлар ила ўткази олмаимиз. Аммо
ҳар бир лаҳзамизни шариатга мувофиқ қилиб, Аллоҳнинг
розилигини тилаб амал қила оламиз. Бунинг учун ни-
ят қи-
лиш муҳимдир. Шунингдек, қилаётган амалларимизни чин
дилдан, холис қилишга ҳам ҳаракат қилишимиз керак. Бу
борада Аллоҳ таоло ихлос билан ибодат қилишга буюриб,
Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилди:

﴿قُلْ إِنِّي أُمِرْتُ أَنْ أَعْبُدَ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ﴾

**«Айтинг: «Дарҳақиқат, мен Аллоҳга У Зот учун ди-
нимни холис қилган ҳолда ибодат қилишга буюрилган-
ман»** (Зумар сураси, 11-оят).

У Зот аввалги умматларни ҳам шунга буюрган:

﴿وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ
وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ وَذَلِكَ دِينُ الْقِيَمَةِ﴾

**«Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, У Зот учун дин-
ни холис қилган, тўғри йўлдан озмаган ҳолларида ибодат
қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни**

(ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри (йўлдаги миллатнинг) динидир» (Баййина сураси, 5-оят).

Зеро, бу уммат ибодатни фақатгина Аллоҳ учун қилишга буюрилди:

﴿قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُ الْهُدَىٰ وَالْغَىٰ فَمَن كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا﴾

«Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин!» (Каҳф сураси, 110-оят).

Амалнинг ширк, риёдан пок бўлиши унинг қабул бўлишида асосий шарт ҳисобланади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Албатта, Аллоҳ таоло фақат холис қилинган ҳамда Ўзининг розилиги кўзланган амалнигина қабул қилади»** (Насоий ривояти).

Демак, мусулмон кишига амалларининг барчасини Аллоҳ учун қилиши вожиб бўлади. Жумладан, ҳаж, умра ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини зиёрат қилиш ҳам фақат Аллоҳ таолонинг розилиги учун бўлиши керак. Бу амаллар риё, сумъа (бирова эшитиши учун), мақтаниш ёки фахрланиш учун бўлмаслиги шарт.

Амалларда ихлос бўлиши билан бирга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқ бўлиши ҳам лозим. У зот айтадилар: **«Ким бизнинг ишимизга мувофиқ бўлмаган амални қилса, у рад қилингандир»** (Муслим ривояти).

Ким амалини Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқ, холис Унинг розилиги учун бажарса, Аллоҳ таоло уни дунёда ва охиратда бахтли бандаларидан ҳамда жаннат аҳлидан қила-

ди. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيَاتًا
طَيِّبَةً وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Эркакми ё аёл — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз» (Наҳл сураси, 97-оят).

Шундай экан, ҳар қандай амал орқали, хусусан, ҳаж, умра, Мадинаи мунаввара зиёрати ила жаннатга эришмоқчи бўлсак, уларни холис Аллоҳ учун ҳамда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ тарзда адо этишимиз керак экан.



РИЁНИНГ ХАТАРИ



«Риё» деб кишининг бир солиҳ амални одамлар мақташлари учун уни зийнатлаб, одамларга кўрсатиб қилишга айтилади. Ҳатто амални махфий қилиб, кейин уни одамларга мақтаниб гапириб берса ҳам риё ҳисобланади. Риё ибодат қилувчининг қалбига кириб ўрнашиб олгани боис бу уммат учун Масиҳи Дажжолдан ҳам хатарлироқдир.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизларга Масиҳи Дажжолдан кўра хатарлироқ нарсанинг хабарини берайми?»** дедилар. Биз «Албатта», дедик. У зот: **«У махфий ширқдир. Намоз ўқийдиган одам бошқа киши кўриши учун намозини зийнатлайди (чиройли қилади)»**, дедилар» (Ибн Можа ривояти).

Ҳаж ва умра Аллоҳ таоло ҳузуридаги энг афзал амаллардандир. Шунинг учун шайтон уларни йўққа чиқариш учун риё қилдиришга ҳаракат қилади. Инсонларга «Байтуллоҳни ҳаж қилиб келдим», деб мақтанишни ёки атрофидагилар уни «Эй фалончи хожи!» деб чақаришларини истайди.

Риёкор қилган амали учун савоб олмайди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ таоло: Мен шерикларнинг шерикчилигидан беҳожатман. Кимки бир амални Менга бировни шерик қилган ҳолда қилса, уни ҳам шериклик қилган нарсасини ҳам тарк қиламан»**, деди» (Муслим ривояти).

Риёкор одамга дўзах билан таҳдид қилинган. Аллоҳ таоло бу ҳақда марҳамат қилади:

﴿مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَزِينَتَهَا نُوَفِّ إِلَيْهِمْ أَعْمَالَهُمْ فِيهَا وَهُمْ فِيهَا لَا يُبْخَسُونَ ﴿١٥﴾ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ لَيْسَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ إِلَّا النَّارُ وَحِطَّ مَا صَنَعُوا فِيهَا وَبِطُلُّ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾﴾

«Ким (фақат) шу дунё ҳаётини ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини (не ажр-мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. Ундай кимсалар учун охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу дунёда қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган амаллари бефойдадир» (Худ сураси, 15, 16-оятлар).

Риёнинг давоси:

- Ихлос билан дуо қилиш.
- Аллоҳнинг буюклиги ва махлуқлар заифлигини кўп эшлаш.
- Инсонлар фақатгина Аллоҳ ёзиб-битиби қўйган нарсада сизга ёрдам бера олишини унутмаслик.
- Солиҳ амалларни махфий қилиб, оламлар Парвардигорининг хузури учун ғамлаб қўйиш.

МАДИНАИ МУНАВВАРАНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШНИ ИСТАГАН КИШИ ҚАНДАЙ НИЯТ ҚИЛАДИ?

Зиёрат қилувчи Масжиди Набавийни зиёрат қилишни ният қилади. Зеро, Мадинага сафар қилиш ва у ерни зиёрат қилишдан асосий мақсад ҳам шудир. Зиёрат қилувчи қабр-ни зиёрат қилиш ёки бошқа мақсадлар учун ният қилмайди. Чунки хос жойларни қасд қилиб сафар қилиш жоиз эмас, фақат учта масжид бундан мустасно. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг қуйидаги сўзлари бунга далил бўлади: Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Кўч боғлаб бориш фақат уч масжидгагина бўлади: менинг ушбу масжидимга, Масжидул-Ҳарамга ва Масжидул-Ақсога»**, дедилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ айтади: «Қасд қилиб бориш лафзи қайтарик билан келди. Бундан мурод улардан бошқа ерга сафар қилинмаслигидир».¹

Абу Муҳаммад Жувайний раҳимахуллоҳ айтади: «Ушбу ҳадиснинг зоҳирига амал қилган ҳолда улардан бошқа ерга қасд қилиб бориш ҳаромдир».²

Зиёратчи Мадинага сафар қилса, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг қабрларининг Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумонинг қабрларини, Қубо масжидини, Бақиъ қабристони, Ухуд жангида шаҳид бўлганларнинг қабрини зиёрат қилади. Ушбу зиёратлар Масжиди Набавийни зиёрат қилиш ниятига кириб кетади.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Киши аҳли оиласидан Қубо учун сафар қилса жоиз эмас. Лекин

(1) «Фатхул Борий», 3/64.

(2) «Фатхул Борий», 3/65.

Масжиди Набавийга сафар қилса, сўнгра Қубога борса, бу мустаҳаб амалдир. Худди Бақиъ аҳлининг ва Ухудда шаҳид бўлганларнинг қабрини зиёрат қилиш каби».¹

Аммо тижорат учун ёки илм талабида ёки қариндошларга силаи раҳм қилиш учун сафар қилса жоиздир. Чунки бунда бир ўрин ёки маконни афзал қилиш мақсад қилинмаган. Балки у ерга сафар қилувчи бошқа ерда бўлса ҳам ўз ниятини қасд қилаверади. Агар тижорати машриқда бўлса, машриққа, агар мағрибда бўлса, мағрибга сафар қилаверади. Мусофир бу иши билан хос маконни мақсад қилмаган бўлади.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Қайтарик тижорат ва илм талаб қилиш ва шунга ўхшаган мақсадлардан бошқа қасд қилинадиган ерларга сафар қилиш мумкин эмаслигини ўз ичига олади. Чунки ўша ҳожатларини талаб қилиш учун сафар қилиш бошқа эҳтиёжлари учун ҳам бўлади. Аллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат қилиш ҳам шу каби, чунки бу мақсад ҳар вақт бўлаверади».²

(1) «Фатаво», 27/22.

(2) «Фатаво», 27/21.



АЁЛ КИШИНИНГ МАҲРАМСИЗ САФАР ҚИЛМАСЛИГИ



Аёлларнинг уйда ўтиришларига тарғиблар уларни хорлаш учун эмас, балки азизлаш учундир. Хусусан, сафарга чиқишда ҳам ёлғиз эмас, маҳрами билан чиқиши унинг қадри баланд эканига далолатдир. Маҳрами унга ғамхўрлик қилади, ёмон кишилардан ҳимоя қилади. Агар аёл кишининг маҳрам топиш қийин бўлса, Аллоҳ таоло ундан ҳаж ва умра қилишни соқит қилди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳар бир аёлга бир кеча-кундузлик йўлга маҳрамсиз сафар қилиши ҳалол бўлмайди**» (Муслим ривояти).

Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳар бир аёлга маҳрамсиз (**сафар қилиши**) деган сўзлари ҳар қандай сафарни ўз ичига олади ва бунга ҳаж ҳам киради».¹

Ислом шариаатида аёл кишининг зиммасига ҳажнинг фарз бўлишининг шартларидан бири юқорида айтиб ўтганимиздек, сафарда у билан бирга маҳрамининг бўлишидир. Маҳрами бўлмаган ёки бўлса ҳам, бирга ҳаж сафарига чиқишга қодир бўлмаса, ундай аёлларга ҳаж ибодати фарз эмас. Агар шу ҳолатда улар маҳрамсиз ҳажга борсалар, ҳажлари макруҳи таҳримий бўлиб қолади. Маҳрамдан мурод хоҳ насаб жиҳатидан бўлсин, хоҳ эмиқдошлик жиҳатидан бўлсин, хоҳ никоҳ жиҳатидан бўлсин, никоҳи абадий жоиз бўлмаган кишилардир.

Шариатимиз сафар мобайнида аёл кишининг маҳрами доимо бирга бўлишини талаб қилади. Динимиз аёлларнинг иффати, ҳаёси ва уларнинг заифалиklarини эътиборга

(1) «Фатҳул Борий», 4/77.

олиб, баъзи хизматлари маҳрамлари томонидан адо қилиниши лозимлигини қаттиқ таъкидлайди. Шунинг учун бир аёл ўз ватанидан маҳрамсиз ҳаж сафарига чиқиб, Маккаи Мукаррамада маҳрами билан кўришишни ният қилса ҳам, унинг сафари жоиз эмас. Ҳаттоки аэропортдан бир маҳрами кузатиб қўйиб, бошқа манзилда бошқа бир маҳрами кутиб оладиган бир неча соатлик сафар ҳам аёл киши учун жоиз эмасдир.

Ислом энг нозик хилқат саналмиш аёлларнинг иззат-обрўларини ҳар қандай ҳолатда ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Ана шу ҳолатлардан бири сафар ҳолати бўлиб, шариатимизда улар ҳақида ҳам ўзига хос кўрсатмалар мавжуд. Яқин масофага сафар қилишда умумий ҳолатда хавф-хатар учрамайди. Шунинг учун аёлларнинг маҳрамсиз сафар қилишларига рухсат берилади. Лекин ана шу яқин масофага ҳам маҳрами олиб бориб қўйиши аёл кишининг иззат-икромидир. Уч кеча-кундузлик масофага маҳрамсиз сафар қилиш ҳаром саналади.

Аёл кишининг ишончли аёллар билан бирга сафар қилиши маҳрамсиз сафар қилиш учун кифоя қилмайди. Агар аёл киши ҳаж ёки умра қилишни ният қилса-ю маҳрам топа олмаса, Аллоҳ таоло ҳаж ёки умра қилмаса-да, фазли ила ажр ёзади.

«НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМГА
САЛОМИМНИ ЕТКАЗИНГ» ДЕГАН
СЎЗНИНГ ҲУКМИ

Баъзи одамлар Мадинага кетувчи кишини кўришса, «Набий алайҳиссаломга саломимни етказинг!» — дейишади, бу жоиз эмас. Чунки суннатда ворид бўлмаган. Аллоҳ таоло Ўз Набийсини барча ердан (йўлланган) умматининг саломини етказиб турувчи фаришталар билан икром қилиб қўйди. Сиз қаерда бўлишингиздан қатъи назар: «Эй Аллоҳим! Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га мақтовинг ва саломинг бўлсин» десангиз, фаришталар саломингизни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етказишади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Аллоҳ таолонинг ер юзида кезиб юрувчи фаришталари менга умматимнинг саломини етказди**» (Насоий ривояти).

Кимдир сизга «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саломимни етказинг», — деса, сиз унга: «Ўзингиз у зотга салом ва салавот айтинг, фаришталар ул зотга етказди», — деб айтинг.

Бу шариатнинг энгил эканидан далолатдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (инсонларни) зиёрат учун қабрларини танлаб олишдан қайтарганларида улар қаерда бўлишларига қарамай, у зотга мақтов ва салом айтиши мумкин эканлигини ва бу амал у зотга етиб боришининг хабарини бердилар ҳамда умматларини (фақатгина) салом йўллаш учун ул зотнинг қабрига келиш машаққатидан халос этдилар.



**МАДИНАИ МУНАВВАРАГА
ЕТИБ КЕЛИШ**





МАДИНАИ МУНАВВАРАГА БОРИШ ҚАНДАЙ БАХТ!



Мадина — муборак шаҳар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳарга ва у ернинг таомларига барака тилаб, дуо қилганлар. Мадина Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учун суюкли шаҳар. Муслмон киши у зот яхши кўрган нарсаларни ҳам яхши кўриши керак. Ушбу муборак диёрга оёғингиз етса, бунинг учун Аллоҳга ҳамд айтинг! Қанчадан-қанча муслмонлар унга етиша олмай бу дунёдан ўтиб кетишмоқда. Бу муқаддас диёрни зиёрат қилишдек улуғ неъматнинг қадрига етинг. У ердан ҳолатингизни ислоҳ қилган, чиройли муомала ва гўзал ахлоққа эга бўлган ҳолатда чиқинг.



ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ МАДИНА



Мадинада биринчи бўлиб араблардан бўлган Амалиқо қавми яшагани маълум. Сўнг Шом диёрида яҳудийлар машаққатга йўлиқишади. Байтул-Мақдис вайрон бўлгач, улар Мадинани ихтиёр қилишади. Уларнинг олимлари Тавротда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хижратлари Мадинага бўлишини билишгани учун у ерда муқим қолишди.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَمَّا جَاءَهُمْ كِتَابٌ مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِّمَا مَعَهُمْ وَكَانُوا مِن قَبْلُ
يَسْتَفْتِحُونَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا فَلَمَّا جَاءَهُمْ مَا عَرَفُوا كَفَرُوا بِهِ فَلَعْنَةُ
اللَّهِ عَلَى الْكَافِرِينَ﴾

«Қачонки уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларида бор нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи китоб келганда, ҳолбуки илгари кофирларга қарши (ундан) ёрдам кутардилар. Бас, қачонки уларга ўзлари билган нарса келганда, унга кофир бўлдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!» (Бақара сураси, 89-оят).

Яҳудийларнинг Мадинага ўрнашиб олган энг машхур қабилалари: Бану Қурайза, Бану Назир, Бану Қайнуқоъ. Араблардан бўлган Авс ва Хазраж қабиласи келгунга қадар яҳудийлар кўпчиликни ташкил қилар эди. У икки қавм (Авс ва Хазраж) Мадинага келгач, яҳудийлар билан шартнома тузиб, дўстона муносабат ўрнатишди. Авс ва Хазраж қавмларининг мол-мулки, қурол-яроғлари кўпая бошлаганидан яҳудийлар хавотирланиб, улар билан тузилган битимни бузишди. Лекин иш яҳудийлар ўйлагандек бўлиб чиқмади, Авс ва Хазраж қавми Мадинада қолишди.

Авс ва Ҳазраж орасида дўстона муносабат, яқин ҳамкорлик, биродарлик муносабатлари бор эди. Кейинчалик улар ўртасида душманлик, фирқаланиш авж олиб, ўзаро жанглар келиб чиқди. Улардан энг машҳури ва охиргиси Буъос жанги эди.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «**Буъос кунни шундай бир кунки, Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга (у кунни йўқ қилишни) насиб этган кун эди. Расулуллоҳ (Мадинага) келганларида, у ердаги аҳоли пароканда ҳамда улуғлари ўлдирилган, жароҳатланган ҳолда эди. Аллоҳ таоло бу кунни Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга (Мадина аҳлинининг Буъос кунидан қутулиб) Исломга киришлари учун тақдим этди**» (Бухорий ривояти).

Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ташриф буюрдилар, у зот туфайли Аллоҳ таоло Авс ва Ҳазражнинг дилларини бир-бирига яқин қилиб, яраштириб қўйди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَاذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءً فَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُمْ بِنِعْمَتِهِ إِخْوَانًا﴾

«Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйди ва сизлар Унинг неъматини сабаб биродарларга айландингиз» (Оли Имрон сураси, 103-оят). Шундан сўнг у ерда Ислом тарқала бошлади.



МАДИНАНИНГ НОМЛАРИ



Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилдилар. У ерда яшаганларида Аллоҳ таоло Макка ва бошқа ерларнинг фатҳини насиб қилди, Ислом Мадинадан ҳар тарафга тарқала бошлади. Мадинанинг шарофати ила номлари ҳам кўпая бошлади. Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Ер юзининг энг афзал масканлари бўлган Макка ва Мадина каби номлари кўп тарқалган бошқа шаҳар йўқ».¹

Унинг қуйидаги номлари бор:

1. **Мадина.** Бу ном унинг энг машҳур исмидир. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Шаҳарларни ейдиган (енгадиган) шаҳарда туришга амр қилиндим. Уни «Ясриб» дейдилар. У Мадинадир. У (ёмон) одамларни худди босқон темирнинг кирини сургун қилганидек, сургун қилади**», дедилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Мадинаи мунаввара Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва хулафои рошидинларнинг даврларида Ислом давлатининг маркази бўлган, шаҳар-қишлоқлар биринкетин унга қарам бўлгани сабабли у «шаҳарларни ейдиган шаҳар», деб васф қилинган.

Қуръонда ҳам ушбу ном билан тўрт ўринда келган. Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар номи айтилса, зеҳнга тез келади. Агар Мадина деган лафздан бошқа номи айтилса, қайд қилинади».²

2. **Тойба.** Фотима бинти Қайс розияллоҳу анҳо дейди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарга ҳассалари билан уриб: «**Бу Тойбадир, бу Тойбадир, бу**

(1) «Таҳзибул асмо вал-луғот» 4/157.

(2) «Фатҳул Борий» 4/81.

Тойбадир», дедилар» (Муслим ривояти).

3. **Тоба.** Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳ таоло Мадинани «Тоба» деб номлаган» (Муслим ривояти).

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ таоло Мадинани «Тоба» деб номлаган», дедилар. «Тоба» сўзи яхши, покиза, хушрўй каби бир-бирига яқин маъноларни ўзида мужассам қилади.

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Лафзи гўзал бўлгани учун «Тойба» ва «Тоба» деб номланди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гўзал исмларни яхши кўрардилар, ёмон исмларни эса ёқтирмас эдилар».¹

(1) «Саҳиҳи Муслим»нинг шарҳи, 9/154.

МАДИНАНИНГ НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ ЁҚТИРМАГАН НОМЛАРИ

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келишларидан аввал уни «Ясриб» деб аташарди. У зот бундай ном билан аталишини ёқтирмадилар ва: «**Уни «Ясриб» дейдилар. У Мадинадир**», дедилар (Бухорий ва Муслим ривоятлари). Мадинани бу ном билан номланишини ёмон кўрганларнинг сабаби «ясриб» сўзи «сароб» сўзидан олинган бўлиб, «фасод, бузғунчилик» деган маънони, ёки «тасриб» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «койиш, маломат» деган маънони билдиради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гўзал исмларни яхши кўрганлари сабабли ёмон исмларни яхшисига ўзгартирганлар.

Қуръонда «Ясриб» деб номланиши мунофиқларнинг ҳамда қалбларида ёмонлик бўлган кишиларнинг сўзларидан келтирилган иқтибосдир. Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи каби:

﴿وَإِذْ قَالَتْ طَآئِفَةٌ مِّنْهُمْ يَا أَهْلَ يَثْرِبَ لَا مُقَامَ لَكُمْ فَارْجِعُوا﴾

«Ўшанда улардан бир тоифа одам деди: «Эй Ясриб (яъни Мадина) аҳли, сизлар учун (бу қадар кўп сонли ёвга қариши) туриш имкони йўқдир, бас, (ўз уйларингизга) қайтиб кетинглар» (Ахзоб сураси, 13-оят).

Абу Мусо розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақда шундай дедилар: «**Тушимда Маккадан хурмозори бор ерга ҳижрат қилаётганимни кўрдим. У Ямома ёки Ҳажар бўлса керак деган хаёлга бордим. Билсам, у Мадина — Ясриб экан**» (Бухорий ва Муслим ривоятлари). «**Тушимда фақат Ясрибни кўрдим**» деган сўзлари «Ясриб» деб номлашдан қайтаришларидан олдин эди.

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ НИМА УЧУН МАДИНАГА ҲИЖРАТ ҚИЛДИЛАР?

Маккаи Муқаррама Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамда Иброҳим алайҳиссаломдан тортиб барча ота-боболарининг юртидир. Бу муборак шаҳар у зот туғилиб ўсган, илк ваҳий нозил бўлган маскандир. Пайғамбар алайҳиссалом Макка аҳлини тавҳидга (Аллоҳни ягона деб эътиқод қилишга) даъват қилганларида масхара қилишди, алоқаларни узиб, камал қилишди, ҳар турли азиятлар етказишди, ҳатто у зотни ўлдиришга бел боғлашди. Аллоҳ таоло куйидаги оятда баён қилганидек:

﴿وَإِذْ يَمْكُرُ بِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِيَثْبُتُوكَ أَوْ يَقْتُلُوكَ أَوْ يُخْرِجُوكَ وَيَمْكُرُونَ
وَيَمْكُرُ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَكْرِينِ﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалому вассалом), кофирлар сизни ҳибс қилиш ё ўлдириш, ёки (Маккадан) чиқариб юбориш учун сизга макр қилган пайтларини эсланг! Улар макр қилурлар, Аллоҳ ҳам «макр» қилур. Аллоҳ «макр» қилувчиларнинг устасидир» (Анфол сураси, 30-оят). Озорлар тобора кучайиб, Парвардигорнинг рисолатини етказишда жиддий қийинчилик ва тўсқларга дуч кела бошладилар. Шундан кейин Аллоҳ таоло дунёга Ислом дини кенг ёйилиши учун у зотга Мадинага ҳижрат қилишга изн берди.

МАДИНАГА КИРАЁТГАНДА ҚАНДАЙ ДУО ЎҚИЛАДИ?

Мадинага кираётганда айтиладиган алоҳида дуо йўқ. Балки умумий дуо мавжуд бўлиб, хоҳ у Мадинаи Мунаввара хоҳ бошқа шаҳар бўлсин, бирон шаҳарга киришда айтилаваради, Суҳайб розияллоху анҳу айтади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир қишлоққа кираётганларида, шундай дер эдилар:

اللَّهُمَّ رَبَّ السَّمَوَاتِ السَّبْعِ وَمَا أُظْلِنَ، وَرَبَّ الْأَرْضِينَ السَّبْعِ وَمَا أَقْلِنَ،
وَرَبَّ الشَّيَاطِينِ وَمَا أُضْلِنَ، وَرَبَّ الرِّيحِ وَمَا ذَرَيْنَ، إِنَّا نَسْأَلُكَ خَيْرَ هَذِهِ
الْقَرْيَةِ، وَخَيْرِ أَهْلِهَا، وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهَا، وَشَرِّ مَا فِيهَا

«Аллоҳумма, роббас-самааваатис-сабъи ва маа аз-лална ва роббал ародийнас-сабъи ва маа ақлална ва роббаш-шайтийни ва маа адлална ва роббар-рияҳи ва маа заройна, асалука хойро ҳазиҳил қоряти ва хойро аҳлиҳаа ва хойро маа фийҳаа ва абуузу бика мин шарриҳаа ва шарри аҳлиҳаа ва шарри маа фийҳаа».

(Маъноси: «Аллоҳим! Етти қават осмон ва улар соя солган нарсаларнинг Робби! Етти ер ва улар устидаги нарсаларнинг Робби! Шайтонлар ва улар адаштирганларнинг Робби! Шамоллар ва улар учирган нарсаларнинг Робби! Мен Сендан бу қишлоқ ёки шаҳарнинг ва унинг аҳолисининг ва ундаги нарсаларнинг яхшилигини сўрайман ҳамда унинг, аҳолисининг ва ундаги нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ беришингни тилайман»). (Муслим ривояти).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Ким бир манзилга тушганида:**

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ

«Аъузу бикалиматиллаҳит-таммаати мин шарри маа холақ».

(Маъноси: «Аллоҳнинг мукаммал калималари ила яратилганларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман», деб айтса, токи бошқа манзилга кўчгунча унга бирор нарса зарар етказа олмайди»). (Муслим ривояти).

МАДИНА ЗИЁРАТЧИСИНИНГ ОДОБЛАРИ

Аллоҳ таоло Мадинани зиёрат қилувчига бу муборак жойни зиёрат қилиш фазилатини ато этди. У ерни зиёрат қилувчилар қуйидаги одобларга риоя этишлари лозим бўлади:

1. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тавҳидга чақирганларини, фақатгина Аллоҳга дуо қилганликларини эслаш. У зотнинг даъватларига бўйсуниб, фақатгина Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога дуо қилиш, барча ҳожатларини ёлғиз У Зотдан сўраши керак. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِنْ يَمَسُّكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ﴾

«Агар Аллоҳ сизга бирон зиён етказса, уни фақат Ўзигина кетказа олур» (Юнус сураси, 107-оят).

2. Мадина энг фазилатли масканлардан бири эканини эсдан чиқармаслик. У ердаги вақтларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш, Аллоҳнинг зикри каби тоат-ибодатлар билан ўтказиб, фурсатни ғанимат билиши керак.
3. Бидъат, маъсиятларга тушиб қолишдан огоҳ бўлиш керак. Дарҳақиқат, икки ҳарамда (Макка ва Мадинада) қилинган ёмон амалнинг гуноҳи бошқа жойларда қилингандан кўра гуноҳи улканроқдир.
4. Мадина аҳли билан чиройли ва одоб билан муомала қилиши лозим. Унинг аҳлига озор берувчилар ҳақида таҳдидлар келганини унутмаслик керак. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Ким Мадина аҳлига ёмонлик истаса, Аллоҳ уни худди туз сувда эриганидек эритиб юборади»** (Муслим ривояти).



МАДИНА ЗИЁРАТИНИНГ ТАРТИБИ



• Бомдоддан аввал.

Тунги намоз учун бомдоддан бир соат аввал турасиз. Икки ракат намоз ўқиб, салом берасиз. Яна икки ракат намоз ўқийсиз. Агар яна қодир бўлсангиз, яна зиёда қилинг. Бомдод азонига озгина вақт қолганда уч ракат витр намозини ўқинг.

Уйда ўқилган нафл намозлар Масжиди Набавийда ўқилган намозлардан афзалроқ. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Масжиди Набавий ёнида бўлишларига қарамай нафл намозларини уйларида ўқиганлар ва шундай деб айтганлар: «Сизлар фарз намозидан бошқа намозни уйингизда ўқинг, чунки кишининг энг яхши намози уйда ўқиган намозидир» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Агар бомдод намозига азон айтилса, фарз намозини ўқиш учун Масжиди Набавийга боринг.

• Бомдоддан кейин.

Қуръон ўқиб, Аллоҳни зикр қилиб (тасбеҳ, таҳмид, таҳлил, такбир айтиб), қуёш чиққунга қадар масжидда қолинг.

• Асрдан кейин.

Масжиди Набавийдаги Қуръон ўқиш ҳалқаларига тиловатингизни тўғрилаш учун қўшилинг.

• Шомдан кейин.

Масжиди Набавийдаги уламоларнинг суҳбатларига боринг ва ўзингизни қизиқтирган саволларни сўранг.

• Хуфтондан кейин.

Ётоқхонангизга боринг, витр ва бомдод намозига туриш учун барвақт ухланг.



**МАДИНАИ МУНАВВАРАНИНГ
ФАЗИЛАТИ**





МАДИНАНИНГ ФАЗЛИ



Мадинаи Мунавварада муборак макон борлиги учун. Аллоҳ таоло уни фазилатлантириб, Маккадан кейинги энг яхши жойлардан қилди. У ваҳий диёри ва фаришталар ҳидоят ва раҳмат олиб тушган манзилдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаларнинг даврида ҳам, ундан кейин ҳам барча яхшиликлар ер юзига мана шу ердан тарқалди. Мадинанинг фазилати Аллоҳ таоло уни алоҳида хосланган нарсалар биландир. Улар қуйидагилар:

❖ **Биринчиси: иймоний фазилат.** У қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. У зот Маккани жуда ҳам яхши кўрардилар.

У ҳақда шундай дедилар: «**Менга сендан-да ёқимли ва суюкли жой йўқ. Агар қавмим мени чиқариб юбормаганида сендан бошқа ерда яшамас эдим**» (Термизий ривояти).

Сўнгра у ердан Мадинага ҳижрат қилдилар ва Маккани суюкли қилиб қўйгани каби Мадинани ундан-да суюкли қилишини сўраб шундай дуо қилдилар: «**Аллоҳим! Бизга худди Маккани суюкли қилганингдек Мадинани ҳам суюкли қилгин!**» (Бухорий ривояти).

Аллоҳ таоло у кишининг дуосини ижобат этди, Мадинани кўпроқ яхши кўрдилар. Ундан айрилиб, сафар қилганларида қайтиш чоғида уйларини кўрсалар, юришни тезлатар эдилар. Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сафардан қайтаётиб Мадинанинг деворларига кўзлари тушса, туяларини шошилтирар ёки бошқа биронта уловда бўлсалар ҳам унга (Мадинага) бўлган муҳаббатларидан уни тезлатар эдилар» (Бухорий ривояти).

2. Расулulloҳнинг масжидларида ўқилган намознинг ажри кўпайтириб берилиши.

Мадинанинг фазилатларидан бири шуки, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида ўқилган намоз бошқа ерда ўқилган намоздан минг мартаба яхшироқдир. Масжидул-Ҳарамдан ташқари бошқа ерда ўқилган намоз Мадинада ўқилган намоздан устун кела олмайди.

3. Иймон у ерда йиғилади.

Аллоҳ таоло бошланишда ва охирида Мадинани иймоннинг ватани бўлишини ихтиёр қилди. У ер Исломнинг аввалида иймон диёри бўлди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ وَالْإِيْمَانَ﴾

«Улардан (муҳожирлардан) илгари (Мадина) диёрига ўрнашган ва иймон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар» (Ҳашр сураси, 9-оят).

Тез орада иймон у ердан тарқалгани каби яна у ерга қайтади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, иймон худди илон инига йиғилиб олгани каби Мадинага йиғилади», дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

4. Шаҳарларни мағлуб этади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинани шаҳарларни ейдиган (яъни мағлуб этадиган) деб сифатлаб шундай дедилар: «**Шаҳарларни ейдиган (яъни мағлуб қиладиган) шаҳарда бўлишга буюрилдим. Уни Ясриб дейдилар. У Мадинадир**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

«Шаҳарларни ейдиган» деган сўзнинг маъноси бошқа шаҳарларни мағлуб этувчи ёки ўлжалар тўпланадиган жой деган маънодадир.

Мадинаи мунаввара Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва хулафои рошидинларнинг даврларида Ислом

давлатининг маркази бўлгани, шаҳар-қишлоқлар бирин-кетин унга қарам бўлгани сабабли у «шаҳарларни ейдиган шаҳар» деб васф қилинган.

Юқорида келтирилган икки маъно воқеликда ҳақиқатан юз берди. Мадина бошқа шаҳарлар устидан ғолиб келди. Бу шаҳардан даъватчи ва фотиҳлар ёйилиб, инсонларни Аллоҳнинг изни ила зулматдан нурга олиб чиқишди. Ибн Абдулбарр раҳимаҳуллоҳ айтади: «Барча шаҳарлар Мадина орқали фатҳ қилинди».¹

Дарҳақиқат, Кисро ва Қайсарнинг хазиналари ҳам ғанимат ўлароқ Мадинада тўпланди. Сўнгра уларни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху тақсимлаб берди.

❖ **Иккинчиси: у покиза ва гўзал шаҳардир**

У иймон диёри бўлганидек, ёмонликлар ва ёмонлик эгаларини чиқариб юборувчи покиза шаҳардир. Булар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Гуноҳларни кетказиши.

Аллоҳ таоло Мадинани гуноҳларни ўчириш сифати билан фазилатли қилди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилдилар: «**Албатта, у Тойбадир (пок, тоза, мусаффо), у худди олов кумушнинг кирини кетказганидек гуноҳларни ўчиради**» (Бухорий ривояти).

2. Ёмон одамларни чиқариши.

Аллоҳ таоло Мадинани пок қилди. Дарҳақиқат, у ёмонларни ўзидан чиқариб юборади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**У (ёмон) одамларни худди босқон темирнинг кирини сургун қилганидек, сургун қилади**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига ке-

(1) «Тамҳид», 23/170.

либ, мусулмон бўлишга байъат қилди. Эртасига у иситмалаган ҳолда келиб: «Байъатимни бекор қилинг», деди. У зот уч мартагача кўнмадилар, кейин: «**Мадина худди босқонга ўхшайди, кирини** (ёмон одамларни) **кетказди, покизаси мусаффо бўлади**», дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

3. Яхшиси мусаффо бўлади.

У ерда иймонда бўлиб, солиҳ бўлиб яшовчи кишининг зикри ва амали мусаффо бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлари каби: «**Яхшиси мусаффо бўлади**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Имом Набавий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Мусаффо, самий бўлади ва бошқалардан ажралиб туради».¹

Уламолар солиҳлар у ерда мусаффо бўлгани каби солиҳ амаллар инсонларда зоҳир бўлади, дейишади.

❖ Учинчиси: тинчлик ва хотиржамлик маскани

Бунинг далиллари қуйидагилардир:

1. У омонлик диёрдир.

Аллоҳ таоло Мадинани Ислом шариатини барпо этиш ва дин тарқалиши учун омонлик диёри қилиб қўйди. Саҳл ибн Хунайф розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўллари билан Мадина томонга ишора қилиб: «**У омонлик ҳарамидир**», дедилар» (Муслим ривояти).

У ердаги омонлик бир қанча ишлар билан зоҳир бўлади:

- Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳарларига ёмонлик қилишни истаса, Аллоҳ таоло уни ҳалок қилади. У зот айтадилар: «**Ким Мадинага ёмонлик истаса, Аллоҳ уни худди туз сувда эриганидек эритиб юборади**» (Аҳмад ривояти).

- Ким у ернинг аҳолисига таҳдид қилса, Аллоҳ унга

(1) «Саҳиҳи Муслим»нинг шарҳи 9/156.

тахдид қилади ва лаънатлайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар: «**Ким Мадина аҳлига зулм қилиб хавф солса, Аллоҳ таоло уни хавфга қўяди. Сўнгра унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг, барча инсонларнинг лаънати бўлади. Унинг фарз ибодати ҳам, нафл ибодати ҳам қабул бўлмайди**» (Насоий ривояти).

- Ким Мадина аҳлига макр-ҳийла ва ёмонликни раво кўрса, Аллоҳ таоло уни дунёда ҳалок қилади ва бу ишни кечиктирмайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «**Бирор киши Мадина аҳлига макр қилгудек бўлса, худди туз сувда эриганидек эриб кетади**» (Бухорий ривояти).

- Ким Мадина аҳлига ёмонлик қилишни истаса, Аллоҳ унга охиратдаги дўзахнинг қаттиқ азобини ваъда қилган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бирор киши Мадина аҳлига ёмонлик истаса, Аллоҳ уни қўрғошин оловда эригандек ёки туз сувда эриганидек эритиб юборади**» дедилар (Муслим ривояти).

2. Мадина ҳарамдир.

Аллоҳ таоло Макка ва Мадина шаҳрини ҳарам қилди. Бундай деб номланишининг сабаби бошқа шаҳарларда қилиш мубоҳ бўлган баъзи амаллар Макка ва Мадинада ҳаромдир. Ёки бошқа шаҳарларда қилиш ҳаром бўлган амалларни Макка ва Мадинада қилишнинг гуноҳи янада каттароқдир.

Ер юзида Макка ва Мадинадан бошқа бундай мақомга эга жой йўқ. Ҳатто Масжидул-Ақсо ҳам учинчи ҳарам саналмайди.

Макка ва Мадинада баъзи нарсаларнинг ҳаром қилингани Аллоҳнинг ҳузурида ушбу маконларнинг мартабаси юқори бўлгани учундир. Иброҳим алайҳиссалом Маккани ҳарам қилгани каби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинани ҳарам қилдилар. У зот айтадилар: «**Иброҳим (алайҳиссалом) Маккани ҳарам қилган, мен эса Мадинани ҳарам қилдим**» (Муслим ривояти).

Мадинанинг ҳарам қилинган ҳудудлари қуйидагилар:

1. Шимолда Савр тоғи, жанубда Айр тоғигача. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мадинанинг ҳарами Айр билан Савр орасидир», дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

2. Шарқ ва ғарбдан икки ҳаррагача (тошлоқ, яъни қотиб қолган лавадан ҳосил бўлган қора тошли жой). Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен Мадинанинг икки тошлоғи орасини ҳарам қилдим» дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Мадинанинг ҳарам бўлишидан қуйидаги ҳукмлар келиб чиқади:

- Ҳар қандай макон ва замонда ноҳақ одам ўлдириш ҳаромдир. Лекин Мадинанинг ҳарамида унинг гуноҳи каттароқдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Унда қон тўкилмайди**» (Муслим ривояти).

- Одам ўлдириш учун курол кўтариб юрилмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Унда (Мадинада) одам ўлдириш учун силоҳ кўтариб юрилмайди**» (Муслим ривояти).

- Ов (ҳайвон) овланмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**У(Мадина)нинг ови (ҳайвони) овланмайди**» (Муслим ривояти). «Ов» деганда қуруқликда яшовчи гўшти ейиладиган ҳайвонлар назарда тутилади.

- Дарахтлари кесилмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: «**Унинг (шоҳ-шаббага эга бўлган ҳар қандай дарахт) шоҳлари кесилмайди**» (Муслим ривояти). Яъни ўзи ўсган дарахтларни кесиш ҳаромдир. Аммо инсонлар томонидан экилган бўлса, кесиш мумкин.

- Дарахтларнинг барги беҳуда қоқилмайди. Яъни япроқлари уриб туширилмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Дарахтлари фақатгина ем-хашак учунгина қоқилади**» (Муслим ривояти).

- У ерда бидъат амаллар қилиш ҳаром. Шунингдек, би-

дъятчи ва жиноятчига бошпана бериш ҳам ҳаром. Бу ишлар ҳамма жойда ҳам ҳаром, лекин Мадинада қаттиқроқ қаралади. Набий алайҳиссалом айтадилар: **«Ким у ерда (Мадинада) бидъат пайдо қилса ёки бидъатчига бошпана берса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлсин! Унинг на фарз, на нафл (ибодатлари) қабул қилинади»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

3. Аллоҳ таоло Мадинани Дажжол ва унинг ваҳимасидан сақлаган.

Охир замонда Масиҳи Дажжол чиқиб, шаҳарларни кезади, ўзини оламлар Робби деб иддао қилади. Кофирлар унга берилган ғайриоддий нарсаларни тасдиқлайдилар.

Инсонлар унинг чиққанини эшитишгач, ундан кўрқиб, тоғларга чиқиб кетишади. Лекин Мадинага Дажжол ҳам, унинг ваҳимаси ҳам кира олмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Мадинага Масиҳи Дажжолнинг ваҳимаси кирмайди»** (Бухорий ривояти).

Дажжолнинг Мадинага киришини ҳаром қилгани Аллоҳ таолонинг у ерни сақлаганидир. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анху ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Дажжол Мадинанинг шўрхоқлардан бирига келади. Ҳолбуки, унинг Мадинанинг (кириш) йўллари ҳаром қилинган»** (Бухорий ривояти).

Дажжол бир неча маротаба Мадинага киришга ҳаракат қилади. Лекин Аллоҳ таоло уни қиличлари билан кўриқлаб турувчи фаришталар орқали ҳимоя қилади. Дажжол ҳақида саҳиҳ ҳадисларда маълумотлар келган. Дажжол айтади: **«Менга чиқиш учун изн берилишига озгина қолди. Сўнг чиқиб, ер юзида кезаман. Қирқ кечада мен кирмаган биронта кишлоқ-шаҳар қолмайди, фақат Макка ва Тойбага киролмайман. У иккиси менга ҳаром қилинган. Қачон улардан бирига киришга уринсам, қўлида яркироқ қилич ушлаб турган фаришта у ерни ҳимоя қилиш учун қаршимга чиқади»** (Муслим ривояти).

4. Ўлат кира олмайди.

Аллоҳ таоло Мадинани ўлат касаллигидан сақлаган. Шаҳарнинг ҳар тарафига ўлат киришидан тўсиб турувчи фаришталарни жойлаган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Мадинанинг кириш йўлларида фаришталар бор. Унга ўлат ҳам, Дажжол ҳам кира олмайди**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

5. Фаришталар кўриқлаб туради.

Аллоҳ таоло Мадинани Дажжолдан кўриқлаб турадиган фаришталар вакил қилгани унинг омонда эканидан далолатдир. Шаҳарнинг барча кириш йўллари фаришталар воситасида Дажжолдан кўриқланади.

Демак, ҳар тарафлама фаришталар билан кўриқланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Дажжол Мадинага келиб, уни фаришталар кўриқлаётганини кўради**» (Бухорий ривояти). Имом Набавий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу ҳадисда Мадинанинг кўриқчилари кўп экани баёни қилинган».¹

6. Мадинага вабо ҳам кирмайди.

Мадинаи Мунаввара водийда жойлашган эди ва у ерда вабо кўп тарқаларди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг асҳоблари Мадинага ҳижрат қилишганда иситма касалига дучор бўлишди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ерга вабо кирмаслигини сўраб, дуо қилдилар: «**Аллоҳим! Уни (Мадинани) бизга саломат айлагин**» (Бухорий ва Муслим ривояти). Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтади: «Мадина аввалги ҳолатидан фарқли равишда Аллоҳнинг энг соғлом ерига айланди».²

(1) «Саҳиҳи Муслим»нинг шарҳи, 9/148.

(2) «Фатҳул Борий», 10/191.

❖ Тўртинчиси: Мадинада яшашнинг фазилати

Мадинанинг фазилатларидан бири, у ерда яшашнинг шарафли эканлигидир. Буни қуйидаги мисоллар билан биламиз:

1. У ерда яшашнинг фазилати.

Мадинаи Мунаввара муборак шаҳардир. У ерда истиқомат қилиш ҳам бошқа ерларда яшашдан афзалроқ. Баъзи ерларда яшаш бир мунча қулайроқ бўлса-да. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинада яшашга тарғиб қилдилар: **«Одамларга бир замон келур. Унда киши амакиваччасини ёки яқинларини «Фароғатга келинглар! Фароғатга келинглар!» деб чақирур. Ҳолбуки, агар улар билсалар, Мадина улар учун яхшидир»** (Муслим ривояти).

Ким у ерда иймон ва тақво билан истиқомат қилса, Аллоҳ таоло унинг яхшиликларини ён-атрофга ёяди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«У(Мадина)нинг фазилати равшан бўлади»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

Ким Мадинани ёмон кўриб, тарк этса, Аллоҳ таоло ундан яхшиларини ўрнига алмаштириб қўяди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бирор киши уни ёқтирмай, ташлаб кетса, Аллоҳ унинг ўрнига у ерга ундан яхшисини киритади»** (Муслим ривояти).

Мусулмон кишининг бошқа жойда кўпроқ манфаати тегадиган бўлса, Мадинадан чиқиб кетишининг ҳеч қандай айби йўқ. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам даъват учун Али ибн Абу Толиб, Муъоз ибн Жабал, Абу Мусо Ашъарий каби баъзи саҳобаларни Мадинадан ташқарига юборганлар.

Банда учун Аллоҳга тақво қилиб яшайдиган жой энг яхши жой ҳисобланади. Шайхулислам Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: **«Ҳар бир жойда яшашнинг сабаблари Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат этиш ва яхшиликларни бажариш билан бўлади. Буни яхши билиши, унга қодир бўлиши, фаолроқ бўлиши керак. Бир жойда истиқомат**

қилишнинг энг афзал кўриниши у ерда Аллоҳ ва Расулига итоатнинг бўлишидир».

2. Мадинанинг қийинчилик ва машаққатларига сабр қилиш. Бу амал Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларига эришишга сабаб бўлади.

Ҳаёт машаққат ва қийинчиликлардан иборат, баъзида синовлар кетма-кет келади. Шунинг учун Аллоҳ мусибатларга сабр қилишга буюради. Мусибатларга сабр қилувчилар билан биргалиги ва уларнинг ажрлари ҳисобсиз эканини таъкидлайди.

Ким Мадинада яшаб, мусибат ва қийинчиликларга сабр қилса, Аллоҳ унга қиёмат куни улкан макофот — Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари ва гувоҳликларини ваъда қилган. Маҳрийнинг мавлоси Ҳарра кечаларида¹ Абу Саъид Худрийнинг олдига келиб, Мадинадаги нарх-наводан шикоят қилди. Оиласининг катталиги қийинчиликка сабри қолмаганини айтиб, Мадинадан кўчиб кетиш ҳақида маслаҳат сўради. Абу Саъид унга: «Шўринг қурғур, сенга буни маслаҳат бермайман. Чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Ким Мадинанинг қийинчилигига сабр қилиб, мусулмон ҳолда вафот қилса, Қиёмат куни мен унга шафоатчи ва гувоҳ бўламан»**, деганларини эшитганман», деди» (Муслим ривояти).

Ким Мадинада машаққатга дучор бўлса, кенгчилик ва хотиржамлик қидириб, бошқа шаҳарга чиқиб кетмаслиги, балки сабр қилиши керак. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бу ишга катта ажр-савоб ваъда қилган.

(1) Ҳижрий 63-санада Мадинанинг Ҳарр мавзесида содир бўлган мудҳиш қирғин. Аксар Ҳижоз аҳолиси, жумладан, Мадина аҳли Язид ибн Муовияга байъат қилишдан бош тортганда у Муслим ибн Уқбани кўшин билан юборади.

❖ Бешинчиси: Мадинанинг баракаси

У ерда барака ҳар жиҳатдан намоён бўлади:

1. Умумий барака.

Оз нарса баракали бўлиб, кўпаяди. Кўп нарсада ҳам барака бўлиб, манфаати зиёда бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага барака тилаб, дуо қилганлар:

• «Аллоҳим! Биз учун Мадинамизда барака бергин!» (Муслим ривояти).

• «Аллоҳим, бизга барака устига барака бергин!» (Муслим ривояти).

• Маккага берилган бараканинг икки баробарини Мадинага берилишини сўраб дуо қилдилар: «Аллоҳим, Маккага берган баракангнинг икки баробарини Мадинага бергин» (Бухорий ва Муслим ривояти).

2. Таомининг баракаси.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинанинг таомига барака берилишини сўраб, дуо қилганлар. Бунга қуйдагилар мисол бўлади:

• Соъ¹ ва мудд²а барака (яъни тош-тарозу ўлчовларда бошқа жойларга нисбатан баракали) бўлиши. Озгина таом кўпчиликка етиб, фойдаси кўп бўлади. Набий алайҳиссалом шундай дуо қилдилар: «Аллоҳим, соъмизга барака бергин! Муддимизга барака бергин!» (Муслим ривояти).

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Барака ўлчовда ҳосил бўлади. Чунки бошқа ерда кифоя қилмайдиган бир мудд у ерда етарли бўлади. Бу фақат Мадинада яшовчиларга

(1) Арабларда оғирлик ўлчови номи, бир соъ 2400 граммга ёки 2,75 литрга тенг.

(2) Оғирлик ўлчовининг номи. Мудд — соънинг тўртдан бирига тенг, икки мудд ярим соъга баравар бўлади. Бир мудд бир бутун учдан бир ратлга ёки 675 граммга ёхуд 0,688 литрга тенг вазн ўлчовидир.

хосдир».¹

• Меваларининг баракали бўлиши. Мадинанинг мевалари ва ҳосиллари баракалидир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «**Аллоҳим, меваларимизга барака бергин!**» (Муслим ривояти).

❖ **Олтинчиси: Мадинанинг хурмоси**

Аллоҳ таоло Мадинанинг кадр-қимматини юксак, шарафли қилиб қўйгани сабабли унинг хурмосини ҳам бошқа шаҳардаги хурмолардан афзал қилиб қўйди. Мадина хурмосининг бошқаларидан афзал бўлгани, уч хил навлиси, улар қуйидагилар:

Биринчи нав: Олия минтақасининг ажва хурмоси бўлиб, бу энг олий навли хурмодир.

Олия — Масжиди Набавийдан беш километр узоқликда, унинг жануби-шарқда, Кубо масжиди яқинида жойлашган маскан.

Бу хурмонинг афзаллиги шундаки, асал, қора седана, замзам каби Аллоҳнинг изни билан кўп касалликларга шифодир.

Истеъмол қилиш усули: наҳорда оч қоринга исталган миқдорда (таъбга қараб) ейиш мумкин.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «**Олиянинг хурмоси шифодир. Эрталаб ейилса, тарёқ**(заҳарни кесадиған маъжун, дори)**дек шифодир**» (Муслим ривояти).

Иккинчи нав: Мадинанинг (умумий) ажва хурмоси.

Унинг афзаллиги: Аллоҳнинг изни билан сеҳр ва заҳардан ҳимоя қилади.

Истеъмол қилиниши: эрталаб оч қоринга етти дона ейилади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким эрталаб (оч қоринга) ажвадан етти дона еса, ўша куни унга заҳар**

(1) «Саҳиҳи Муслим»нинг шарҳи, 9/142.

хам, сеҳр ҳам зарар қилмайди», дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Учинчи нав: Мадинанинг бошқа турдаги хурмолари.

Уларнинг афзаллиги: Аллоҳнинг изни билан заҳарни даф қилади.

Истеъмол қилиниши: эрталаб оч қоринга етти донадан истеъмол қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Ким тонг отганда икки тошлоқ (Лобатайх — Уҳуд ва Айр тоғлари) орасидаги жойдан еттига хурмо еса, кеч киргунича унга заҳар таъсир қилмайди**» (Муслим ривояти).

❖ **Еттинчиси: Мадинанинг диққатга сазовор жойлари**

- **Масжиди Набавий.** Бунинг зикри келади.
- **Қубо масжиди.** Кейинроқ батафсилроқ баён этилади.
- **Уҳуд тоғи.**

Уҳуд тоғи Масжиди Набавийнинг шимолида жойлашган. Тоғлар орасида уларга қўшилмасдан ажралиб тургани сабабли «Уҳуд» деб ном олган.

Бу ерда Уҳуд жанги содир бўлган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлар Уҳудни яхши кўришларини, Уҳуд ҳам уларни яхши кўришининг хабарини берганлар. Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга Уҳуд кўринди, сўнгра у зот: «**Бу тоғ бизни яхши кўради. Биз ҳам уни яхши кўрамыз**», дедилар (Муслим ривояти).

Имом Нававий раҳимахуллоҳ дейди: «Ҳақиқатан шундай. У бизни яхши кўради, Аллоҳ таоло унга бошқалардан ажралиб турадиган хислат берган».¹

Уни яхши кўриш қалб билан бўлади, ундан барака тиланмайди ёки тошлари тавоф қилинмайди.

(1) «Саҳиҳи Муслим»нинг шарҳи, 9/163.

Унинг жаннат тоғи экани тўғрисида ҳеч қандай далил келмаган.

• **Ақиқ водийси.**

Мадинанинг жанубидан шимолига қадар чўзилган бу водийда Зулҳулайфа мийқоти (эҳром ўраладиган жой) бор. Набий алайҳиссалом унинг баракали эканининг хабарини бердилар.

Умар розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: **«Бу кеча Роббим тарафидан бири (Жаброил) келиб: «Бу муборак водийда намоз ўқинг ва: «Хажга қўшиб умра (қиламан)», деб айтинг», деди»** (Бухорий ривояти).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинадан ҳаж қилишни қасд қилиб чиққанларида Ақиқ водийсида тунаганлар. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссалом Ақиқ водийсида Зулҳулайфадаги қўноқлаш жойида бўлганларида туш кўрдилар. У зотга: «Албатта сен муборак Батҳо водийдасан», дейилди» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Унинг тупроғидан ёки майда тошларидан барака тилаш жоиз эмас. Чунки барака фақатгина Аллоҳдан сўралади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари бундай қилишмаган.

❖ **Саккизинчиси: Мадинада вафот этишнинг фазилати**

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ким Мадинада мўмин бўлган ҳолида вафот этса, қиёмат куни унга шафоатчи бўлишларини ёки гувоҳ бўлишларини хабар қилдилар. **«Ким Мадинада вафот этишга қодир бўлса, у ерда вафот этсин. Албатта, мен унга гувоҳ ёки шафоатчи бўламан»** (Насойй ривояти).

Умар ибн Хаттоб Мадинада жон беришни сўраб, қуйи-

дагича дуо қилар эди: «Аллоҳим! Менга Сенинг йўлингда шаҳидликни насиб этгин ва ўлимимни Расулинг соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳрида қилгин!» (Бухорий ривояти).

Аммо Мадинанинг ташқарисида вафот этиб, у ерга дафн қилинган киши бу фазилатга эга бўлмайди.

❖ **Тўққизинчиси: Мадина хароб бўладиган шаҳарларнинг энг охиригисидир**

Охирзамонда барча Ислом диёрлари вайрон бўлади. Мадина шарафи сабабли энг охирида хароб бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Хароб бўладиган Ислом диёрларининг энг охиригиси Мадинадир**» (Термизий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг охирзамондаги ҳолатини сифатлаб шундай дедилар: «**Мусулмонлар Мадинани яхши ҳолатида тарк этадилар. Унга фақат йиртқичлар ва қушлар емиш излаб киради**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Имом Набавий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Ҳадиснинг маъноси шуки, Мадинани тарк этиш охирзамонда, қиёмат қойим бўлиши олдидан рўй беради».¹

Дунё ва ундаги барча нарсаларнинг ҳолати шундай. Бу фоний диёрдан абадий диёр бўлмиш жаннат ёки дўзахга кўчишдир.

(1) «Саҳиҳи Муслим»нинг шарҳи, 9/160.

A decorative frame with a dark grey outer border and a red inner border. The corners of the frame are rounded and feature red floral motifs. The text is centered within the frame.

МАСЖИДИ НАБАВИЙ



МАСЖИДИ НАБАВИЙНИНГ ФАЗИЛАТИ



Аллоҳ таоло Масжиди Набавийни бир қанча фазилатлар билан хослаб, бошқа масжидлардан афзал қилган. Улардан баъзилари қуйидагилар:

- Уни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бунёд қилганлар. У Аллоҳнинг пайғамбарлари қурган учта масжиднинг биридир. Масжидул-Ақсони Одам алайҳиссалом, Масжидул-Ҳарамни Иброҳим алайҳиссалом қургани айтилади. Масжиди Набавийни эса пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қурганлар.

- Масжиди Набавий пайғамбарлар қурган масжидларнинг охиргисидир. Зеро, уни қурган Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин пайғамбар келмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Мен анбиёларнинг охиргисиман. Менинг масжидим масжидларнинг охиргисидир»** (Муслим ривояти).

- У зотнинг масжидлари тақво асосида қурилган. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳу айтади: «Эй Аллоҳнинг Расули! Икки масжиддан қайси бири тақво асосида қурилган?» — деб сўядим. У зот майда тошлардан бир ховуч олиб, ерга бир урдилар-да, сўнгра Мадина масжидини (назарда тутиб) шундай дедилар: **«Мана шу масжидингиз»** (Муслим ривояти).

- У ерда ўқилган бир намоз бошқа жойларда ўқилган мингта намоздан яхшироқдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Менинг масжидимда (ўқилган) намоз бошқа масжидда (ўқилган) мингта намоздан афзалдир. Масжидул-Ҳарам бундан мустасно»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

- Қасд қилиб бориладиган учта масжидларнинг бири.

МАСЖИДИ НАБАВИЙНИНГ ҚУРИЛИШИ ВА ТАРИХ ДАВОМИДА УНИНГ КЕНГАЙТИРИЛИШИ

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Масжиди Набавийни Мадинага келишлари биланоқ қурдилар. Деворларини гиштдан, устунлари хурмо танасидан барпо қилинди. Томи хурмонинг қуруқ шохлари билан ёпилди. Масжид саҳнининг узунлиги 28 метр, эни 32,5 метр эди.

Вақт ўтиб, Масжиди Набавий бир неча бор кенгайтирилди.

Биринчиси: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрий 7 йилда, Хайбар ғазотидан кейин уни кенгайтирдилар. Майдони 46x46 метр бўлди.

Иккинчиси: Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳижрий 17 йилда ғарб ва жануб тарафини кенгайтирди. Умумий майдони 55,5x65 метр бўлди.

Учинчиси: Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳижрий 29 йилда ғарб, жануб ва шимол тарафини кенгайтиради. Натижада масжид майдони 69,5x74 метр бўлди.

Тўртинчиси: Халифа Валид ибн Абдулмаликнинг даврида ҳижратнинг 88 йилда шарқ, ғарб ва шимол тарафи кенгайтирилди. Майдони 93x93 метрни ташкил қилди.

Бешинчиси: Халифа Маҳдий ибн Мансур раҳимаҳуллоҳ даврида ҳижрий 162 йилда шимол тарафидан 245 метр²га кенгайтирилди.

Олтинчиси: Султон Қойитбой Мамлукий раҳимаҳуллоҳ даврида ҳижрий 888 йилда шарқ тарафидан 120 метр²га кенгайтирилди.

Еттинчиси: Усманийлар подшоҳи Абдулмажидхон раҳимаҳуллоҳ даврида ҳижратнинг 1265 йилда кенгайтириш ишлари бошланиб, 1277 йилда тугатилди. Масжиднинг бир қисмини бузиб, қайтадан тикланди ва шимол тарафига 1293 метр²га тенг масофа кўшишди. Ҳозирги кунимиздаги Масжиди Набавийнинг

жануб тарафидаги безакли эски бино ҳам унинг даврида ниҳоясига етказилган.

Саккизинчиси: Подшоҳ Абдулазиз Оли Саъуд даврида ҳижрий 13.03.1372 санада бошланган. Орадан бир йил ўтиб Абдулазиз вафот этди. Кенгайтириш ишларини подшоҳ Саъуд ўз зиммасига олди. Масжиднинг шимолий томони кенгайтирилаётган эди. Кенгайтириш подшоҳ Саъуднинг даврида ҳижрий 05.03.1375 санасида ўз ниҳоясига етди. Масжиднинг умумий майдони 6024 метр²га етди.

Тўққизинчиси: Подшоҳ Файсал ибн Абдулазиз Оли Саъуд даврида, ҳижрий 1395 йилда бўлди. Масжиднинг ғарб тарафига 35 000 метр² масофа қўшилди. Масжиднинг ўзи кенгаймади, балки намозгоҳ катталаштирилди ва соябонлар ўрнатилди. Сўнгра яна 5550 метр² қўшилди ва яна соябонлар ўрнатилди.

Ўнинчиси: Подшоҳ Холид ибн Абдулазиз Оли Саъуд даврида, ҳижрий 1397 йилда жануби-ғарбий томон, масжиднинг ташқари қисмига 43 000 метр² масофа қўшилди. Масжиднинг ўзи кенгаймаган, балки соябонлар ўрнатилиб, маркаблар қўйиш жойи ташкил қилинган.

Ўн биринчиси: Икки шарафли ҳарамнинг хизматчиси подшоҳ Фахд ибн Абдулазиз Оли Саъуд даврида ҳижрий 1405 йилда шимол ва шимоли-ғарб ва шимоли-шарқ тарафлари кенгайтирилиб, майдони 82 000 метр²га етган. Шу кенгайтириш сабабли Масжиди Набавий беш баробар катталашган.

Ўн иккинчиси: Икки шарафли ҳарамнинг хизматчиси подшоҳ Абдуллоҳ ибн Абдулазиз Оли Саъуд даврида бўлди. Ҳижрий 1433 йилда катта кенгайтириш ишларини олиб боришга буйруқ берди ва ўша йили кенгайтириш ишлари бошланди. Подшоҳ ҳижратнинг 1436 йилида вафот этди. Сўнгра икки шарафли ҳарамнинг хизматчиси подшоҳ Салмон ибн Абдулазиз Оли Саъуд ишни давом этишга буюрди. Ҳозир ҳам кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.



РАВЗА



Масжиди Набавийда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннат боғларидан бир боғ, деб васфлаган жой бор: «**Уйим билан минбаримнинг орасида жаннат боғларидан бир боғ бор**» (Бухорий ва Муслим ривояти). «**Минбарим билан хужрам орасида жаннат боғларидан бир боғ бор**» (Аҳмад ривояти).

Уламолар «**жаннат боғларидан бир боғ**» деган сўзнинг маъноси борасида ихтилоф қилишган. Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтади: «Зикр ҳалқаларини лозим тутиш билан эришиладиган бахт-саодат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлгани кабидир».¹

Унинг барча ерларида намоз, мавъизалар ёки шаръий илмни олишдан иборат бўлган зикр ҳалқалари бор. Дарҳақиқат, у жаннат боғларидан биридир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Агар жаннат боғидан ўтсангиз, роҳатланинглар**». «Жаннат боғи нима экан?», деб сўрашганида, у зот: «**Зикр ҳалқаларидир**», деб жавоб бердилар (Термизий ривояти).

(1) «Фатҳул Борий», 4/100.



МЕХРОБ



Масжиди Набавийда учта меҳроб бор:

1. **Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам имомликка ўтган жойга қўйилган меҳроб.** У набавий хужра томонидаги минбарнинг чап тарафида жойлашган. Набий алайҳиссалом шу ерда ёки шунга яқин жойда меҳробсиз намоз ўқир эдилар. У зот ва хулафои рошидинларнинг даврида меҳроб бўлмаган. У зотнинг намозгоҳларига биринчи бўлиб (ҳижрий 91 йил) меҳроб ўрнатган киши Валид ибн Абдулмалиқдир. Сўнгра ҳижрий 888 йили Султон Қайитбой даврида қайта тикланиб, ҳозиргача ўша ҳолатда қолган.
2. **Минбарнинг ўнг тарафидаги меҳроб.** Ҳижрий 948 йили Султон Сулаймон Қонуний раҳимахуллоҳнинг даврида ўрнатилган.
3. **Бугунги кунда имом намоз ўқийдиган меҳроб.** Масжиди Набавий кенгайтирилганида Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу шу ўринда имомликка ўтган. Сўнг Валид ибн Абдулмалиқ ҳижрий 91 йили Усмон розияллоҳу анҳу имомликка ўтган жойга меҳроб ўрнатди. Чунки Усмон розияллоҳу анҳунинг даврида ҳам меҳроблар урф бўлмаган. Ҳижрий 888 йили Султон Қайитбой раҳимахуллоҳ бугунги кунимиздаги ҳолатга келтириб кенгайтирган.



МИНБАР



❖ Масжиди Набавийдаги минбар тарих мобайнида бир қанча босқичлардан ўтган:

1. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидни биринчи маротаба қурганларида минбар бўлмаган. Балки намозгоҳларининг олдида дарахт кундаси бўлар эди. Сўнгра уч зинапоялик минбар ясалди.
2. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу даврларида ҳижрий 50 йилда олти зинапоя ва ўтириш учун ўриндик ясалди.
3. Ҳижрий 654 йилда Масжиди Набавийга ўт кетганида минбар ҳам ёниб кетди. Сўнгра Яман подшоҳи Музаффар Мадинага янги минбар юборди.
4. Ҳижрий 664 йилда Зоҳир Байбарс янги минбар жўнатди.
5. Ҳижрий 797 йилда Зоҳир Барқуқ янги минбар юборди.
6. Ҳижрий 820 йилда Султон Муаййад Маҳмудий янги минбар юборди.
7. Ҳижрий 886 йилда иккинчи марта Масжиди Набавий билан минбар ҳам ёниб кетади. Сўнг Мадина аҳли (пишган) ғиштдан минбар ясашади.
8. Ҳижрий 888 йилда Султон Қайитбой Мамлукий раҳимаҳуллоҳ мармардан бўлган бир минбар қурдиради.
9. Ҳижрий 998 йилда Султон Мурод Усманий раҳимаҳуллоҳ ҳозирги кундаги минбарни юборган эди.

❖ Минбар ҳақида келган ҳадислар:

1. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарлари ҳовузларининг устида эканини хабар қилиб, шундай дедилар: **«Минбарим ҳовзумнинг устидадир»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

Унинг маъноси: қиёмат куни у зотнинг минбарлари ҳовузларининг устига ўрнатилади.

Яна «Маҳшардаги ҳовузлари, ердаги минбар ўрнининг тепасида бўлади», дейишган.

2. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарлари олдида ёлғон қасам ичган кишининг борар жойи дўзах экани ҳақида таҳдид келган. У зот айтдилар: **«Ким шу минбарим олдида ёлғон қасам ичса, борар жойини дўзахдан тайёрлайверсин. Гарчи яшил мисвок ҳақида қасам ичган бўлса ҳам»** (Ибн Можа ривояти).

3. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарлари олдида ёлғон қасам ичган кишига лаънат борлиги ҳақида ҳам таҳдид келган. У зот айтадилар: **«Ким шу минбарим олдида ёлғон қасам ичса ва қасами билан мусулмон кишининг молини ҳалол санаса, унга Аллоҳнинг ва фаришталарнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлсин. Аллоҳ ундан фарз ҳамда нафл ибодатларини ҳам қабул қилмайди»** (Насоий ривояти).

МАСЖИДИ НАБАВИЙНИНГ ЁНИШИ

Масжиди Набавий икки марта ёнган:

Биринчиси: хижрий 654 йилда бўлган. Масжид ходимларидан бири масжидни ёритиш учун қандилларни олиб чиқиш учун омборхонага кирганида ўзи билан бирга машъала олиб киради. Сўнгра уни эътиборсизлик қилиб, омборхонадаги бир жойга илиб қўяди. Олов тезлик билан гуркираб, томга ўтиб кетади. Одамлар уни ўчиришга кучлари етмай, қисқа вақт ичида масжиднинг ҳаммаси ва набавий хужранинг томи ёниб кетади. Масжид ва унинг ичидаги минбар, эшиклар, жавонлар ва сандиқларга ҳам талафот етади.

Иккинчиси: хижрий 886 йилда юз берган. Қаттиқ чакмоқ чақиши натижасида Қубба тарафдаги асосий минорага яшин тушади. Миноранинг ой шаклидаги ҳилолига яшин тегиши оқибатида масжиднинг шарқий тарафига ловуллаган ҳолда қулаган ҳамда масжиднинг устки қисми ҳам ёниб кетгади. Сўнг олов масжиднинг қолган ерларига тарқалиб, минбарга ва масжиднинг томига ва эшикларига ҳамда китоблар жавонига зиён етади.



**МАСЖИДИ НАБАВИЙДА
ЎҚИЛГАН НАМОЗ**

МАСЖИДИ НАБАВИЙГА КИРИШДА АЙТИЛАДИГАН ДУО

Масжиди Набавийга киришда ўқиладиган хос дуо йўқ. Шунинг учун бошқа масжидларга киришда айтиладиган дуони ўқийверади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кирсалар, шундай дуо қилардилар:

اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ

«Аллоҳуммафтаҳ ли абвааба роҳматик».


(Маъноси: «Аллоҳим, менга раҳмат эшикларингни очгин!») (Муслим ривояти).

МАСЖИДИ НАБАВИЙДА ЎҚИЛГАН НАМОЗНИНГ САВОБИ


Масжиди Набавийда ўқилган намоз бошқа ерда ўқилган мингта намоздан яхшироқдир. Бу фазилат фарз намозига ҳам, нафл намозига ҳам бирдек тегишлидир. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «**Ушбу масжидимдаги (ўқилган) намоз ундан бошқаларда (ўқилган) мингта намоздан афзалдир. Масжидул-Ҳарам бундан мустасно**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу ҳукм фарз ва нафл намозларининг барчасини ўз ичига олади».¹ Масжиди Набавийда ўқилган нафл намозининг фазилати буюқлигига қарамасдан, уйда ўқилган нафл афзалроқдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Кишининг энг яхши намози уйидагисидир, фақат фарз намози (бундан) мустасно**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

(1) «Саҳиҳи Муслим»нинг шарҳи, 9/164.



**МАСЖИДИ НАБАВИЙДАГИ
ЖАМОАТ НАМОЗИ ВАҚТИДА
ҚАЕРДА ТУРГАН АФЗАЛ?**



Имомга энг яқин жой афзал жойдир. Чунки Набий алай-ҳиссалом шундай деганлар: «**Менга эс-хушли ва ақллиларингиз яқин турсин**» (Муслим ривояти). «**Эркаклар сафининг энг яхшиси аввалгиси, ёмони охиргисидир. Аёллар сафининг энг яхшиси охиргиси, ёмони аввалгисидир**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

РАВЗАДА ТУРИБ ЎҚИГАН АФЗАЛМИ ЁКИ ИМОМНИНГ ОРТИДАМИ?

Имомнинг ортида, биринчи сафда туриб, жамоат билан ўқилган намоз Равзада ўқилган намоздан афзалдир, чунки у биринчи сафда жойлашмаган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Эркаклар сафининг энг яхшиси аввалгиси, ёмони охиргисидир**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

«**Агар одамлар азон ва биринчи сафда нима (савоб) борлигини билганларида эди, кейин бунинг учун қуръа ташлашдан бошқа (чора) топа олишмаса, албатта, қуръа ташлаган бўлишарди**» (Бухорий ва Муслим ривояти).



САФЛАРНИ ТЎЛДИРИШНИНГ ШАРЪИЙЛИГИ



Намоз бошладан аввал сафларни тўлдириш керак. Имомга эргашувчилар олд қаторлардан бўш жойларни тўлдирмасдан, орқа сафда намоз ўқишлари жоиз эмас. Жобир ибн Самура розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг олдимизга чиқиб: **«Фаришталар Роббининг хузурида сафланишгани каби сафланмайсизларми?»**», дедилар. Биз: «Эй Расулуллоҳ! Фаришталар Роббининг хузурида қандай сафланишади?», дедик. **«Олдинги сафларни тўлдирурлар ва сафда жипсланиб турурлар»**, дедилар» (Муслим ривояти).

Сафнинг ортида ёлғиз қолган кишининг намози тўғри бўлмайди, чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сафнинг ортида якка ўқувчига намоз йўқ»**, дедилар (Аҳмад ривояти). Аммо сафладиган аёлларни топа олмаган аёлга ёки сафда жой топа олмаган кишига жоиздир.

НАМОЗ ҶҚИЁТГАН КИШИНИНГ ОЛДИДАН ҶТИШНИНГ ҲУКМИ

Намозхоннинг олдидан кесиб Ҷтиш икки қисмга бўли-
нади:

1. Агар намозхон якка ёки имом бўлиб намоз Ҷқиётган бўлса ва унинг олдида сутра (тўсиқ) бўлмаса, Масжиди Набавийда ҳам, бошқа жойларда ҳам унинг олдидан кесиб Ҷтиш жоиз эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Агар намозхоннинг олдидан Ҷтувчи киши Ҷзига нима (гуноҳ) бўлишини билганида эди, (намозхоннинг) олдидан Ҷтишдан кўра қирқ (йил, ой, кун) тўхтаб туриши унинг учун яхшироқ бўлар эди» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Агар намозхон масжиднинг йўлакларида ёки одам Ҷтадиган ерда намоз Ҷқиса, Ҷтувчи унинг олдидан Ҷтиб кетса бўлаверади. Шунингдек, масжидда Ҷта тикилинч ҳолат бўлганда ҳам, кесиб Ҷтмасликнинг иложи йўқ. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿فَاتَّقُوا اللَّهَ مَا اسْتَطَعْتُمْ﴾

«Бас, кучларингиз етганича Аллоҳга тақво қилинг»
(Тағобун сураси, 16-оят).

2. Муқтадий (иқтидо қилувчи)нинг олдидан Ҷтиш жоиз. Чунки имомнинг сутраси эргашувчиларнинг сутраси ҳисобланади. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир урғочи эшакни миниб келсам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Минода (олдиларига) тўсиқ қўймай, намоз Ҷқиб бераётган эканлар. Ҷшанда мен балоғатга етай деб қолган эдим. Сафнинг бир четидан Ҷтдим-да, эшакни Ҷтлаш учун қўйиб юбориб, сафга кирдим. Бунинг учун менга эътироз билдирилмади» (Бухорий ва Муслим ривояти).

ИМОМДАН ОЛДИНДА НАМОЗ ЎҚИШНИНГ ҲУКМИ

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни: «**Имом унга эр-гашилиши учун тайинланган**» (Бухорий ва Муслим ривояти), деганлари сабабли эргашувчилар имомнинг ортида туриши суннатдир.

Агар инсонлар ҳеч бир сабабсиз имомдан олдинда намоз ўқишса, намозлари дуруст бўлмайди. Ибн Қудома раҳимаҳуллоҳ айтади: «Эргашувчилар имомнинг ортида туриши суннат. Агар олдида туришса, уларнинг намози саҳиҳ бўлмайди».¹

Тиқилинч каби ҳолатлар сабабли имомдан олдинда намоз ўқишнинг кароҳияти йўқ. Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар жамоат намозидан имомдан олдинда ўқишдан бошқа чора топилмаса, жоиздир. Бу бир нечта аҳли илмларнинг сўзидир. Усулда шундай қоида бор: шариатда бажаришга ожиз бўлинса, амалнинг вожиблиги кетади».²

(1) «Муғний», 2/157.

(2) «Фатаво», 20/559.



ЖАНОЗА НАМОЗИНИНГ ФАЗИЛАТИ



Ислом динида жаноза намозини ўқишга ва дафн қилин-гунга қадар унга эргашишга тарғиб қилинган. Набий сол-лаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Ким жанозага намоз ўқилгунча ҳозир бўлса, унга бир қийрот савоб. Ким дафн қилинганча ҳозир бўлса, унга икки қийрот савоб**». Саҳо-балар: «Икки қийрот қанча?» — дейишди. У зот: «**Икки ул-кан тоғдек**», дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Жаноза намозини ўқишининг ҳукми аёл киши учун ҳам эркак кишиники кабидир.

Масжиди Набавийда деярли ҳар бир фарз намозидан сўнг жаноза намози ўқилади.

Жаноза намозини ўқиш тартиби:

Биринчи такбирдан сўнг Фотиҳа сураси ўқилади.

Иккинчи такбирдан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва-салламга салавот айтилади.

Учинчи такбирдан сўнг маййитнинг ҳаққига мағфират, раҳмат ва бошқа дуолар билан дуо қилинади.

Тўртинчи такбирдан сўнг озгина сукут сақланади. Сўн-гра бир салом билан ўнг тарафга салом берилади.¹

(1) Изоҳ: Ҳанафий мазҳабида жаноза намози қуйидаги тартибда ўқилади: биринчи такбирдан сўнг сано дуоси ўқилади. Иккинчи такбирдан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтилади. Учинчи такбирдан сўнг маййитнинг ҳаққига мағфират, раҳмат ва бошқа дуолар билан дуо қилинади. Тўртинчи такбирдан сўнг икки тарафга салом берилади.



ЖАНОЗА КЎП БЎЛСА, ҚИЙРОТЛАР ҲАМ КЎПАЯДИМИ?



Икки ҳарамда одатда бир неча маййитга битта жаноза ўқилади. Бунда бир жаноза намози барчасига кифоя қилади. Лекин ажри-чи? Битта намоз бўлгани учун ажр ўзгармай қоладими ёки ҳар бир жаноза учун ажр кўпайтириб бериладими? Жаноза кўп бўлса, қийрот-қийрот ажрлар ҳам кўпаяверади. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким жанозага намоз ўқилгунча қатнашса, унга бир қийрот (савоб)...**», деганлар (Муслим ривояти).

Шайх Абдулазиз ибн Боз раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ҳадиснинг далолатига кўра, қийрот савоблар жанозаларнинг ададига қараб бўлади».¹

(1) «Мажмуъул фатаво», 13/137.



НАФЛ НАМОЗИ ҲАММА ВАҚТ ЎҚИЛАВЕРАДИМИ?



Қуйидаги уч вақтдан ташқари қолган барча вақтларда нафл намозлари ўқилаверади:

1. Бомдод намозидан кейин қуёш чиққунга қадар, чама-си ўн дақиқа.
2. Пешинга азон айтилишидан ўн дақиқа аввал, азон ай-тилгунга қадар.
3. Аср намозидан шом намозининг азониға қадар.

Уқба ибн Омир Жуханий розияллоҳу анҳу айтади: «Расу-луллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга уч вақтда намоз ўқиш ва ўликларимизни қабрга қўмишдан қайтарганлар: қуёш чиқа бошлаб, яққол кўтарилиб олгунича; кун тиккага келиб, қуёш оғгунича; қуёш бота бошлагандан то ботиб кет-гунича» (Муслим ривояти).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилдилар: «Аср намозидан кейин қуёш ботгунча намоз йўқ (ўқилмайди). Бомдод намозидан кейин қуёш чиққунча намоз йўқ (ўқилмайди)» (Муслим ривояти).

**МАСЖИДИ НАБАВИЙДА
НАМОЗДАН БОШҚА ЯНА
ҚАНДАЙ АМАЛ ҚИЛСА БЎЛАДИ?**

Қайтарилган вақтлардан бошқа вақтларда нафл намозларини кўп ўқиш, Аллоҳни кўп зикр қилиш, Қуръон тиловат қилиш, истиғфор айтиш, дуо қилиш ва аҳли илмларнинг дарсларига қатнашиш каби бошқа масжидларда қилинадиган тоат-ибодатларни қилса бўлади.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Салафи солиҳлар бошқа масжидларда қиладиган ибодатларини у ерда ҳам қилишар эди. Масалан, намоз, қироат, зикр, дуо, эътикоф, илм ва Қуръонни ўрганиш ва ўргатиш каби».¹

(1) «Фатаво», 26/156.

**МАСЖИДИ НАБАВИЙДА ҚИРҚ КУН
КЕТМА-КЕТ ФАРЗ НАМОЗИНИ ЎҚИШ
БОРАСИДА КЕЛГАН ҲАДИСНИНГ
АСЛИ БОРМИ?**

Ҳадисда келишича: «**Ким масжидимда ўтказиб юбормасдан кетма-кет қирқта (фарз) намозини ўқиса, дўзахдан озод қилинган, азобдан нажот топган ва нифокдан холи деб ёзиб қўйилади**», дейилган. Лекин бу ҳадиснинг санади заиф, матни эса мункардир, бунга амал қилинмайди.

Нифокдан холи бўлиш фақатгина уни тарк этиш билан бўлади. Чунки нифок ички куфрдир. Ундан халос бўлиш фақат тавба билан юзага келади. Гарчи мунофиқ қанча намоз ўқимасин, тавба қилмагунга қадар намози қабул бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا مَنَعَهُمْ أَنْ تُقْبَلَ مِنْهُمْ نَفَقَتُهُمْ إِلَّا أَنَّهُمْ كَفَرُوا بِاللَّهِ
وَبِرَسُولِهِ﴾

«Қилган инфоқ-эҳсонлари (Аллоҳ даргоҳида) қабул қилинишидан тўсган нарса фақат уларнинг Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига иймон келтирмаганлари, намозга фақат эринган ҳолларидагина келишлари ва ўзлари истамаган ҳолларидагина инфоқ-эҳсон қилганликларидадир» (Тавба сураси, 54-оят).



МАСЖИДИ НАБАВИЙДА ОВОЗ КЎТАРИШ



Масжиди Набавийда овоз кўтаришдан қайтарилган. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида овозини кўтарган икки кишини кўриб, шундай деди: «Агар шу шаҳар аҳлидан бўлганингизда таъзирингизни берардим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида овозингизни кўтарасизларми?!» (Бухорий ривояти).

МАСЖИДИ НАБАВИЙДАН ЧИҚИШДА АЙТИЛАДИГАН ДУО

У ердан чиқишда айтиладиган хос дуо йўқ, балки бошқа масжидлардан чиқишда айтиладиган дуо ўқилади. Масжиддан чиқаётган чап оёқни олдин қўйиб:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ

«Аллоҳумма инний ас-алука мин фазлик»
(Маъноси: «Аллоҳим, Сенинг фазлингдан сўрайман», дейилади) (Муслим ривояти).

**КИШИ ҲАЖ ҚИЛИБ, МАСЖИДИ
НАБАВИЙНИ ЗИЁРАТ ҚИЛМАСА,
ҲАЖИ НОҚИС БЎЛАДИМИ?**

Масжиди Набавийни зиёрат қилиш ҳажнинг суннатларидан ёки фарз амалларидан эмас. Чунки уни зиёрат қилиш мустаҳаб амалдир. Агар зиёрат қилмаса, гуноҳкор бўлмайди. У ерни зиёрат қилиш билан ҳаж қилиш орасида биронта боғлиқлик йўқ, иккиси турли хил ибодатдир.

Ҳаж қилиш учун бу масжидни зиёрат қилиш шарт эмас. Шунингдек, у ерни зиёрат қилганда ҳаж қилиш шарт дегани эмас. Агар бир сафарда умра, ҳаж ҳамда Расулуллоҳнинг масжидларини зиёрат қилишни жамласа, жоиздир.



**НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ
УЙЛАРИ**



НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ УЙЛАРИ

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг никоҳларида бир вақтнинг ўзида тўққизтагача аёл бўлган. Шунинг учун у зотнинг уйлари ҳам тўққизта эди. Аллоҳ таоло қуйидаги сўзида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан биргаликда уйларини ҳам зикр қилди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتَ النَّبِيِّ إِلَّا أَنْ يُؤْذَنَ لَكُمْ﴾

«Эй иймон келтирганлар! Набийнинг уйларига кирманг. Магар таомга изн берилганида, унинг пишишига мунтазир бўлмайдиган бўлиб (киринг)» (Аҳзоб сураси, 53-оят).

Ва аёлларини ҳам қўшиб зикр қилди:

﴿وَقَرْنَ فِي بُيُوتِكُنَّ﴾

«Виқор билан ўз уйингизда ўтиринг» (Аҳзоб сураси, 33-оят).

❖ Уйнинг тузилиши

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйлари тузилиш жиҳатидан икки қисмга бўлинади:

1. Бир хонадан ташкил топган уйдан бешта бўлган.
2. Икки хонадан ташкил топган уйдан тўртта бўлган, бири ётоқхона иккинчиси ҳовли.

❖ Уйлар ва хужралар борасида келган далиллар

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйлари ва хужралари борасида бир қанча далиллар келган:

1. Аллоҳ таолонинг айтган сўзи:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتَ النَّبِيِّ إِلَّا أَنْ يُؤْذَنَ لَكُمْ﴾

«Эй иймон келтирганлар! Набийнинг уйларига кирманг. Магар таомга изн берилганида, унинг пишишига мунтазир бўлмайдиган бўлиб (киринг)» (Аҳзоб сураси, 53-оят).

2. У Зотнинг айтган сўзи:

﴿وَقَرْنَ فِي بُيُوتِكُنَّ﴾

«Виқор билан ўз уйингизда ўтиринг» (Аҳзоб сураси, 33-оят).

3. У Зотнинг айтган сўзи:

﴿إِنَّ الَّذِينَ ينادُونَكَ مِنْ وَرَاءِ الْحُجُرَاتِ﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалоту вассалом), албатта (сизнинг аҳли аёлларингиз истиқомат қиладиган) хужралар ортидан туриб сизни (бақариб) чақирадиган кимсаларнинг кўплари ақлсиз кимсалардир» (Хужурот сураси, 4-оят).

4. Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «У масжидда Ибн Абу Ҳадраддан қарзини тўлашини талаб қилди. Кейин икковининг овози кўтарилиб кетгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида туриб эшитдилар. Шунда у зот хужраларининг дарпардасини (икки томонга) очиб, уларнинг олдига чиқдилар...»

5. «Саҳиҳайн»да Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан

ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан олдинги бетоблик пайтларида Абу Бакр жамоатга намоз ўқиб берар эди. Душанба куни намозга саф тортиб туришганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хужраларининг пардасини очдилар ва тик туриб бизга қарадилар».

6. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда эътикофда бўлатуриб, менинг олдимга келардилар ва хонамнинг туйнигидан бошларини чиқарардилар. Сўнгра мен хонамда туриб, бошларини ювиб кўяр эдим, таналарининг қолган аъзолари масжидда бўларди» (Насоий ривояти).

7. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хужрам эшиги олдида турганлари ҳамон кўз ўнгимда. Ҳабашийлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида найзалари билан ўйин тушишарди. У зот мени уларнинг ўйинини томоша қилсин деб ридолари билан тўсиб турардилар. Ўзим қайтмагунимча мени деб турардилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

8. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мен уйда бўлганимда ҳам хужрада намоз ўқирдилар» (Аҳмад ривояти).

9. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тунда намозни хужраларида ўқир эдилар. Хужранинг девори эса паст эди. Одамлар у зотнинг қораларини кўргач, бир нечтаси у зотга эргашиб намоз ўқий бошлашди» (Бухорий ривояти).

10. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уйда қироат қилсалар, баъзан хужрадаги кишилар эшитарди» (Термизий ривояти).

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу асарларда келган хужра сўзидан қуйидаги оятда айтилган уй маъноси тушунилмайди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ ينادُونَكَ مِنْ وَرَاءِ الْحُجُرَاتِ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалоту вассалом), албатта (сизнинг аҳли аёлларингиз истиқомат қиладиган) хужралар ортидан туриб сизни (бақариб) чақирадиган кимсаларнинг кўплари ақлсиз кимсалардир» (Хужурот сураси, 4-оят). Балки аёллар учун ажратилган алоҳида қисм тушунилади. Одатда хужралар куруқ хурмо шохларидан бўлган, маскан (яшаш жойи) эса ғиштдан (ёки пахса лойдан) иборат бўлган».¹

❖ Уйнинг тузилиши

1. Уй (хона) девори ғиштдан, томи эса хурмо дарахтининг шохларидан иборат бўлган.

2. Хужра (ҳовли): хурмо дарахтининг пояларидан, томи эса очиқ ҳолда бўлган.

❖ Жойлашган макони

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйлари уч тарафдан қуйидаги шаклда жойлашган:

1. Оиша розияллоҳу анҳонинг уйлари каби Масжиди Набавийга туташган ҳолда шарқида жойлашган. Шунингдек, Савда розияллоҳу анҳонинг уйи ҳам шимол (яъни Жаброил эшиги) тарафдаги темир тўсиқдан кейин жойлашган.

2. Масжиди Набавийга жануб тарафдан туташган бўлган, Ҳафса розияллоҳу анҳонинг уйлари каби бўлиб, Оиша онамизнинг жануб тарафдаги кўшниси. Уйнинг бир қисми мис тўсиққа киради, бошқа бир тарафи эса унга кирмайди. Ҳозирги кунда инсонлар Набий соллал-

(1) «Родд ғалал ихнаий», 323-саҳифа.


лоҳу алайҳи васалламга ва асҳобларига шу ердан салом беришади.

3. Масжиди Набавийнинг шимол тарафида бўлиб, унга қўшилмаган ҳолда жойлашган. У билан масжид орасида саҳобаларнинг уйи мавжуд бўлган. Жувайрия, София, Умму Ҳабиба, Маймуна розияллоҳу анҳунналарнинг уйи ҳам масжидга боғланмаган ҳолда шу тарафда жойлашган. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Хайбар ғазотидан кейин уйланганларида у ерда саҳобаларнинг уйи бор эди. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни чиқариб юбормаслик учун унинг ортига аёллари учун уй курдилар.

Масжиди Набавийнинг ғарб тарафида у зот учун уй бўлмаган. Муҳаммад ибн Ҳилол айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларининг уйларини кўрдим. У қурук хурмо дарахтининг шохлари билан тўсилган эди. Қибла, машриқ ва шом тарафларига ёйилган бўлиб, масжиднинг ғарб тарафида эса ҳеч нарса бўлмаган».¹

(1) «Субулул худа вар-рошад фии сийроти хойрил ъбаад», 3/349.

Бу Набий алайҳиссалом уйларининг тахминий жойла- шиши:





НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ АЁЛЛАРИ



❖ Набий алайҳиссаломнинг аёллари

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари ўн битта бўлган. Ҳаётлик вақтларида иккита аёллари вафот этган: Хадича бинти Хувайлид ва Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳумолар. Қолган тўққизтаси у зот бу дунёдан ўтганларидан кейин вафот этишган.

1. Хадича бинти Хувайлид розияллоҳу анҳо.

Хадича онамиз Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биринчи аёллари ҳамда биринчи бўлиб Исломни қабул қилганлардан. Хадича онамиз одоб-ахлоқли бўлиб, иффат, шараф каби юксак инсоний фазилатлар билан сифатланган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Уни яхши кўриш билан ризқлантирилдим**» (Муслим ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўзи харидор бўлиб, турмуш қурганида Хадича онамиз 40 ёшда ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, 25 ёшида бўлганлар. Яъни Хадича онамиз Расулуллоҳдан ўш беш ёш катта бўлган. Манбаларда келишича, Хадича бинти Хувайлид онамиз давлатманд, ишнинг кўзини биладиган ва ҳамма томонлама тажрибали аёл эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга молиявий жиҳатдан кўп ёрдам қиладиган кишилардан эди.

Инсонларни ягона Аллоҳга даъват қилганларида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга жуда кўп азият ва қийинчиликлар етди. Хадича у зотга далда бериб, чиройли муомила қилиб, кўнгилларини кўтарарди. Одамлардан ёмон сўз эшитиб, Хадичанинг олдиларига келсалар, қалблари таскин топар эди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Иброҳимдан бошқа барча фарзандлари Хадичадан эди. У кишининг хулқлари гўзал эди, бирон маротаба у зотга гап қайтармаган ва тортишиб, озор бермаган.

Хадича онамиз Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларидан алоҳида жой олган жуфти ҳалоллари эди. Ундан аввал ҳам ва бирга яшашганларида ҳам бошқа аёлларга уйланмадилар, жория ҳам олмадилар. Хадичани йўқотганларида жуда маҳзун бўлдилар.

Хадича онамизнинг Ислом дини ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. У зотнинг фазилатларини баён қилсак, сўзлар битмас, саҳифалар етмас.

2. Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳо.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадичанинг вафотидан кейин Савдага уйландилар. Уч йилга яқин бирга ҳаёт кечиришди. У буюк хулқ, саломат қалб эгаси эди. Кўпинча ўз навбатини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг риясини ҳамда Парвардигорининг розилигини истаб, Оиша онамизга берар эди.

3. Оиша бинти Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳумо.

Мусулмон оилада улғайган, онаси, опаси, акаси саҳобалардан, отаси эса ушбу умматнинг ростгўйларидан эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиздан бошқа бокирага аёлга уйланмаганлар. Аллоҳ таоло Ифк ҳодисасида Оиша онамизни поклаб, ваҳий нозил қилган.

Аллоҳ таоло унга зийраклик, ўткир зеҳн, динни тушуниш қобилиятларини инъом қилганди. Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтганидек: «Уммат ичида Оиша каби зеҳнли, илмли, фаҳсоҳатли, ақлли аёл йўқ эди».¹

Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Сиз учун ким суюклироқ, эй Аллоҳнинг Расули?» — дея сўраганида. «Оиша», дедилар. «Эркаклар-

(1) «Ал-бидая ван-нихая», 4/322.

дан-чи?» — дея сўраганида. «Унинг отаси (Абу Бакр)», деб жавоб бердилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо у зотнинг кўнгилларини олиш учун тунларни бедор ўтказар эдилар, касал бўлиб қолсалар, хизматларини қилишга ошиқарди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизнинг уйларида, бағриларида вафот этдилар.

4. Ҳафса бинти Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумо.

Ҳафса онамиз розияллоҳу анҳо дин ва ҳақ зоҳир бўлган хонадонда улғайди. Оилаларидаги етти киши Бадр жангида шаҳид бўлишганди.

5. Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳо.

Яхшиликларга шошилувчи, кўп инфоқ-эҳсон қилувчи аёлбўлганидан «Умму масокин» (мискинларнинг онаси) номи билан танилган эди. Набий алайҳиссалом билан икки ой умр кечириб, вафот этган.

6. Умму Ҳабиба Рамла бинти Абу Суфён розияллоҳу анҳумо.

Икки ҳижрат соҳибаси: Ҳабашистон ва Мадинага ҳижрат қилганлардан. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари орасида энг кўп маҳр олганлардан. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳога Ҳабашистондаги муҳожирликда бўлган вақтларида унга уйланганлари сабабли Ҳабашистон подшоҳи у зот номидан маҳр берганди.

7. Умму Салама Ҳинд бинти Абу Умайя розияллоҳу анҳо.

Сабрли, ҳаёли аёл эди. Биринчи ҳижрат қилганлардан. Мадинага ҳижрат қилишни истаганида қавми уни эри билан ажратиб қўйиб, фарзандини олиб қўяди. У кейинчалик бу воқеани шундай хотирлайди: «Ҳар куни Батҳога чиқиб ўтирардим. Менга раҳм қилиб, фарзандимни қайтариб бе-

ришлари учун кеч киргунига қадар йиғлар эдим. Бир йил ёки бир йилга яқин шу ҳолат такрорланди, сўнгра менга раҳмлари келиб боламни қайтариб беришди».

У аёлнинг Аллоҳга бўлган ишончи мустаҳкам эди. Турмуш ўртоғи Абу Салама вафот этганда истиржо айтиб, дуо қилганди Аллоҳ таоло унга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни жуфт қилиб берди. Умму Салама айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: **«Бирор мусулмонга мусибат етса, Аллоҳ бюрганидек, «Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи роожийуун. Аллоҳуммаъжурнии фии мусийбатии ва ахлиф лии хойрон минҳаа» деса, Аллоҳ ўрнига ундан яхшисини беради».** Абу Салама вафот қилганда: «Абу Саламадан ҳам яхшироқ мусулмон борми? Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томон ҳижрат қилган биринчи хонадон бўлса», дедим ва ўша дуони айтавердим. Натижада Аллоҳ унинг ўрнига менга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни насиб қилди» (Муслим ривояти).

8. Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга насаб жиҳатидан энг яқин аёллардан бўлиб, аммаларининг қизи ҳисобланади. Онаси Умайя бинти Абдулмуттолиб. Оиша розияллоҳу анҳо у ҳақда шундай деган: «У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари ичида менга энг рақобатдоши эди».

Аллоҳ таоло Қуръонда оят нозил қилиб, у зотни Зайнабга валийсиз ва гувоҳсиз никоҳлади:

﴿فَلَمَّا قَضَىٰ زَيْدٌ مِّنْهَا وَطَرًا زَوَّجْنَاكَهَا﴾

«Бас, қачонки Зайд ундан (яъни Зайнабдан) ҳожатини адо қилгач (яъни уни талоқ қилгач), Биз сизни унга уйлантирдик» (Аҳзоб сураси, 37-оят).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга уйланганлари қиёмат кунига қадар муслима аёллар учун барака бўлди.

Зеро, бу воқеадан кейин ҳижоб фарз қилинди.

Кўп яхшилик ва садақа қилувчи эди. Шарафли ва кадр-қимматли бўлишига қарамасдан, ўз қўли билан тери ошлаб, тақинчоқлар ясаб сотар, ундан топган даромадини садақа қилар эди. Оиша онамиз у ҳақда шундай деди: «Зайнабдан кўра динда яхшилик қилувчи, Аллоҳга тақво қилувчи, рост сўзловчи, силаи раҳмни боғловчи, кўп садақа қилувчи аёлни кўрмадим».

9. Жувайрия бинти Ҳорис розияллоху анҳо.

Унинг отаси қавмининг саййидларидан эди. Оиша розияллоху анҳо у ҳақда шундай дейди: «Ундан кўра кўпроқ қавмига барака келтирувчи аёлни кўрмадим». У сабабли Бану Мусталақнинг юзта кишиси озод қилинган. Зеро, Набий соллаллоху алайҳи васаллам Бану Мусталақ қавми раисининг қизи бўлгани учун унга уйланган эдилар ва қудачилик алоқаси ҳосил бўлгани сабабли саҳобалар у кишининг қавмини озод қилган эди.

Жувайрия онамиз кўп ибодат қилувчи аёл эди. Баъзида тонг отгунча намозгоҳда Аллоҳни зикр қилиб ўтирарди. Онамиз айтади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам эрта тонгда менинг олдимга келганларида тасбеҳ айтиб ўтирар эдим. Сўнгра ўз эҳтиёжлари учун жўнаб кетардилар ва куннинг ярмида келардилар ва: «**Ҳануз ўтирибсанми?** (яъни Аллоҳни зикр қилиб ўтирибсанми)», дердилар. Мен: «Ҳа», деб жавоб бердим» (Аҳмад ривояти).

10. София бинти Ҳуяй розияллоху анҳо.

Ҳорун алайҳиссаломнинг зурриётларидан. София розияллоху анҳо очиққўнгил, оқила, диндор, юмшоқтабиат ва виқорли эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга шундай деганлар: «**Сиз пайғамбар (Ҳорун)нинг қизисиз, амакингиз (Мусо) пайғамбар, пайғамбарнинг аёлисиз**» (Термизий ривояти).

11. Маймуна бинти Ҳориса розияллоҳу анҳо.

Улуғвор аёллардан, силаи раҳмни маҳкам тутувчи. Аллоҳ таоло унга соф қалб, очиқ чеҳралик ва кўп ибодат қилиш неъматини берган эди. Оиша розияллоҳу анҳо у ҳақда шундай деган: «Орамизда тақводорроқ, силаи раҳм қилувчироқ аёл эди».

❖ Уларнинг Набий алайҳиссалом билан турмуш кечиришлари

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари ғиштан қурилган, томи хурмо дарахтининг шохлари билан ёпилган уйда яшашарди. Лекин уй иймон, тақвога тўла эди. У зот билан фақирликда ҳам, очликда ҳам бирга умргузаронлик қилишди. Баъзан бир ой ёки икки ой уйларида олов ёқилмас, бир дона бўлса ҳам хурмо топилмаган, сувдан бошқа бирон таом бўлмаган вақтлар ҳам бўлди.

Аёлларидан бештасига қирқ ёшдан олтмиш ёшгача бўлган вақтларида уйланганлар. Бунинг сабаби беваларга ва уларнинг етим фарзандларига эътибор қаратиш эди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадича розияллоҳу анҳога уйланганларида онамиз қирқ ёшда бўлиб, унинг бошқа турмушидан учта фарзанди ҳам бор эди. Зайнаб бинти Ҳузайма эса, олтмиш ёшга етган бева эди. Умму Салама розияллоҳу анҳога уйланганларида аёл олтига фарзандли бева эди. Бундан ташқари, Пайғамбаримиз алайҳиссалом эллик беш ёшли Савда розияллоҳу анҳога уйланганлар.

У зот аёлларига меҳрибон, яхшилик қилувчи, хушмуомила, очиқкўнгил ва илтифот қилувчи турмуш ўртоқ бўлганлар. Ким саодатни хоҳласа, башариятнинг афзалига эргашсин. Муслима аёллар ҳам у зотнинг солиҳа аёллари қарвонига қўшилсин. Аёллар учун бахт тўғрилиқ, тақво ва барча инсоний фазилатларда уларга эргашиш билан эришишдадир. Аллоҳ улардан рози бўлсин!



ҲУЖРАИ САОДАТ



ХУЖРАИ САОДАТ



Хужраи саодат — Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг мўминларнинг онаси Оиша бинти Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳумо билан биргаликда яшаган уйлари. Уй Набий алайҳиссалом, хулофои рошидинлар ҳамда, умавийлар даврида Масжиди Набавийнинг ташқарисида жойлашган эди. У зот шу хужрада вафот этиб, шу ерга дафн қилинганлари учун Оиша онамизнинг уйи «Хужраи саодат» сифатида машҳур бўлди.

Хужраи саодат, деб танилган уй бир неча босқичда бунёд этилган:

Биринчи босқич: Набий соллalloҳу алайҳи васаллам уни ҳижратнинг биринчи йилида масжидлари билан бирга курганлар.

У икки қисмдан ташкил топган.

1. **Уй** (хона): ғиштдан қурилган, томи хурмо дарахтининг шохларидан. Шимоли-шарқий тарафда ёғоч эшик бўлиб, у ичкарига очилади. Муҳаммад ибн Ҳилол айтади: «Набий соллalloҳу алайҳи васаллам аёлларининг уйини кўрдим... Оишанинг эшиги Шом тарафга қаратилган эди». Шофеъий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Сикот (ишончли) биродарларимиз менга шундай хабар беришди: «Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг қабрлари уйга киришнинг ўнг тарафида деворга яқин жойда жойлашган экан».

Уйнинг узунлиги:

Жануб тарафнинг узунлиги: 4,9 метр.

Шимол тарафнинг узунлиги: 5,24 метр.

Шарқий ва ғарбий тарафнинг узунлиги: 3,5 метр.

Ернинг умумий майдони: 17,75 метр².

Довуд ибн Қайс айтади: «Хужралар ташқаридан хурмо

дарахтининг шохлари билан зич қилиб ўралганини кўрдим. Кириш эшигидан уйнинг эшигигача тахминан етти ёки олти зиро¹, уйнинг ички қисми эса ўн зиро, баландлиги саккиз ёки етти зиро бўлса керак. Оишанинг эшиги олдида тўхтадим, у мағриб тарафга қараган эди».²

Уйнинг баландлиги: тахминан 2 метр келади. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига ўспиринлик чоғимда кирганимда кўлим томга етарди».³

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйлари кичкина бўлишига қарамай баракали эди. У зот бир қанча мақсадда ундан фойдаландилар:

1. Аёллари билан бирга яшадилар.
2. Ухлашлари учун ётоқ жой бор эди.
3. Нафл намозларини ўқирдилар.
4. Зиёратчиларни кутиб олардилар.
5. Ўзлари ва меҳмонлар учун таом тайёрланар эди.

6. Оиша онамизнинг нарсалари ва кийимлари сақланадиган жой бор эди.

Буларнинг барчаси шу битта хонанинг баракаси туфайли эди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи аёлларининг фарзандлари ҳам у зот билан бирга яшар эдилар. Ўгай фарзандлар ва етимларнинг умумий адади ўнтага яқин эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйлари шу даражада кичик эдики, ҳатто сажда қилсалар, Оиша онамизнинг оёқларига тегиб кетардилар. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олд томонларида, икки оёғим у кишининг сажда ўринларида бўлган ҳолда ухлар эдим. Сажда қиладиган бўлсалар, менга секин тегишиб қўяр эдилар. Шунда оёқларимни йиғиштириб

(1) Бир зиронинг ўртача миқдори 48 см.

(2) Бухорийнинг «Адабул муфрад» китобидан, 451-рақам.

(3) Бухорийнинг «Адабул муфрад» китобидан, 450-рақам.

олар, турганларида яна узатиб олардим» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Бу ҳадисдан тушуниладиган тахминий маъно шуки, уйнинг кенлиги тахминан 3,5 метр, ётоқнинг кенлиги 1,5 метр бўлган. Оиша онамиз тахминан 60 см. ли жойда ётган. «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олд томонларида, икки оёғим у кишининг қиблаларида бўлган ҳолда ухлар эдим», деганди (Насойй ривояти). Онамиз оёқларини йиғиб олганида тахминан 1,35 метр сажда қилишлари учун қоларди.

2. Хужра. Томи ёпилмаган, атрофлари хурмо дарахтининг шоҳлари билан зич қилиб ўралган, уйнинг ташқарида жойлашган ҳовли. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аср намозини қуёш хужрамнинг ичига тушиб турганида, ҳали соя тушмаган пайтда ўқир эдилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).


Хужранинг ғарб тарафида Масжиди Набавий тарафга очиладиган бир эшиги бор эди. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда эътикоф бўлган ҳолларида остонага келиб бошларини чиқарар эдилар...» (Насойй ривояти). Эшикда узунлиги 1,4 метр, кенлиги 46 см. бўлган қора рангли теридан ишланган парда бўлган.

Хужранинг узунлиги:

Жануб ва шимол тарафининг узунлиги тахминан 5,24 метр, шарқ ва ғарб тарафнинг узунлиги 3,5 метр бўлган.

Баландлиги: Тахминан 1,6 метр бўлган.

Хужра ва уйнинг тахминий кўриниши




Иккинчи босқич:

Ҳижрий 11 йилда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин Оиша розияллоҳу анҳо у зотнинг қабрлари жойлашган уйга қабр ва уй орасини ажратиб турувчи тўсиқ қўйган.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Саҳобалар масжиднинг қабр тарафида турмас ва у ерга қўп ҳам киравермас эдилар. У зот ҳужрага дафн этилганлар. Оиша розияллоҳу анҳонинг хужралари қабрдан алоҳида эди. Баъзида тобеъинлар Оиша онамиздан у зотнинг қабрларини кўрсатишни сўрашар эди, сўнг онамиз қабр борасидаги суннатни билишлари учун кўрсатар эдилар. Қабр ер билан баробар эмас эди, баландроқ қилиб қўтарилмаган эди».

Тахминий кўриниши




Учинчи босқич:

Ҳижрий 13 йилда Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху вафот этгач, бу босқичда қуйидагилар содир бўлди:

1. Абу Бакр розияллоху анху Оишанинг уйларига — Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига дафн қилинди. Сўнгра Оиша онамиз икки қабр билан хонаси ўртасида бир тўсиқ қурди.

2. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ҳовлини ўраб турган хурмо шохларини олиб ташлаб, унинг ўрнига пахсадан девор қуриб берди.

Тахминий кўриниши



Тўртинчи босқич:

Ҳижратнинг 23 йилда Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ҳам Набий соллаллоху алайҳи васаллам ва Абу Бакр розияллоху анху билан бирга Оиша онамизнинг уйига дафн этилгач, Оиша онамиз ундан ҳаё қилиб, учта қабр ва уйлари орасига девор ўрнатди. Оиша онамиз айтади: «Умар ибн Хаттоб уйимга дафн қилингунга қадар рўмолимни ва уст-бошимни бемалол алмаштирар эдим. Қабрлар билан уйим орасига тўсиқ тортилгунга қадар хотиржам кийина олмадим...».

Деворнинг кичкина дарчаси бўлиб, у парда билан ёпиб қўйилган эди. Тобеъинлар Оиша онамизга қабрни кўрсатишини илтимос қилишарди. Қабр ҳақидаги суннатларни билишлари учун уни кўрсатар эди. Қабр унчалик баланд қилиб кўтарилмаган эди.

Қосим ибн Муҳаммад айтди: «Мен Оиша (яъни холам)нинг олдиларига кириб: «Эй онажон, менга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ва у зотнинг икки саҳобаларининг қабрини кўрсатинг», дедим. Сўнг менга учта қабрни кўрсатди. Қабрлар баланд ҳам эмас, ер билан бир текис ҳам эмас эди, балки текис ердаги дўнгликка ўхшар эди» (Абу Довуд ривояти).

Оиша розияллоху анҳо узунлиги тахминан 5,24 метр, кенлиги 72 см. келадиган мана шу уйида 35 йил, яъни вафотига қадар ҳаёт кечирди.

Тахминий кўриниши




Бешинчи босқич:

Баъзи инсонлар қабрни кўриш учун Оиша онамизнинг уйларига кўп киравергач, девордаги дарча ёпиб қўйилган. Ҳозирги кунимизга қадар бирор киши қабрга киришга мурасар бўлмаган. Фақат қурилиш вақтида икки мартаба кирилган. Бунинг тафсилоти кейинроқ келади, иншааллоҳ.

Олтинчи босқич:

Ҳижрий 58 йилда Оиша розияллоху анҳо вафот этганидан кейин хонанинг эшиги қулфлаб қўйилган. Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Оиша розияллоху анҳонинг вафотидан кейин масжидга қўшиб олгунча уй эшиги қулфлаб қўйилди. Сўнгра унинг эшиги беркитилди ва бошқа девор қурилди».¹

Тахминий кўриниши:



(1) «Фатаво», 27/328.

Еттинчи босқич:

Ҳижрий 88 йилда халифа Валид ибн Абдулмалик Мадинадаги волийси Умар ибн Абдулазизга уч нарсани буюарди:

Биринчи буйруқ: Масжиди Набавийни бузиб, шарқ, ғарб ва шимол тарафларини кенгайтириб, унга Набий алайҳиссалом аёлларининг хужраларини қўшиб юбориш.

Иккинчи буйруқ: Оиша розияллоху анҳо уйининг гиштдан қурилган деворларини бузиб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қурган пойдевордаги қора тошларни қайта қуриш.


Узунлиги қуйидагича эди: жанубий тарафнинг узунлиги 4,9 метр, шимолий тарафники 5,24 метр, ғарбий ва шарқий тарафнинг узунлиги 3,5 метр. Баландлиги 6,13 метр.

Шарқий тарафдаги деворнинг қалинлиги 63 см. қолган деворларнинг қалинлиги 73 см. эди. Томи тахта билан ёпилди.

Набавий хужрасига эшик ўрнатилмаган, дарча ҳам очилмаган. Биронта инсон Набий соллаллоху алайҳи васаллам ва у зотнинг икки асҳобларининг қабрига киролмайди. Самҳудий раҳимахуллоҳ айтади: «Уйнинг ичида биронта эшик ҳам ва эшикнинг ўрнини ҳам топа олмадик».¹

(1) «Вафаул вафа», 2/307.

Тахминий кўриниши:



Учинчи буйрук: қора тошлардан бошлаб хужранинг деворларини ҳам ўраб турувчи яна бешбурчакли девор қуришни буюрди. Хужра (ҳовли)да намоз ўқилмаслиги учун охириги тарафини учбурчак қилишга ҳамда қибадан ўнг тарафга буришга буюрди. Эшик ҳам дераза ҳам қилинмади.

Ушбу девор ғарбий тарафдаги хужранинг деворига ёпишган шаклда эди. Иккисининг орасида жанубий ва шарқий тарафда озгина очиклик бор. Хужранинг шимолий девори орасида бешбурчакли деворнинг учбурчагида кўпроқ очиклик мавжуд.

Жануби-ғарбий тарафдаги деворнинг тагида ички деворларни бирлаштирувчи ерга ўрнатилган тахтали сандиқнинг узунлиги 60 см. кенлиги 50 см. баландлиги 80 см. деворнинг ичига кирган қисми 50 см. эди.

Деворнинг ҳар тарафлама қалинлиги 63 см. баландлиги 6,13 метр. Ҳозирги кунда унга парда илинган. Ташқаридаги мисдан ясалган тўсиқдан пардани кўриш мумкин.¹

Бешбурчакли деворнинг узунлиги қуйидагича:

Жанубий тарафнинг узунлиги 7,8 метр.

Ғарбий тарафнинг узунлиги 7,75 метр, сўнг шарқ тарафга 1,15 метр давом этган.


Шимоли-ғарбий тарафнинг узунлиги 5,77 метр.

Шимоли-шарқий тарафнинг узунлиги 6,44 метр.


Шарқий тарафнинг узунлиги 5,77 метр.

(1) «Вафаул вафа», 2/126.

Бешбурчакли деворнинг тахминий кўриниши:



Бешбурчакли деворнинг ички девор билан бирга бўлган тахминий шакли:




Бино ичининг тахминий кўриниши



Саккизинчи босқич:

Мутаваккил даврида (ҳижрий 232-247 йиллар) хужра деворларининг тагига мармар қопланди. Мармарнинг баландлиги тахминан бир метр.


Тахминий кўриниши:



Тўққизинчи босқич:

Ҳижрий 548 йилда, Муқтафийнинг даврида яна бир бор хужра девори таги 2 метрлик мрамар билан қопланди.¹

Тахминий кўриниши:



(1) «Вафаул вафа», 2/338.

Ўнинчи босқич:

Подшоҳ Қайитбой раҳимахуллоҳ даврида икки маротаба бузиб қурилган:

Биринчиси: бузилиши

Ҳижратнинг 881 йили шаъбон ойининг 14-кунида ташқи ва ички деворни бузишга келишилди.

Шарқий тарафдаги ташқи девор ҳамда шимолий бурчакка бурилган қисми бузилган.

Бузилган миқдори: жануб ва шимол тарафга 2,3 метр, ердан то девор тепасигача 1,84 метр.

Деворлар бузилишига сабаб ички девор ёрилиб, ташқи деворга оғган ва ташқи девор ҳам қийшайган эди.¹

Ички девор: унинг қуйидаги тарафлари бузилган:

1. Ички хужранинг шарқий ва шимолий тарафларининг барча қисми.

2. Жанубий ички девордан хужра ерига қадар 1,84 метр бузилган.

3. Ғарбий ички девордан ергача бир қисми бузилган, яъни 2,3 метр.

4. 2,3 метрга қадар бўлган жанубий ва ғарбий тарафдаги икки девор ҳам бузилган.

Хужранинг жанубий ва ғарбий қисмидаги икки девордан фақат озгинаси қолди.

Хужранинг пойдеворидан фақат шарқий ва жанубий тарафни жамловчи бурчаги ва шимол билан ғарб тарафнинг бурчаги қолган.

(1) «Вафаул вафа», 2/401.

Бузилишнинг тахминий кўриниши:



- 1 Бузилган жойнинг миқдори: шимол-жанубий тарафдан 2,3 метр.
Ердан деворнинг тепасига қадар 1,84 метр
- 2 Деворнинг барча қисми
- 3 Деворнинг 1,84 метрга яқин қисми
- 4 Деворнинг бир қисми, яъни 2,3 метр.
- 5 Тела қисмидан тахминан, 2,3 метр

Иккинчиси: қурилиши

Ҳижрий 881 йили шаъбон ойининг 27-куни қайта қуришга келишилди ҳамда қуйидаги амаллар бажарилди:

Икки девор:

1. Хужранинг бузилган ери аввалги тошлари билан қурилди.

2. Шарқий тарафдаги ташқи ва ички деворнинг ораси тўлдирилди ва бирлаштириб юборилди.

3. Жанубий тарафдаги ташқи ва ички деворнинг ҳам ораси тўлдирилди.

4. Деворнинг учдан бир қисмидаги устун деворга кириши учун шимол тарафдаги деворнинг учдан бирига яқин қилинди.


5. Хужранинг мрамрлар билан қопланган пастки қисми янгиланди.

Набавий хужрага эшик ҳам, дарча ҳам очилмади. Аввалгидек Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг икки саҳобасининг қабрига биронта киши киролмайдиган қилинди.

Икки деворнинг орасини бирлаштирилгандан кейин набавий хужра деворининг қалинлиги қуйидагича кенгайди:

- ғарб тарафдаги жанубий деворнинг қалинлиги 1,59 метр; шарқ тарафга 1,82 метрга қадар;
- ғарб тарафдаги деворнинг қалинлиги 1,36 метр; шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий тарафдаги уч бурчак деворнинг қалинлиги 63 см.;
- жануб тарафнинг шарқий деворининг қалинлиги 1,41 метр, сўнг шимол тарафга қараб 1,72 метр бўлгунга қадар;
- шимоли-ғарбий тарафдаги хужранинг ички қисмидаги деворнинг қалинлиги 73 см.;
- шимоли-шарқий тарафдаги хужранинг ички қисми 1,36 метр.

Бинонинг тахминий шакли:




Том:

Оиша розияллоҳу анҳонинг уйларидаги тахтадан бўлган томнинг ўрнига тахтадан кичик гумбаз барпо этилди. Гумбазнинг ғарбий тарафини қора тош билан маҳкамлашди ва оқ тош билан тўлдириб қўйишди. Гумбазнинг баландлиги 2,26 метр, деворнинг гумбаз билан биргаликдаги баландлиги 8,39 метр эди.

Бу ишларнинг барчаси ҳижрий 881 йили шаввол ойининг 7-кунида тамомланди.


Бинонинг том билан биргаликдаги тахминий кўриниши:



Ўн биринчи босқич:

Ҳижрий 886 йилдаги иккинчи маротаба ёнишидан сўнг подшоҳ Қайитбой раҳимахуллоҳ хужрани яна бир бор мрамар билан қоплатди. Тепа қисмига қилинган кўшимчадан сўнг мрамарнинг баландлиги 3 метрни ташкил қилди.

Тахминий кўриниши:





ХУЖРАИ САОДАТ ДЕВОРИНИНГ УЗУНЛИГИ



Ҳижрий 886 йилда подшоҳ Қайитбой раҳимаҳуллоҳ мармартош билан ўраганидан кейин биронта ўзгартириш киритилмади. Деворнинг баландлиги аввалги ҳолатида қолди, аммо деворларнинг узунлигига мармартош ўрнатилгани сабабли озгина зиёда қилинди. Мармар тош ўрнатилганидан кейин набавий хужранинг узунлигини бирон киши қайдламаган эди.

Мармартош ўрнатилгандан кейинги узунлиги:


Жанубий тарафининг узунлиги 8 метр,

Ғарбий тарафнинг узунлиги 7,86 метр, шарқ тарафга бурилган жойи эса 1,6 метр.

Шимоли-ғарбий тарафдаги учбурчакнинг узунлиги 6,6 метр.

Шимоли-шарқий тараф узунлиги 1,45 метр. Деворга қапишган айлана устуннинг узунлиги 1,5 метр, ундан кейинги деворнинг узунлиги 4,85 метр, шарқий тарафдаги деворнинг узунлиги 5,66 метр эди.

Тахминий кўриниши:





ТАШҚИ ТЎСИҚЛАР



Аввал айтиб ўтилган деворлардан кейин жанубий тарафдаги мисдан бўлган ташқи тўсиқлар (ҳозирги кунда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом бериш учун туриладиган ўрин) ҳамда қолган тарафлардаги тепа қисми мис билан безалган темир тўсиқлар ҳақида зикр қиламиз.

Ташқи тўсиқлар бир неча босқичдан ўтган

1. Ҳижрий 668 йилда подшоҳ Зоҳир Байбарсанинг даврида подшоҳ Валийд ибн Абдулмалик қурган девордан кейин баландлиги уч ярим метрли тахтадан бўлган девор ўрнатилди.

2. Ҳижратнинг 693 йилда подшоҳ Одил Зайниддин Катбуғо раҳимаҳуллоҳ даврида тахтали деворни ўраб турувчи яна бир тахтали девор қўшимча қилинди.

3. Ҳижрий 886 йилда Масжиди Набавий билан биргаликда икки тахтадан бўлган девор ёниб кетди. Сўнг подшоҳ Қайитбой раҳимаҳуллоҳ қибла тарафга мисдан, қолган тарафларга эса яшил ранг билан бўялган темирдан тўсиқ ўрнаттирди. Унинг тепа қисмига мисли боғич ўрнатилди.


4. Ҳижрий 1265 йилда Масжиди Набавийни кенгайтиришни бошлаб, 1277 йили тугатган усмонийлар подшоҳи Абдулмажидхон жануб тарафда жойлашган мисли тўсиқни (ҳозирги кунда одамлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом бериш учун турадиган ер) янгилади. Ушбу ташқи тўсиқ ҳозирги кунимизга қадар мавжуд.

Бу тўсиқ қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Оиша розияллоҳу анҳонинг уйини.
- Оиша розияллоҳу анҳонинг хужрасини.

- Ҳафса розияллоҳу анҳонинг уйининг бир қисмини.
- Равзанинг бир қисмини.
- Фотима розияллоҳу анҳонинг уйини.
- Шарқ тарафдаги бўшлиқни.


Валид қурган деворлар билан ташқи тўсиқнинг тахминий кўриниши:



МИСЛИ ТЎСИҚ ВА ХУЖРАИ Саодатнинг жойлашиш ўрни

Хужраи саодат мисдан ясалган тўсиқдан жануби-шарқий тарафда жойлашган. Хужраи саодатнинг деворлари қибланинг тўғрисида бўлмаслиги учун шарқ тарафга бурилган. Ҳар хил тарафлардан қараганда деворлар ва мисдан ясалган тўсиқ орасидаги фарқ турли хилдир.

Деворлар ва мисли тўсиқ орасининг масофаси суратдаги каби:



**НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМГА САЛОМ
БЕРИШ ЎРНИ БИЛАН У ЗОТНИНГ
ҚАБРЛАРИ ОРАСИДАГИ МАСОФА**


Набий алайҳиссаломга салом бериш жойи билан у зотнинг қабрлари орасидаги масофа қуйидагича:

1. Очиқ жой 92 см. Бу ерда у зотга салом бериш вақтида инсонларни тартибга солиб турувчи ишчилар туради.
2. Мис тўсиқ 10 см.
3. Мис тўсиқ ва бешбурчакли девор орасидаги бўшлиқ 4,14 метр.
4. Бешбурчакли девор ва унинг кенлиги 63 см.
5. Бешбурчакли девор билан хужра девори орасидаги бўшлиқ (кейинчалик у тўлдирилган) 25 см.
6. Хужранинг девори ва унинг кенлиги 73 см.
7. Хужра ва қабр орасидаги бўшлиқ 23 см.
8. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрлари.

Шунга кўра салом берувчи ва қабрнинг орасидаги масофа 7 метрдан иборат.

Аллоҳ таоло Набий алайҳиссаломга салом берувчиларнинг саломини фаришталар орқали у зотга етказди. У зот айтадилар: «**Менга салом айтинглар. Дарҳақиқат, қаерда бўлсангиз ҳам, саломингиз менга етиб келади**» (Мақдсий «Мухтор» да келтирган). У зотга салом йўлловчи қабрларига яқин ёки узоқ бўлишининг фарқи йўқ, саломини етиб боради, иншаллоҳ. Ҳасан ибн Ҳасан раҳимаҳуллоҳ айтади: «Сизлар ва Андалусдагилар (салом бериш борасида) баробардир».

Салом йўлловчи билан қабр орасидаги масофа:



ШИМОЛДАГИ МИС ТЎСИҚ БИЛАН НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ҚАБРЛАРИ ОРАСИДАГИ МАСОФА

Шимолдаги мис тўсиқ (салом бериш жойининг қарама-қарши тарафи) ва Набий алайҳиссаломнинг қабрлари орасидаги масофа қуйидагича:


1. Мусҳафлар қўйиладиган мустаҳкам мисдан бўлган 23 см. ли токча.
2. Шимол тарафдаги мисли тўсиқ 10 см.
3. Тахминан 7 метр келадиган бўшлиқ.
4. Яна бир 10 см. кенгликдаги девор.
5. Ҳажми 2,53 метрлик бўшлиқ.
6. Қалинлиги 63 см. ли девор.
7. Учбурчакнинг ичидаги 2,68 метрлик бўшлиқ.
8. Қалинлиги 63 см. ли келадиган девор.
9. Набавий хужранинг ички қисмидаги 2,6 метрлик бўшлиқ.
10. Набий алайҳиссалом қабрларининг ярмига қадар 50 см.

Шимол тарафдаги тўсиқнинг ортида турган киши билан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрлари орасидаги масофа 17 метрдан иборат.

Кўриниб турибдики, бу томондан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларига юзланиш афзал эмас, чунки юзланувчи билан у зотнинг қабри орасида катта масофа ва қалин деворлар мавжуд.

Намоз ўқиш чоғида қабрга юзланишни қасд қилса, шариатга хилоф қилибди. Чунки Аллоҳ таоло Каъбага юзланишга буюрган.

Бунинг баёни суратда кўрсатилган:





ҲУЖРАИ САОДАТГА КИРИШНИНГ ИМКОНИ БОРМИ?



Мис тўсиқнинг шимоли-шарқий тарафида эшик бор. Ким у ердан кирса, парда билан тўсилган бешбурчакли деворнинг олдига етиб боради, лекин девор тўсилгани сабабли қабрга киролмайди ва уни кўролмайди. Ортида эса, унга ёпишган хужранинг девори бор. Иккала деворда эшик ҳам, дераза ҳам мавжуд эмас.

Ҳужраи саодатга кирдим, деб ўйлаган киши аслида мис тўсиқ ортидан кириб, фақатгина бешбурчак деворга борган бўлади.



УШБУ ДЕВОРЛАР ВА МИС ТЎСИҚЛАРНИНГ ҲИКМАТИ



Бу деворларнинг ҳикмати Набий алайҳиссаломнинг қабрларини ҳимоя қилишдир. У зот қабрларини байрам ўтказиладиган жой қилиб олишдан қайтарганлар: «**Қабримни байрам ўтказиладиган жой қилиб олманглар**» (Аҳмад ривояти). Бунинг яна бир ҳикмати Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмаслик. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дуо қилдилар: «**Аллоҳим! Қабримни** (ибодат қилинадиган) **бир бут ҳолига келтириб қўйма!**» (Молик ривояти). Аллоҳ таоло Расулининг дуосини қабул қилди, бирон кимса у зотнинг қабрларига кира олмайди.

Бирон кимса у зотнинг қабрларига намоз ўқий олмайди, у шимол тарафидан учбурчакли девор билан ўралган. Бу учбурчакли деворга ишора қилиб ҳақимлардан бири бўлмиш Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ шундай деган эди: «Оламлар Парвардигори у зотнинг дуосини қабул қилиб, учбурчакли девор билан ўраб қўйди».¹

Шунингдек, эслатиб ўтганимиздек, қабр билан мисдан бўлган тўсиқли девор орасида катта масофа бор.

(1) «Нунийя Ибн Қоййим», 4042-байт.



УЙНИНГ ТОМИ ВА ГУМБАЗ



Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розияллоҳу анҳонинг уйларида вафот этганлар ва ўша ерга дафн этилганлар. Бу уйнинг деворлари лойдан, томи эса хурмо дарахтининг шохларидан эди. Ҳижрий 88 йили подшоҳ Валид ибн Абдулмалик раҳимаҳуллоҳнинг даврида уйнинг деворлари тош билан қайта тикланган, томи тахтадан қилинган ва бешбурчакли девор билан ўралган. Саҳобалар, тобеъинлар ва табаа тобеъинлар даврида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида гумбаз бўлмаган, балки улардан кейинги асрларда барпо қилинган.

❖ Уйнинг томи.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларининг томи бир қанча босқичлардан ўтган:

1. Набий алайҳиссалом Мадинага ҳижрат қилиб, у ерда масжид қураётганларида Оиша розияллоҳу анҳога ҳам уй қуриб берганлар. Масжиднинг ва уйнинг томини хурмо дарахтининг шохлари билан ёпганлар.

2. Ҳижрий 88 йилда Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ халифа Валид ибн Абдулмалик раҳимаҳуллоҳнинг буйруғига мувофиқ Оиша розияллоҳу анҳонинг уйларини бузиб, тошдан қайта тиклади, тепа қисми эса тахта билан ёпилди.

3. Ҳижрий 881 йили мамлуклар подшоҳи Қайитбой раҳимаҳуллоҳ Оиша розияллоҳу анҳо уйларининг тахтадан бўлган томи ўрнига кичик гумбаз ўрнатди.

4. Ҳижрий 1228 йили усмонийлар султони Маҳмуд II ушбу гумбазни янада яхшироқ ҳолатга келтирди.

❖ Катта гумбаз.

Бу юқорида зикри келган кичик гумбазнинг устидаги

катта гумбаздир.

Катта гумбаз бир қанча босқичларда таъмирланган:

1. Ҳижрий 678 йили подшоҳ Қалавун Солиҳий раҳимаҳуллоҳ Оиша розияллоҳу анҳо уйининг рўпарасига биринчи бўлиб ёғочдан иккинчи гумбазни қурдиради.
2. Ҳижрий 881 йилда подшоҳ Қайитбой раҳимаҳуллоҳ ушбу гумбазни янгилайди.
3. Ҳижрий 886 йили гумбаз ёниб кетади.
4. Ҳижрий 887 йилда подшоҳ Қайитбой раҳимаҳуллоҳ ёнғиндан кейин уни қайта тиклайди.
5. Ҳижрий 1233 йилда усмонийлар султони Маҳмуд II гумбазнинг устки қисмини бузиб, янгидан қурдиради ва кўк рангга бўятади.
6. Ҳижрий 1253 йили усмонийлар султони Маҳмуд II гумбазнинг ташқи қисмини яшил рангга бўяшга буюради.


Ушбу катта гумбазнинг остида қуйидагилар жойлашган:

- Оиша розияллоҳу анҳонинг уйи ва бир неча хужралар.
- Оиша розияллоҳу анҳо уйининг жануб тарафида жойлашган Ҳафса розияллоҳу анҳо уйининг бир қисми. Ҳозирги кунда тўсиқдан кираверишдаги бўш ўрин.
- Оиша розияллоҳу анҳо уйининг ғарб тарафи ва Равздан тахминан 3 метр жой.
- Оиша розияллоҳу анҳо уйининг шарқий тарафида бир метрга яқин бўш жой.

Бу гумбаз Оиша розияллоҳу анҳонинг уйлари тепасида эмас, балки ғарб ва жануб тарафга озгина бурилган. Оиша розияллоҳу анҳонинг уйлари эса гумбаздан жануби-шарқий тарафда жойлашган. Шу сабабли уламолар гумбаз Оиша ро-

зияллоҳу анҳонинг уйи билан ёнма-ён деб айтишади.

Тахминий тузилиши:



**НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ ВА ИККИ
ДЎСТЛАРИНИНГ ҚАБРИ ФАҚАТ
ИККИ МАРОТАБА КЎРИЛГАН**

Оиша розияллоҳу анҳонинг вафотларидан кейин эшиклар ёпилди. Сўнгра у ерга фақатгина икки маротаба кирилди.

Биринчиси: ҳижрий 88 йилда подшоҳ Валид ибн Абдулмалик раҳимаҳуллоҳ Набавий хужранинг деворларини бузиб, ортига бешбурчакли девор қўшиб, хужрани қайта тиклаганда. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг икки саҳобаларининг қабрини ҳижрий 88 йилдан 881 йилгача (яъни 793 йил) бирон киши кўрмаган.

Иккинчиси: ҳижрий 881 йилда подшоҳ Қайитбой раҳимаҳуллоҳ хужранинг ички деворини ҳамда бешбурчакли деворнинг ташқи қисмини (озгинасини) бузишга буюрганида Мадина аҳлининг баъзилари деворни тиклаш ва ёнғинда зарар кўрган нарсалардан тозалаш учун киришган.

Улар қабрга киришганида қабрнинг кўтарилган ҳолда эмаслигини, балки ер билан бир текис ҳолатда эканини кўришган. Самҳудий раҳимаҳуллоҳ (ҳижрий 881 йилда қабрни кўрган олимлардан бири) айтади: «Муборак хужрани кўрдим: текис эди, қабрлардан биронта асорат топа олмадим».¹

Самҳудий раҳимаҳуллоҳ ва у киши билан бирга бўлган қурилиш бошқарувчиси қабр ўрнини аниқлаш борасида тадқиқот ўтказишган ва ўзлари ўқиб-билган жойларни қабр деб тахмин қилиб, устига майда тошлар қўйишган.²

Ушбу воқеадан ҳозирги кунгача ҳеч ким қабрларни кўрмаган.

(1) «Вафаул вафа», 2/404.

(2) «Вафаул вафа», 2/408.

ҲУЖРАИ САОДАТНИНГ ДЕВОРИНИ СИЛАШ ЖОИЗМИ?

Ҳужраи саодатнинг девори жонсиз нарса, уни силаш жоиз эмас. Абу Ҳомид Ғаззолий раҳимаҳуллоҳ: «Диққатга сазовор жойларни силаш, ўпиш насроний ва яҳудийларнинг одатидир», дедилар.¹

Ҳужранинг деворлари, меҳроби, минбари, устунлари, эшиклари ёки тўсиқларини силаб, ўпиш жоиз эмас, чунки бу ширкка элтувчи амал, воситадир.

(1) «Асрорул ҳаж», 157-бет.



ТАБАРРУК



«Табаррук» барака сўраш, умид қилиш ва унга эътиқод қилишдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿تَبْرَكَ الَّذِي يَدِيَهِ الْمَلِكُ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

«(Барча оламлар) подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган Зот — Аллоҳ баракотли, буюкдир. У барча нарсага қодирдир» (Мулк сураси, 1-оят).

Баракани Аллоҳ беради ва У Зотдангина барака сўралади. Банда Аллоҳга қанчалик яқин бўлса, унга шунчалик барака етади.

Табаррук (барака сўраш) икки турли бўлади:

Бараканинг биринчи тури: шаръий табаррук, яъни шаariatда ворид бўлган барака тилаш, булардан куйидагилар:

Биринчиси: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тирикликларида у зотдан барака исташ.

У зотнинг жасадлари ёки баданларига теккан матолар ёки баданларидан чиқувчи пок нарсаларни табаррук қилиш жоиз.

Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг олдиларида ухлаб қолганларида аёл у зотнинг терларидан озгинасини олиб, ўзи учун хушбўй қилиб олгани маълум.

Яна у зотнинг сочлари. Набий алайҳиссалом Ҳажжа-тул-Вадода бир саҳобага соч толаларини берганлар.

У зотнинг либослари. Қизлари Зайнабнинг жасадини ювувчи аёлга изорларини бериб, шундай деганлар: «**Уни** (олдин) **мана бунга ўранглар**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Ҳозирги вақтда у зотнинг биронта соч толаси ва либослари йўқ. Баъзи инсонлар у зотнинг соч толалари, қиличлари

ёки совутлари ва бошқа нарсалари мавжуд деб билишади, лекин булар асосли гаплар эмас.

Иккинчиси: шаръий хужжат асосида барака борлиги айтилган нарсалар, улар:

- Ичимликлардан: замзам суви.
- Вақтлардан: қадр кечаси.

Иккинчи тури: қайтарилган табаррук, улар:

Биринчиси: ҳозирги кунда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат бериладиган қадимги ёдгорликлардан барака тилаш.

У зотга тегишли эканлиги собит бўлмагани учун уларнинг бирортасидан барака тилаш жоиз эмас.

Иккинчиси: солиҳлардан барака иташ.

Мўминнинг жасадидан чиқадиган нарсалардан барака тилаш жоиз эмас. Чунки саҳобалар ва улардан кейингилар хулафои рошидинлардан чиқувчи тер ёки уларнинг либослари ёки соч толаларидан барака иташмади.

Учинчиси: дарахт ва тошлардан барака тилаш.

Дарахт, тошлар ва шу кабилардан барака тилаш Аллоҳга ширк келтириш ҳисобланади, у Мадинанинг тошу тупроғи ёки бошқа нарсалари бўлса-да ширкдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَفَرَأَيْتُمُ اللَّاتَ وَالْعُزَّىٰ ﴿١٩﴾ وَمَنْوَةَ الثَّلَاثَةِ الْأُخْرَىٰ﴾

«Эй мушириклар, ўзингиз ибодат қилаётган анави бут-санамларингизни: Лот, Уззо ва уларнинг учинчиси бўлмиш Манотни кўрдингизми? Улар Аллоҳга шерик бўла олиш учун бировга бирон фойда ёки зарар бера олди-ми?» (Нажм сураси, 19-20 оят).

Набий алайҳиссалом бир қавм олдидан ўтаётиб, дарахт остида ўтириб унга қуролларини илиб қўйган ва ундан ба-

рака талаб қилаётган инсонларни кўрдилар ва у зот билан бирга бўлган баъзи кишилар шундай дейишди: «Эй Аллоҳнинг Расули! Бизга ҳам улар осиб олган бут каби бут қилиб беринг». Шунда у зот: «Аллоҳу акбар! Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, Бани Исроил Мусога:

﴿قَالُوا يَا مُوسَى اجْعَلْ لَنَا إِلَهًا كَمَا لَهُمْ آلِهَةٌ﴾

«Эй Мусо, бизларга ҳам уларнинг илоҳлари каби худо қилиб (ясаб) бер» (Аъроф сураси, 138-оят) — деб айтган сўзни айтдингиз, аввалгилар қилган ишни қилмоқчимисизлар?!», дедилар (Термизий ривояти).

Шунингдек, Каъбанинг пардасини ёки меҳробни ёки минбарни ҳамда солиҳ олимларни силаш ҳаромдир, чунки булар ширкка етакловчи василадир.

Барака тиламасдан, ибодат бобидан Ҳажарул-Асвад (қора тош)ни ўпиш жоиз. Умар розияллоху анҳу айтади: «Аллоҳга қасамки, мен сенинг зарар ҳам, фойда ҳам бера олмайдиган бир тош эканингни биламан. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг сени ўпганларини кўрмаганимда сени ўпмасдим» (Бухорий ва Муслим ривояти).



**НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ ВА
САҲОБАЛАР ҚАБРЛАРИНИ
ЗИЁРАТ ҚИЛИШ**



ПАЙҒАМБАРИМИЗ МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ

Пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим соллаллоҳу алайҳи васаллам Исмоил ибн Иброҳим алайҳиссаломнинг наслларидан. Маккада туғилиб, ота-онасиз бўлса-да покиза хилқатда улғайганлар. Аллоҳ таоло у зотга энг комил ахлоқни ато этди.

Атрофдагиларга чиройли муомала қилар эдилар, катталарга нисбатан ҳурматли, кичикларга камтар, ифбатли инсон эдилар. Ҳеч кимга зулм, хиёнат қилмаганлар ва бирон кишини урмаганлар, номаҳрам аёлларга тегмаганлар.

Аллоҳ у зотни пайғамбар қилиб танлаганда қирқ ёшда эдилар. Қавмлари у зотга сўзлари ва феъллари билан озор беришди. Жинни, сеҳргар деб тухмат қилишди, ёлғончи деб сифатлашди, ҳатто у зотга қарши жанг қилишди. Яҳудийлар таомларига захар кўшишди, сеҳр ҳам қилишди.

У зотга қаттиқ синовлар келди. Ҳаётлик чоғларида олти-та фарзандлари ва иккита аёллари вафот этди. Ойлаб уйларида олов ёқилмас, аҳллари билан егулик таом топа олишмаганидан кўпинча оч ҳолда тунардилар.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло у зотга кўп афзалликлар ҳам берди: аввалги ва келаси гуноҳларининг кечириб юборилиши, қабрда биринчи тирилувчилардан бўлишлари, қиёмат куни шафоат қилувчи ва қилинувчиларнинг энг аввалиси, эргашувчилари кўп бўлган пайғамбарларнинг биринчиси, сирот кўпригидан биринчи ўтувчи, жаннат эшигини биринчи тақиллатувчи.

Пайғамбар бўлишдан тортиб вафотларига қадар инсонларни Парвардигорига ибодат қилишга чақириб, ширкдан қайтардилар. Ҳар доим яхшиликка буюриб, ёмонликлардан ман қилдилар. Эгаси Аллоҳ таоло бўлган бирон нарсани ўзларига нисбат бермадилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا﴾

«**Айтинг:** «*Мен ўзим учун ҳам на фойда ва на зиён етказишга молик эмасман*»...» (Аъроф сураси, 188-оят).

Умрларини Аллоҳнинг тоат-ибодатида ўтгаздилар:

﴿قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом) «*Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир*», **деб айтинг!**» (Анъом сураси, 162, 163-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Аллоҳнинг бандаси эдилар: касал бўлар, оч қолар, хафа бўлган, хурсанд бўлган ҳолатлари ҳам бўларди, бошқалар каби вафот ҳам этганлар... У зотда робблик ва илоҳлик хусусияти мавжуд эмас. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан мадад тиланилайди, эҳтиёжларни қондиришни сўраб, мурожат қилинмайди. Зеро, у зот бунга қодир эмаслар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ اللَّهُ وَحْدَهُ فَمَن كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ﴾

﴿عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا﴾

«(Эй Пайгамбар, мушрикларга) **айтинг:** «*Мен ҳам сизлардек бир инсонман. Менга Роббим тарафидан сизларнинг илоҳингиз ягона Илоҳ экани ваҳий қилинмоқда. Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва ибодатда Роббига бошқа бировни шерик қилмасин!*» (Каҳф сураси, 110-оят).

﴿وَإِن يَمَسُّكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِن يُرِدْكَ بِخَيْرٍ فَلَا رَادَّ﴾

﴿لِفَضْلِهِ﴾

*«Эй Пайгамбар, агар Аллоҳ сизга бирон бало-офат
етказса, уни Ўзидан бошқа ҳеч ким арита олмайди. Агар
сизга фаровонлик ё неъмат беришни истаса, ҳеч ким уни
сиздан тўса олмайди»* (Юнус сураси, 107-оят).



АБУ БАКР СИДДИҚ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ



У зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифалари Абу Бакр Сиддиқдир. Исми Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Омир Қурайший розияллоҳу анҳу.

«Сиддиқ» деб номланишининг сабаби у зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни доим тасдиқлаган ва фитначиларнинг ёлғонларидан асло таъсирланмаган.

Хулафои рошидинларнинг, жаннатга кириш башорати берилганларнинг ва эркаклардан иймон келтирганларнинг энг аввалгисидир. У киши энг комил саҳобалардан ва уларнинг энг афзали, энг шижоатлиси, энг зийраги, уларнинг энг ақллиси, доимо яхшиликда улардан олдинда бўлгандир. Молининг ҳаммасини Аллоҳнинг йўлига сарфлаган, умри давомида бирон мартаба бут-санамга ибодат қилмаган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан доимо ёнма-ён бўлган, у зот билан бирга ҳижрат қилган, Ҳиро ғорида бирга бўлган. Саҳобалар ичида энг кўп Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни лозим тутганлардан эди. У кишининг ота-онаси, фарзанди ва неваралари Исломга кириб, саҳобалардан бўлишган. Бундай бахт бошқа ҳеч кимга насиб қилмаган. Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Улар иймон уйининг аҳлидир, улар ичида мунофиқлар бўлмаган. Абу Бакрнинг аҳлидан бошқа биронта саҳобанинг оиласида бундай эмас».¹ Агар унинг иймони ва бошқа саҳобаларнинг иймони тарозига қўйилса, Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг иймони оғир келган бўларди. У зот Қуръон тиловат қилса, кўз ёшини тия олмас, инсонлар намозда унинг йиғиси сабабли қироатни яхши эшита олмас эдилар.

(1) «Минҳаж ас-сунна ан-набавий», 8/332.

У зот Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга энг суюкли одам эди. У зот Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг қизи Оиша розияллоҳу анҳога уйланганлар, у ҳам аёллари ичидаги энг суюклиси эди.

У зот бу умматнинг Пайғамбаридан кейин биринчи жаннатга кирувчилардан бўлиб, жаннатнинг саккизта эшигидан чақирилади. Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Эй Абу Бакр, сиз умматимнинг энг биринчи жаннатга кирувчисисиз»** (Абу Довуд ривояти).

Саҳобаларни яхши кўриш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўришдир. Саҳобалар у кишини (Абу Бакрни) яхши кўришни ибодатдан деб билишган. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо айтади: «Абу Бакр ва Умарни яхши кўриш иймондандир».



УМАР ИБН ХАТТОБ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ



У мўминлар амири Форукдир. Исми Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл Қурайший розияллоҳу анҳу.

Абу Бакрдан кейинги халифа ва унинг дўсти, хулафои рошидинларнинг иккинчиси, жаннат башорати берилганлардан. Абу Бакрдан кейинги Набий алайҳиссаломга суюкли бўлган шахс. Шофеъий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Саҳобалар ва тобеинларнинг биронтаси Абу Бакр ва Умарнинг афзаллиги ва бошқалардан устунлиги борасида ихтилоф қилишмаган».¹

У киши саҳобаларга Қуръондан таълим берарди. Ансорлар билан бирга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг илм мажлисларига қатнар эди. Аллоҳнинг динида кучли, ҳайбатли эди, шайтон у кишидан қочар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Эй Хаттобнинг ўғли! Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, шайтон бирор йўлда кетаётиб, сенга йўлиқса, сенинг йўлингдан бошқа йўлга юради**» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Аллоҳ таоло у киши сабабли динга нусрат берди ва Ислом ер юзига тарқалди ҳамда мусулмонларнинг куч-қуввати зиёдалашди. Жасур, шижоатли эди. Ундан Форс ва Рум подшоҳлари ҳам қўрқишарди, Кисронинг тожи унинг оёғи остида эди.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Унинг замонида Ислом тарқалди, ундан аввал бу шаклда зоҳир бўлмаган эди».²

Дунёдан юз ўгирган, охиратга боғланган эди. Узугига ушбу сўзлар битилган эди: «Эй Умар, ўлим етарли на-

(1) «Эътиқод лил Байҳақий», 356-рақам.

(2) «Минҳаж ас-сунна ан-набавий», 10/182.

сиҳатчидир». Байтул-Мақдисни фатҳ қилган, ридоси билан чангларини артганди. Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳнинг йўлида тавозеъли бўлиб, яшаши ва еб-ичиши оддий эди. Аллоҳнинг динида қаттиққўл эди. Ямоқли кийим кияр, ҳайбатли бўлишига қарамай елкасида меш кўтариб юрарди».¹

Абу Бакр Сиддиқ уни яхши кўрар ва: «Ер юзида менга Умардан кўра суюклироқ инсон йўк», дер эди.

(1) «Бидоя ва ниҳоя», 10/182.



НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ ВА ИККИ БУЮК САҲОБАНИНГ ҚАБРИ



Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрий 11 йилда Оиша онамизнинг уйларида вафот этдилар ва шу ерга дафн этилдилар. У зотнинг бош тарафи ғарбий деворга қаратилиб, девордан 92 см. узоқликда жойлашган. Юзлари қибла тарафга қаратилган бўлиб, қибладан 23 см. узоқликда.

Вафотларидан икки йилдан кейин дўстлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу вафот этган ва сўнг у зотнинг олдиларига дафн этилган. У кишининг боши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқ тарафларида жойлашган.

Ҳижрий 23 йилда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу вафот этгач, Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг олдига дафн этилади. У кишининг боши Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг оёқ тарафида жойлашган.

Қабрларнинг тахминий жойлашиш ҳолати қуйидагича:

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрлари

Абу Бакрнинг қабри

Умар ибн Хаттобнинг қабри

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ МАСЖИДНИНГ ИЧИГА ДАФН ҚИЛИНГАНЛАРМИ?

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжид ичига эмас, балки Оиша розияллоҳу анҳонинг уйига дафн қилинганлар. Оиша розияллоҳу анҳонинг уйи Масжиди Набавийнинг шарқий қисмида жойлашган. Хулафои рошидинлар ва Мадинадаги барча саҳобаларнинг вафотидан сўнг Масжиди Набавий шарқ тарафдан кенгайтирилган, шундан сўнг Оиша онамизнинг уйи масжиднинг ичига кириб қолган. Баъзилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда дафн қилинганлар деб ўйлашади. Бу масалага куйидагича аниқлик киритиш мумкин:

1. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларни масжид қилиб олишдан қайтарганлар, бундай қилган кишини лаънатлаганлар ва инсонларнинг энг ёмони эканлигини айтганлар. Буларга қабрларни масжидга киргизиш ёки масжидларни қабр устига қуриш ёки қабр олдида ёки тепасида намоз ўқишни қасд қилиш ҳам киради.
2. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарлар вафот этган ерларида кўмилганликларининг хабарини бериб, шундай дедилар: «**Аллоҳ таоло пайғамбарларнинг жонини улар дафн қилинишни истаган жойларда олди**» (Аҳмад ривояти).
3. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розияллоҳу анҳонинг уйларида вафот этиб, ўша ерга дафн этилдилар. Чунки барча пайғамбарлар вафот этган ерда кўмилган. У ерда дафн қилинишлари инсонлар у зотнинг қабрларига боғланиб қолиб, ғулувга кетмаслиги учун эди. Оиша розияллоҳу анҳо шундай деган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот олди беморликларида: «**Аллоҳ яҳудийларни ва насронийларни лаънатласин! Улар анбиёларининг қабрларини**

масжид қилиб олишди», дедилар. Мана шу (гап) бўлмаганида у зотнинг қабрлари кўринарли қилиб қўйилар эди. У зот қабрларини масжид қилиб олинишидан кўрккан эдилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

4. Умар ибн Хаттоб ва Усмон ибн Аффон розияллоху анхумоларнинг даврида масжид кенгайтирилишига қарамай, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам дафн қилинган Оиша онамизнинг уйи масжидга туташ бўлиб қолди.

5. Ҳижрий 88 йилда Мадинадаги барча саҳобаларнинг вафотидан сўнг умавийлар амири Валид ибн Абдулмалик раҳимахуллоҳ масжидни кенгайтириш ва хужраларни унга қўшиб юборишга буюрди. Бу ишни ўша даврдаги Мадина волийси Умар ибн Абдулазиз раҳимахуллоҳ бажарди.

6. Кенгайтириш чоғида зарурат туфайли уйлар (масжидга) қўшиб юборилди. Уларнинг мақсадлари хужрани кенгайтириш бўлмаган, аксинча масжидни кенгайтириш эди. Сўнгра бошқа уйлар каби уни ҳам қўшиб юборишди. Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимахуллоҳ айтади: «Масжидни кенгайтириш учун уйни қўшиб юборишди, уларнинг мақсадлари хужрани кенгайтириш бўлмаган, аксинча масжидни кенгайтиришган».¹

7. Саид ибн Мусайяб, Абан ибн Усмон, Хубайб ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр раҳимахуллоҳлар каби салаф олимлари ва Мадина уламолари бу ишни қоралаган. Урва раҳимахуллоҳ айтади: «Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг қабрлари масжидга киритилмаслиги борасида Умар ибн Абдулазиз билан масжидда қаттиқ тортишдим. У бош тортди ва «Мўминлар амирининг буйруғи, адо этиш лозим», деди».² Шунга қарамай Мадина уламолари бу ишни инкор этишди, ҳатто шу масала сабабидан Хубайб ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр қатл қилинди.

8. Қабр жойлашган Оиша розияллоху анҳонинг хужралари

(1) «Дурар санийя», 5/140.

(2) «Хуласотул вафо», 2/129.

ўз ҳолича қолди, унинг биноси янгиланди, орқа тарафи деворлар билан беркитилди ва қибладан озгина буриб, шимол тарафи учбурчак шаклга келтирилди. Орқа тарафи ҳам ўралди. Буларнинг барчаси қабр масжид қилиб олинмаслиги ва бирор киши ғулувга кетмаслиги учун қилинди.

9. Агар бир киши қабрга кира олса ва у ерда намоз ўқиса, «Мен Масжиди Набавийда намоз ўқидим», дейиши тўғри бўлмайди. Чунки у масжидда эмас, Оиша розияллоҳу анҳонинг уйида намоз ўқиган ҳисобланади.

10. Масжид қабрнинг устига қурилмаган, Набий алайҳиссалом ҳам масжидга дафн қилинмаганлар. У зотнинг масжидлари кўчирилмайди, масжидни бузиш ҳам, қабрни бошқа ерга кўчириш ҳам жоиз эмас. Чунки пайғамбарлар вафот этган жойда дафн қилинадилар.

11. Хужрага яхшилаб назар солган киши унинг масжидга туташганини кўради. Ҳар тарафдан ўралган, қабрга киришнинг имкони йўқ, чунки унинг эшиги ҳам, деразаси ҳам йўқ.

12. Шунга қарамай уламолар бу ишни инкор этишган ва масжидларни қабрлар устига қуриш жоизлигида биронта ҳужжат йўқ деб билишган. Шайх Абдулазиз ибн Боз раҳимахуллоҳ айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг икки саҳобасининг қабри масжид ичида жойлашганини далил қилиб келтирувчиларга тўхталсак, бу борада биронта ҳужжат йўқ. Чунки у зот уйларига дафн қилинганлар, масжидга эмас. У зот билан бирга икки саҳобалари ҳам у ерга дафн қилинган. Лекин Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон масжидни кенгайтирганда уйни масжидга кўшиб юбориб, хатоликка йўл қўйган. Бу ҳолат ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун уйни масжидга киритмаслик керак».¹

(1) «Фатаво Ибн Боз», 10/306.

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ ВА ИККИ БУЮК САҲОБАНИНГ ҚАБРЛАРИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Зиёратчи Набавий хужранинг жанубий тарафидан қабр олдига келади, сўнг унга юзланиб, қиблага ортини ўгириб туради ва шундай дейди: «Ассаламу алайка аййуҳан Набий ва раҳматуллоҳи ва баракотуху» (Маъноси: «Эй Набий, сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракоти бўлсин!»).

Сўнг ўнг тарафга қадам ташлаб, Абу Бакр розияллоху анҳунинг қабрида тўхтади ва шундай дейди: «Ассаламу алайка йаа Абу Бакр ва раҳматуллоҳи ва барокотуху» (Маъноси: «Эй Абу Бакр, сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракоти бўлсин»).

Сўнг ўнг тарафга қадам ташлаб, Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳунинг қабри олдида тўхтаб, шундай дейди: «Ассаламу алайка йаа Умар ва раҳматуллоҳи ва барокотуху» (Маъноси: «Эй Умар, сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракоти бўлсин»).

Сўнг у ердан кетади, дуо қилмайди ва салом беришда кўп қолиб кетмайди. Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумо: «Ассаламу алайка йаа Расулуллоҳ, ассаламу алайка йаа Абу Бакр, ассаламу алайка йаа абатий» (Маъноси: «Эй Расулуллоҳ, сизга салом бўлсин! Эй Абу Бакр, сизга салом бўлсин! Эй отажон, сизга салом бўлсин!»), деди ва қолган саҳобалар ҳам шунга ўхшаш салом беришарди».¹

Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг қабрлари олдида овозни кўтариш ёки баланд овозда салом бериш қариқ (ёмон) саналган амаллардандир. Ибн Касир раҳимахуллоҳ айтади: «Уламолар: «У зотнинг қабрларида овоз кўтариш

(1) «Фатаво», 26/146.

тириклик чоғларида қариқ бўлганидек, вафот этганларидан кейин ҳам қариқ саналади. Зеро, у зот ҳаётлик пайтларида ҳам, бу дунёдан ўтганларидан кейин ҳам эҳтиром қилинадилар», дейишди».¹

(1) «Тафсир Ибн Касир», 7/368.

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ҚАБРЛАРИ ОЛДИДА (АЛЛОҲГА) ДУО ҚИЛИНАДИМИ?

Мусулмон киши фақат Роббига дуо қилади, дуо қилиш вақтида хоҳ пайғамбар бўлсин хоҳ оддий инсон, бирорта кишининг қабрига юзланмайди. Чунки бу ширкка элтувчи василадир. Биронта саҳоба бундай иш қилмаган. Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «У ерда (Набавий хужрада) хужрага юзланиб дуо қилмаслик керак. Бу каби амаллар уламоларнинг иттифоқи ила қайтарилгандир».¹

Қабр олдида қиблага юзланиб ҳам дуо қилиб бўлмайди, биронта салафи солихлар хоссатан саҳобалар бундай қилишмаган. Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Ўзининг ҳаққига қабр олдида туриб дуо қилиш ҳам жоиз эмас, чунки бу бидъатдир. Биронта саҳоба қабр олдида туриб ўзининг ҳаққига дуо қилмаган», деди.² Демак, қабр олдида дуо қилинмаслиги керак экан!

(1) «Фатаво», 26/22.

(2) «Фатаво», 26/22.

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИ (МАРТАБАЛАРИНИ) ЎРТАГА ҚЎЙИБ ДУО ҚИЛИШ ҲУКМИ

Набий алайҳиссаломнинг мартабаларини васила қилиб дуо қилишга келсак, масалан, «Эй Аллоҳим, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мартабалари ила мени шафоат қил», дейиш ёхуд «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги билан. Ёки шаҳодат калимасининг ҳаққи ила. Ёки Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаққи ила» деб дуо қилиш жоиз эмас. Чунки бундай дуо қилиш шариатда келмаган.

Шариат келтирган дуо билан чекланиш ҳамда пайғамбарларнинг дуоларига эргашиш вожибдир. Аллоҳ таоло Ўзининг китобида пайғамбарларнинг дуоларини келтирган, масалан, Нух алайҳиссаломнинг дуолари:

﴿ رَبِّ اغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِمَنْ دَخَلَ بَيْتِيَ مُؤْمِنًا وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَلَا تَزِدِ

الظَّالِمِينَ إِلَّا نَارًا ﴾ (28)

«Эй Роббим, мени, ота-онамни, уйимга мўмин ҳолда кирган ҳар бир кишини ва Ўзингга иймон келтирган мўмину мўминаларни мағфират қил! Кофирларга дунё охирадда ҳалокат ва зиённи зиёда қил!» (Нух сураси, 28-оят).

Иброҳим алайҳиссаломнинг дуолари:

﴿ رَبِّ اجْعَلْنِي مُقِيمَ الصَّلَاةِ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي رَبَّنَا وَتَقَبَّلْ دُعَاءِ ﴾

«Парвардигоро, дуоимни қабул айла» (Иброҳим сураси, 40-оят).

Айюб алайҳиссаломнинг дуолари:

﴿ أَيُّهَا الْمَلِكُ الْعَلِيُّ أَنْتَ أَرْحَمُ الرَّحِيمِينَ ﴾

«(Парвардигорим), мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафқат қилгувчиларнинг раҳмлироғидирсан» (Анбиё су-раси, 83-оят).

Уларнинг бирортаси кимнидир ҳақи ила дуо-илтижо қилмаса-да, Аллоҳ уларнинг дуосини қабул қилди.

НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ВАФОТЛАРИДАН СЎНГ У ЗОТДАН БИРОН НАРСА СЎРАШ ЖОИЗМИ?

Аллоҳ таоло Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам бошқа инсонлар каби банда ўлароқ яратиб, вафот эттирган. У зотдан ғам-қайғуни кетказиш ёки дардга шифо бериш каби нарсаларни сўраш қатга ширк амаллардан. Ширк амалини қилувчининг бошқа солиҳ амаллари пучга чиқиб кетади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكْتَ لِيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ﴾

«Дарҳақиқат, сизга ва сиздан олдин ўтганларга (пайгамбарларга) ҳам: «Агар Аллоҳга ширк келтирсанг, албатта, амалинг беҳуда кетур ва албатта, зиёнкорлардан бўлурсан!» — деб ваҳий қилинган» (Зумар сураси, 65-оят).

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирон ҳожатини сўраш жоиз эмас. Чунки булар Аллоҳга ширк келтиришдир.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тирик, қодир Зотдир. У Зот ҳожатларни раво қилади, дуоларни қабул қилади, кийинчиликларни кетказди. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿وَإِنْ يَمَسُّكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِلَيْهِ يَرْجِعُ الْبَأْسُ فَلَا رَدَّ لِفَضْلِهِ يُصِيبُ بِهِ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَهُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ﴾

«Агар Аллоҳ сизни зарар ила тутса, уни фақат Ўзигина кетказа олур. Агар сизга бирон яхшилик (етказишни) ирода қилса, Унинг фазлини қайтара олгувчи ҳам йўқдир. У Ўзи хоҳлаган бандаларига яхшилик етказур. У мағфират қилгувчи ва раҳимли Зотдир» (Юнус сураси, 107-оят).

Барча эҳтиёжлар ягона Аллоҳ таолодан сўралади, Аллоҳ

таоло айтади:

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ
فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалоту вассалом), агар бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, Мен албатта уларга яқинман. Дуо қилувчи дуо қилганда ижобат қиламан. Бас, Менга ҳам (даъватимга) ижобат қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар»
(Бақара сураси, 186-оят).

**НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ
ҚАБРЛАРИДА ФОТИҲА СУРАСИНИ
ҚИРОАТ ҚИЛИШ ҲУКМИ**

Набий алайҳиссаломнинг қабрларида Фотиҳа ва бошқа сураларни қироат қилиш жоиз эмас. Биронта саҳоба бундай қилмаган. Ибн Қудома раҳимаҳуллоҳ айтади: «Имом Аҳмад: Қабр олдида қироат қилиш бидъатдир», дегани ривоят келинади».¹

Чунки қабр Қуръон қироат қилинадиган, зикр қилинадиган ёки намоз ўқиладиган жой эмас, у ерни масжид қилиб олинмайди.

(1) «Муғний», 2/355.

**НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ
ҚАБРИ ОЛДИДА УЗОҚ ТУРИБ
ҚОЛИШ ҲУКМИ**

Набий алайҳиссаломнинг ёки икки буюк саҳобанинг қабри олдида узоқ туриб қолиш мумкин эмас, чунки бунда ғулувга кетиш сабаблари мавжуд. Шайхулислам Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрлари олдида салом ва салавот айтиб кўп туришни Имом Молик карих санаган ва «Бу бидъатдир, салафлар уни қилмаган» — деган».¹

(1) «Фатаво», 27/384.

**НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ
ҚАБРЛАРИГА САЛОМ БЕРИШ УЧУН
ҚАЙТА-ҚАЙТА ҚАТНАШНИНГ ҲУКМИ**

Бирорта саҳоба Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом бериш учун қабрларига қайта-қайта қатнамаган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Қабримни байрам ўтказиладиган жой қилиб олманглар**» (Аҳмад ривояти). Мусулмонлар у зотнинг қабрларига бориб юрмасдан, бошқа ерларда ҳам салавот-саломлар айтишса, етиб бориши айтилган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Менга салавот айтинг, дарҳақиқат, қаерда бўлсангиз ҳам саломингиз менга етиб келади**» (Абу Довуд ривояти).



УЗОҚДАН ҚАБРГА ЮЗЛАНИШНИНГ ҲУКМИ



Баъзи инсонлар Масжиди Набавийнинг ҳовлисида бўладими ёки ичкарасидами қабрдан узоқда бўлишига қарамай бошини эгиб туради, баъзилар намоз ўқувчи каби қўлини кўкрак қисмига қўяди, бу жоиз эмас. Чунки бўйин эгиш фақат Аллоҳ учундир. Бундай сифат биронта саҳоба ва тобеинлардан ворид бўлмаган. Тўғри Аллоҳ таоло Набий алайҳиссаломга салавот айтишга буюрган:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва саломлар айтинглар!» (Аҳзоб сураси, 56-оят).

Лекин Аллоҳ таоло қабрга юзланиш ёки қўлларни кўкракка қўйишга буюрмади.

**НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ
ҚАБРЛАРИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА
ВОРИД БЎЛГАН ЗАИФ ҲАДИСЛАР**

Ҳаждан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини зиёрат қилиш ёки у зотнинг вафотларидан кейин у ерни зиёрат қилиш афзаллиги ҳақида келган ҳадислар, саҳиҳ ривоят билан ворид бўлмаган, масалан:

1. «Ким ҳаж қилса ва мени зиёрат қилмаса, мендан юз ўгирибди».
2. «Ким қабримни зиёрат қилса, унга шафоатим вожиб бўлибди».
3. «Кимки мўл-кўллик топиб, менинг олдимга келмаса, мендан юз ўгирибди».

«Ким мени вафотимдан кейин зиёрат қилса, тирикликда зиёрат қилган кабидир. Ким мени вафотимдан кейин зиёрат қилса, шафоатим у учун вожиб бўлибди».

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «У зотнинг қабрларини зиёрат қилиш ҳақида келган барча ҳадислар заифдир, ҳужжат қилишга яроқсиз».¹

(1) «Фатаво», 1/234.



ҚУБО МАСЖИДИ



ҚУБО МАСЖИДИ



Унинг асли исми (بئر) «кудук» бўлиб, қишлоқ шу исм билан танилган. Масжиди Набавийнинг жануб тарафидан уч километр узоқликда жойлашган, ҳозирда Мадина ҳудудида киритилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат мобайнида Мадинага етиб боришига оз қолганда Қубода тўхтадилар ва у ерда масжид бино қилдилар. Масжид аввал бошданок тақво асосида қурилди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿لَمَسْجِدٍ أُسِّسَ عَلَى التَّقْوَىٰ مِنْ أَوَّلِ يَوْمٍ﴾

«Албатта, биринчи кундан тақво асосида қурилган масжидда турмоқлигинг ҳақдир» (Тавба сураси, 108-оят).

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Бу оят Қубо масжиди сабабли нозил бўлди. Лекин ҳукм уни ҳам, Мадинанинг бошқа масжидларини ҳам ўз ичига олади».¹

Аллоҳ таоло Қубо масжидининг аҳли хақида шундай дейди:

﴿فِيهِ رِجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَتَّخِذُوا﴾

«Унда покланишни севадиган кишилар бор» (Тавба сураси, 108-оят).

Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижратни давом эттирдилар. Бани Салим қабиласига жума куни кириб келиб, у ерда жума намозини ўқидилар. Сўнг Мадинага қараб йўл олдилар ва у ерда ҳам масжид қурдилар.

(1) «Минҳаж ас-сунна ан-набавий», 7/47.



ҚУБО МАСЖИДИДА ЎҚИЛГАН НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ



Мадина аҳлига ва у ерни зиёрат қилувчиларга Қубо масжидида намоз ўқиш суннат. Ибн Умар розияллоху анҳумо айтади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Қубо масжидига хоҳ пиёда, хоҳ уловда бўлсин, ҳар шанба борар эдилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Агар зиёратчи шанба куни келишга қодир бўлса, афзалдир. Агар қодир бўлмаса, хоҳлаган кунда бораверади. Тақиқланган вақтлардан бошқа вақтларда намоз ўқиб, зиёрат қилаверади.

Уйида ёки турар жойида таҳорат олиб чиқиши афзал. Чунки Набий соллalloҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Ким уйида таҳорат олиб, Қубо масжидига келса ва у ерда намоз ўқиса, умрага берилган ажр берилади**» (Ибн Можа ривояти).



**ҚАБРЛАРНИ ЗИЁРАТ
ҚИЛИШ**



ҚАБРЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШНИНГ ҲИҚМАТЛАРИ



1. Ўлимни эслаш. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Қабрларни зиёрат қилинглар, чунки бу ўлимни эслатади**» (Муслим ривояти).

2. Муслмон маййитларнинг ҳақларига мағфират ва раҳмат сўраб, дуо қилиши жоиз, чунки бу дунёдан шитганлар қилинган дуодан манфаатланади. Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бақиъ қабристонини зиёрат қилсалар, у ердагиларнинг ҳаққига дуо қилар эдилар. Маййитлар ҳақига дуо қилинади, лекин улардан бирон нарса сўралмайди.



ҚАБРЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ТУРЛАРИ



Қабрларни зиёрат қилиш икки қисмга бўлинади: шаръий ва ношаръий.

❖ **Биринчи қисм: шаръий зиёрат.**

Шариатга мувофиқ бажарилади. Ушбу зиёрат билан зиёратчи ўлимни, охиратни ва унга тайёргарлик кўришни эслайди. Зиёрат қилинган маййит эса унинг дуоси ила манфаатланади.

Қабристонга кирганда суннатда келган дуони ўқийди. Бурайда розияллоҳу анҳу шундай дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар қабристонга боришса, уларга:

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ الدِّيَارِ، مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ، وَإِنَّا إِن شَاءَ اللَّهُ
بِكُمْ لَأَحِقُّونَ، أَسْأَلُ اللَّهَ لَنَا وَلَكُمْ الْعَافِيَةَ

«Ассаламу алайкум, аҳла дияри минал муъминийн вал муслимийн! Ва иннаа иншааллоҳу бикум лааҳикуун, асалуллоҳа ланаа ва лакумул-афийя», деб дуо қилишни ўргатар эдилар (Маъноси: «Ассалому алайкум эй мўмин-муслмонлардан иборат бўлган бу диёр аҳли! Бизлар ҳам иншаоллоҳ сизлар ортларингиздан бир кун бу ерга келишимиз бор. Аллоҳ таолодан ўзимиз учун, сизлар учун ҳам офият тилайман») (Муслим ривояти).

Ўликларнинг ҳаққига раҳмат ва мағфират сўраб дуо қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир.

❖ Иккинчи қисм: шаръий бўлмаган зиёрат.

Шаръий бўлмаган кўринишдаги зиёрат иккига бўлинади:

Биринчиси: ширкий зиёрат. Бунда зиёратчи ўликлардан ҳожатини ўтаб беришини ёки ғамларини кетказишни сўрайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يُولِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَيُؤَلِّجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ كُلٌّ يَجْرِي لِأَجَلٍ مُّسَمًّى ذَلِكُمُ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ الْمُلْكُ وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ مَا يَمْلِكُونَ مِنْ قِطْمِيرٍ ﴿١٣﴾ إِنَّ تَدْعُوهُمْ لَا يَسْمَعُوا دُعَاءَكُمْ وَلَوْ سَمِعُوا مَا اسْتَجَابُوا لَكُمْ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكْفُرُونَ بِشِرْكِكُمْ وَلَا يُنَبِّئُكَ مِثْلُ خَيْرٍ﴾

«(Аллоҳ) кечани кундузга, кундузни кечага киритур, кўёш ва ойни беминнат хизматкор қилиб қўйгандир. Ҳар бири муайян муддатгача (яъни Қиёмат кунигача ўз фазосида) жорий бўлур. Ана шу Аллоҳ сизларнинг Парвардигорингиздирки, (барча оламларга) подшоҳлик ёлғиз Уникидир. (Эй мушириклар), сизлар У Зотни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз эса, данак пўстлогига ҳам молик эмаслар. Агар уларга дуо қилсангиз, дуоингизни эшитмаслар. Агар эшитсалар-да, сизга жавоб қила олмаслар ва Қиёмат кунда уларни (Аллоҳга) шерик қилиб олганларингизни инкор қилурлар. Ўта хабардор Зотдек ҳеч ким сизга хабар бера олмас» (Фотир сураси, 13, 14-оят).

Бундай зиёрат маййит агар солиҳлардан бўлса, унга озор беради, дуодан манфаатланмайди. Чунки зиёратчи унга мағфират ва раҳмат сўраб дуо қилмади. Маййитнинг ўзи дуога муҳтож. Зиёратчининг ўзи ҳам бу зиёратидан зарарланади, чунки у билиб-билмай қатта ширкни қилиб қўйган бўлади.

Иккинчиси: бидъат бўлган зиёрат. Аллоҳга қабр устида туриб дуо қилиш ёки маййитларнинг номини ўртага қўйиб, Аллоҳдан бирор нарса сўраш каби. Чунки бу кўринишдаги зиёрат ҳақида Қуръон ва Суннатда далил келмаган.

Шайх Абдулазиз ибн Боз раҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар уларнинг қабр зиёратидан бўлган мақсадлари қабр тепасида дуо қилиш ёки қабр ёнида қолиш ёки маййитлардан ҳожатларини сўраш ёки дардига шифо сўраш ёки Аллоҳдан уларнинг номини ва маконини васила қилиб сўраш бўлса, албатта бу зиёрат мункар бидъатдир. Аллоҳнинг Расули ҳам, салафлар ҳам бундай қилишмаган. Аксинча, бу Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтарган беҳуда сўзлардир, у зот: **«Қабрларни зиёрат қилинглари, беҳуда сўзларни гапирманглари»,** деганлар».¹

(1) «Таҳқиқ вал изох», 106-бет.



АЁЛЛАР ҚАБРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШИНИНГ ҲУКМИ



Эркаклар учун қабрни зиёрат қилиш мустаҳаб амал, аммо аёллар зиёрат қилишдан қайтарилган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларни қайта-қайта зиёрат қилувчи аёлларни лаънатладилар» (Термизий ривояти).

Бунинг сабаби аёллар кўз ёшини тутиб туrolмаслиги ва қабрни кўрганда қаттиқ бакириб, йиғлаб дод-вой солиши ва яна қолган ҳикматларини Аллоҳ билгувчидир.



ҚАБРЛАР УСТИГА АТИРГУЛ ҚЎЙИШ ВА ДОНЛАР СЕПИБ ҚЎЙИШ



Қабрлар устига қушлар учун донлар сепиб қўйиш жоиз эмас. Бу шаръий бўлмаган ҳолда қабрларни улуғлашдир. Ким қушларга дон беришни хоҳласа, қабрлардан узоқроқда бераверсин.

Худди шундай қабрларнинг устига атиргул қўйиш ҳам жоиз эмас. Чунки булар қабрларга ғулув кетишдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Динда ғулув кетишдан огоҳ бўлинглар!**» (Насоий ривояти).

Ўликлар қўйилган гуллар ила манфаатланмайди, балки мағфират ва раҳмат сўраб дуо қилинса, манфаатланади.



БАҚИЪ



БАҚИЪ ҚАБРИСТОНИ



Мадина ташқарисида, Масжиди Набавийнинг шарқий қисмида жойлашган. Олдин у ерда Ғарқад (яхудийларни яширувчи) дарахти бўлган. Унинг яна бир номи: «Бақиъ-ул-Ғарқад».

• Бақиъ қабристонини зиёрат қилиш

Бақиъ қабристонини зиёрат қилиш бошқа қабристонларни зиёрат қилиш каби мустаҳаб амалдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бақиъни зиёрат қилиб турар эдилар. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар сафар менинг навбатим бўлганда туннинг охириги қисмида Бақиъга чиқардилар» (Муслим ривояти).

• Бақиъда биронта саҳобанинг қабри қаерда жойлашгани маълумми?

Саҳоба ва тобеинларнинг баъзилари Бақиъга дафн қилинган, аммо аксар саҳобалар динни тарқатиш учун ер юзига тарқалишгани сабабли Бақиъга кўмилишмаган. Саҳоба, тобеинлар ва уларга эргашганларнинг даври биздан анча аввал бўлгани учун қайси қабр кимга оид экани номаълумдир.

БАҚИЪГА КЎМИЛИШНИНГ ФАЗИЛАТИ БОРМИ?

Муайян замон ёки маконнинг фазилати далилга муҳтож бўлади, буни фақатгина шаръий далил билан изоҳлаш керак.

У ерда дафн қилинишнинг хос фазилати йўқ, бу борада саҳиҳ далил келмаган, бироқ заиф ёки мавзу ҳадис ворид бўлган.

Бунинг баёни қуйидагича:

❖ **Биринчиси: Келган далиллар Бақиъга кўмилишнинг фазилатига далолат қилмайди:**

1. Мадинанинг умумий афзаллиги борасида далиллар мавжуд, лекин Бақиъга дафн қилинишнинг фазилати борасида махсус далил келмаган, ким унга бу фазилатни хосласа, далил келтириши лозим.

2. «Сизлардан бирингиз Мадинада вафот этишга қодир бўлса, у ерда вафот этсин. Чунки мен уни шафоат қиламан ёки унга гувоҳ бўламан» (Насоий ривояти). Бу ҳадисда Бақиъга кўмилишнинг фазилати зикр қилинмади, балки Мадинада вафот этишнинг фазилати зикр қилинди.

3. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бақиъ аҳлини зиёрат қилишлари гўёки Уҳудда вафот этган шаҳидларни зиёрат қилишлари ёки оналарининг қабрини зиёрат қилишлари ёхуд бошқа қабрларни зиёрат қилишларига ўхшашдир. Фақат Уҳуд қабристониде кўмилишнинг фазилати мавжуд.

4. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар сафар менинг набатим бўлганда туннинг охирида Бақиъга чиқиб:

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ دَارَ قَوْمٍ مُؤْمِنِينَ وَأَتَاكُمْ مَا تُوْعَدُونَ غَدًا مُؤَجَّلُونَ

وَأَنَا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لِأَحِقُّونَ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِأَهْلِ بَقِيعِ الْغَرْقَدِ

«Ассаламу алайкум дааро қовмим-мўмининин ва атакум маа тууъадууна ғодан, муъажжалуун. Ва иннаа иншааллоху бикум лааҳиқуун. Аллоҳумма иғфир лиаҳли бақиъил-ғардақ» (Маъноси: «Ассалому алайкум, мўмин қавмининг диёри! Сизларга эртага деб ваъда қилинган нарса (Аллоҳ ҳузураридаги учрашув) эртага (қиёматгача) кечиктириласизлар. Биз ҳам, Аллоҳ хоҳласа, сизларга етишамиз. Аллоҳим, Бақиъул-ғардақ аҳлини мағфират қил!»), деб айтар эдилар» (Муслим ривояти).

У зотнинг Бақиъга қилган дуолари ўша вақтда дафн қилинганлар учун хосдир: «Биз ҳам, Аллоҳ хоҳласа, сизларга етишамиз». Зеро, у зот кейингиларнинг эмас, ўзларидан олдингиларнинг ортидан боришни ишора қилдилар.

5. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам менга дедилар: «**Жаброил менинг олдимга келиб айтдики, Роббинг сенга Бақиъ аҳлига бориб, улар учун мағфират сўрашингни буюрмоқда**». Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен (қабристонга борсам) уларга нима дейман?» — дедим. У зот:

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ الدِّيَارِ، مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ، وَأَنَا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لِأَحِقُّونَ، أَسْأَلُ اللَّهَ لَنَا وَلَكُمْ الْعَافِيَةَ

«Ассаламу алайкум аҳлид-дийаари минал мўмуминийна вал-муслимийн. Ва инааа иншааллоху бикум лалааҳиқуун. Асалуллоҳа ланаа валакум ъафийя» дегин», — дедилар» (Муслим ривояти).

Дуонинг маъноси: «Мўмин-мусулмонлар диёри аҳлига салом бўлсин! Иншааллох, албатта, биз ҳам сизларнинг ортингиздан етиб борамиз. Аллоҳ таолодан бизга ва сизга офият беришини сўраймиз!».

Бу ҳадис икки қисмдан ташкил топган:

1. «Роббинг сени Бақиъ аҳлига бориб, улар учун мағ-

фират сўрашингни буюрмоқда» дейишдан мақсад Бақиъга дафн қилинганлар ирода қилинган. Ким Бақиъга у зотнинг зиёрати чоғида дафн қилинмаган бўлса, у ернинг аҳлидан ҳисобланмайди ва бу истиғфорга эга бўлмайди.

2. **«Мўмин-мусулмонлар диёри аҳлига салом бўлсин! Аллоҳ аввалгиларимизга ва кейингиларимизга раҳм қилсин! Иншааллоҳ, албатта, биз ҳам сизларнинг ортингиздан етиб борамиз».** Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейишни Оиша онамизга ўргатдилар. Бу мусулмонлар барча қабристонни зиёрат қилишда айтиладиган умумий дуодир, яъни фақат Бақиъга хос эмас. Ким қабристонни зиёрат қилиб, шундай деса, мусулмонларнинг ўликларини, тирикларини дуо қилган бўлади. Лекин ҳали дунёга келмаганлар бунга кирмайди.

Демак, ушбу дуо фақатгина Бақиъ аҳлига хосланмаган, балки барча мусулмонларнинг қабрларини зиёрат қилиш вақтида айтилади. Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу дуони қабрни зиёрат қилиш чоғида айтиш мустаҳабдир».¹ Шу сабабли имомлар бу ҳақда алоҳида боб ажратишган. Абдурраззоқ мусоннафотида: «Қабр зиёрат қилиш ҳақидаги боб», Байҳақий раҳимаҳуллоҳ «Сунани Кубро»да «Қабристонга кирганда айтиладиган дуо боби» деб алоҳида бобга ажратган. Нававий «Саҳиҳи Муслим»нинг шарҳида бу масалани «Қабристонга кирганда айтиладиган ва унинг аҳлига қилинадиган дуо ҳақидаги боб» деб атаган.

Ушбу дуони салафлар ҳам айтишган, Ҳилал ибн Хаббаб раҳимаҳуллоҳ айтади: «Маккага кетувчи жангчиларга ҳамроҳ бўлиб бордим, қабристондан ўтсак, «Мўмин-мусулмонлар диёри аҳлига салом бўлсин! Аллоҳ аввалгиларимизга ва кейингиларимизга раҳм қилсин! Иншааллоҳ, албатта, биз ҳам сизларнинг ортингиздан етиб борамиз», — деб айтар эдик».²

(1) «Саҳиҳи Муслим» шарҳи, 4/1259.

(2) «Ҳилятул авлиё ва тобақотул асфиё», 3/286.

6. Саҳобаларнинг баъзилари Бақиъда кўмилгани ҳақида келган ҳадис у ерга кўмилиш афзаллигига далолат қилмайди. Зеро, Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул каби мунофиқлар ҳам Бақиъга кўмилган. Ер биронтасини муқаддас қила олмайди. Салмон Форсий розияллоҳу анҳу айтади: «Ер бирон кишини муқаддас қилмайди, балки инсонни амали муқаддас қилади».¹

Машҳур саҳобалар, хусусан, хулафои рошидинлар ҳам у ерга дафн этилмаган. Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумолар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига дафн этилган. Усмон розияллоҳу анҳу Бақиъдан ташқарига Мадинага дафн этилган. Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Усмоннинг кўмилган ерида хилоф йўқ, у Бақиънинг шарқий тарафдаги «Кавкаб» боғига кўмилган».² Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Кўфада кўмилган.

❖ Иккинчиси: саҳиҳ бўлмаган заиф ва мавзу ҳадислар:

1. Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларини дафн қилиш учун қабристон изладилар, сўнг Мадина ва унга яқин ерларни қасд қилдилар ва: **«Шу жойни (яъни Бақиъни мақбара) қилишга буюрилдим»**, дедилар (Ҳоким ривояти). Имом Заҳабий «Иснодида заифлик бор», деди.³ Ибн Мулаққин: «Санадида Воқидий деган шахс бор, унинг ҳолати маъруфдир (сўзи олинмайди) ҳамда Абу Бакр ибн Абдуллоҳ Мадийний бор, у эса яроқсиздир», деди.⁴

2. **«Етмиш минг киши Бақиъдан ой тўлган кечадаги тўлин ой суратида тирилади»** (Тобароний ривояти). Хай-

(1) «Муватто», 2/769.

(2) «Ал-Бидая ван-нихоя», 10/324.

(3) «Талхис мустадрок», 3/209.

(4) «Бадрул мунир», 5/326.

самий айтади: «Санадида мен танимайдиган киши бор».¹ Шайх Албоний раҳимахуллоҳ айтади: «Бу мункар ҳадисдир».²

3. «(Қиёмат куни) **биринчи бўлиб ер ёрилиб мен чиқаман, сўнг Абу Бакр, сўнг Умар, кейин мен Бақиъ аҳлига бораман ва мен билан бирга ҳашр қилинадилар, сўнгра Макка аҳлини кутаман...**» (Термизий ривояти). Ибн Жавзий раҳимахуллоҳ айтади: «Бу ҳадис саҳиҳ эмас, санадида (Абдуллоҳ ибн Нофеъ) бор». Яҳё ибн Маъаин айтади: «Унинг гапи эътиборга олинмайди». Али айтади: «У мункар ҳадисларни ривоят қилади». Насоий айтади: «Ҳадиси олинмайди». Ва яна санадида Осим ибн Умар бор, уни Аҳмад ва Яҳё заиф киши деб ҳисоблаган. Ибн Ҳиббон айтади: «Ундан ҳужжат келтириш жоиз эмас».

4. «**Ҳажун (Маккадаги қабристон) ва Бақиъ (Мадинадаги қабристон) иккиси олинади ва жаннатга сочилади**». Ажлуний айтади: «Асли йўқ ҳадис».³ Шавканий раҳимахуллоҳ «Тўқима ҳадислар»да келтирган.⁴

5. «**Албатта, мен Бақиъ аҳлига жаноза намози ўқиш учун юборилдим**». Шайх Албоний раҳимахуллоҳ: «Исноди заиф», дейди. Маъноси: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жаноза намози ўқилмаган саҳобаларга дуо ва жаноза ўқишларидир. Ибн Абдулбарр айтади: «Менимча, бу сўз умумий қилиб айтилган бўлса ҳам, аслида хос инсон учун айтилган».⁵

(1) «Мажмуъуз-заваид ва манбаъул фаваид», 4/12.

(2) «Силсилату аз-заиф», 5491-рақам.

(3) «Кашфул хофа ва мазийлул албас», 1/104.

(4) «Фаваидул мажмуъа фил аҳадисил мавзуъа», 1/113.

(5) «Истизкор», 3/121.

❖ **Учинчиси: бу хужжатларга яна қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин:**

1. Мадинада 10 дан кўп қабристон мавжуд. Агар аввалгилар Бақиъга кўмилишни афзал деб билганларида бунга ҳаракат қилган бўлардилар. Бу эса, Бақиъ ва Мадинанинг бошқа қабристонлари тенг эканлигига далолат қилади, уларнинг бирортасида хос фазилат йўқ.

2. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд жангида шаҳид бўлганларни Уҳуд тоғи яқинига дафн қилдилар. Улар ичида амакилари Ҳамза розияллоҳу анҳу ҳам бор эди, агар Бақиъга кўмиш афзал бўлганида у ерга олиб боришар эди.

3. Агар Бақиъга кўмиш Мадинанинг афзаллигидан келиб чиққан бўлса, демак, Мадинанинг ерлари ва у ердаги барча қабристонлар ҳам бу фазилатга шерик бўларди.

4. Салафлар, тобеъинлар, улардан кейингилар Бақиъга кўмилишни бошқа қабристонга кўмилишдан афзал деб билишмаган. Имом Молик ва Шофеъий, Урва ибн Зубайр (катта тобеъин ва Мадинанинг етти фақиҳларидан бири)дан ривоят қилинади: «Бақиъга дафн қилинишни хуш кўрмайман, менга ундан бошқасига кўмиш у ерга кўмилишдан яхшироқ. Чунки у ерда икки тоифа маййит бор, агар золим бўлса, унга қўшни бўлишни ёқтирмайман, агар солиҳ бўлса, суяклари устига қўйилишни хуш кўрмайман».¹

Юқоридагилардан маълум бўлдики, Бақиъга кўмилишнинг афзаллиги йўқ экан. Лекин у ер ўликларга салом берувчилар ва уларнинг хақида дуо қилувчилар кўплиги билан ажралиб туради.

(1) «Муватто», 2/326. «Ал-ум», 1/316.



МАДИНАДА КЎМИЛИШНИНГ ФАЗИЛАТИ БОРМИ?



Мадинада вафот этишнинг афзаллиги бор, лекин у ерда кўмилишнинг афзаллиги йўқ. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Сизлардан ким Мадинада вафот этишга қодир бўлса, у ерда вафот этсин. (Қиёмат куни) мен унга шафотатчи ёки гувоҳ бўламан», дедилар (Насоий ривояти).

Ким Мадина ташқарисида вафот этиб, Мадинага кўмилса, ушбу фазилатга эришмайди.



УХУД



УХУД ШАҲИДЛАРИНИНГ ҚАБРИСТОНИ



Бу Уҳуд жангида шаҳид бўлган саҳобаларнинг қабристонидир. У Уҳуд тоғининг ёнида жойлашган. Уҳуд тоғи эса Масжиди Набавийнинг шимол тарафидан уч километр узоқликда жойлашган.

Саҳобалар ушбу жангда мардонавор жанг қилишди ва етмишта саҳоба шаҳид бўлди, улар орасида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Ҳамза, Мусъаб ибн Умайр ва Жобир ибн Абдуллоҳнинг отаси Абдуллоҳ ибн Ҳаром бор эди. Набий алайҳиссалом вафотларидан аввал уларни видолашгандек зиёрат қилдилар ва ҳақларига дуо қилдилар.

Кўп асрлар ўтганлиги боис кимнинг қабри қайси эканини билиб бўлмайди.



САҲОБАЛАР



САҲОБАЛАРНИНГ ФАЗИЛАТИ



Саҳобалар ўзларидан аввалгилару кейингилардан солиҳ амалларда ўзиб кетишган. Аллоҳ таоло уларга жаннатнинг башоратини берган:

﴿السَّمَاءُ وَمَا يُعْرَجُ فِيهَا﴾

«Аллоҳ барча яхшиликни ваъда қилган» (Ҳадид сура-си, 10-оят).

У Зот улардан рози бўлганини хабар қилди:

﴿وَالسَّابِقُونَ الْأَوَّلُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ﴾

«Биринчи пешқадам муҳожирлар ва ансорийлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Уларга остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Уларда абадий қолурлар. Ана ўша улкан ютуқдир» (Тавба сура-си, 100-оят).

Уларнинг қалбларидаги иймон тоғдан ҳам улкан бўлиб, кечаларни таҳажжуд ва Қуръон тиловати билан ўтказар эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Мен ашъарийлар жамоасининг манзилени кечқурунлари Қуръон (ўқиган овози)дан таниб оламан» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Улар кўп намоз ўқишгани боис иймон нури юзларида зоҳир бўлди:

﴿سَيَمَاهُمْ فِي وُجُوهِهِمْ مِّنْ أَثَرِ السُّجُودِ﴾

«Уларнинг юзларида сажда изидан (қолган) белги-аломатлари бордир» (Фатҳ сураси, 29-оят).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Қиёматгача келадиган Аллоҳга иймон келтирган ҳар бир мўминнинг устида саҳобаларнинг фазилати бор. Мусулмонларга етган ҳар бир яхшилик саҳобаларнинг баракали амаллари туфайлидир».¹

Уларнинг фазилатларини эслаш вожиб, яхши кўриш ибодат, ҳурмат қилиш иймондандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Ансорларни фақат мўмин яхши кўради, фақат мунофиқ ёмон кўради. Ким уларни яхши кўрса, Аллоҳ уни яхши кўради. Ким уларни ёмон кўрса, Аллоҳ уни ёмон кўради»** (Бухорий ривояти).

Саҳобаларни яхши кўриш ва ҳурмат қилиш улар билан бирга ҳашр (қиёмат куни тирилиш) бўлишга сабаб бўлади. «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қиёмат қачон?» дея сўради. У зот: **«Унга нима тайёрлаб қўйдинг?»** — дедилар. У: «Аллоҳ ва Унинг Расулини яхши кўрганимдан бошқа ҳеч нарсани», деди. **«Сен яхши кўрганинг билан биргасан»**, дедилар у зот.

Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Биз бирор нарсага Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Сен яхши кўрганинг билан биргасан»** деган гапларига қувонганчалик қувонмаганмиз. Мен у зотни, Абу Бакр ва Умарни яхши кўраман. Ўзим уларнинг амалларидек амал қилмаган бўлсам ҳам, уларга бўлган муҳаббатим туфайли улар билан бирга бўлишни умид қиламан» (Бухорий ривояти).

(1) «Минҳаж ас-сунна ан-набавий», 6/376.



САҲОБАЛАРНИНГ ҲАҚЛАРИ



Саҳобаларнинг мусулмонлар устида катта ҳақлари бор. Улар қуйидагилар:

1. Уларни яхши кўриш. Аллоҳ таоло уларни яхши кўрди ва уларга жаннатни ваъда қилди:

﴿السَّمَاءُ وَمَا يُعْرَجُ فِيهَا﴾

«Аллоҳ гўзал (оқибат-жаннат) ваъда қилгандир» (Ҳадид сураси, 10-оят).

Ибн Ҳазм раҳимаҳуллоҳ айтади: «Барча саҳобалар, — гарчи Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бир кун ҳамроҳ бўлган бўлса ҳам, — уларнинг бари жаннатдадирлар, бирортаси азобланмайди».¹

2. Уларни рози қилиш ва ҳақларига дуо қилиш. Чунки Аллоҳ таоло улардан рози бўлди:

﴿رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ﴾

«Эй Роббимиз, бизнинг гуноҳларимизни ва биздан олдин иймон билан ўтган диндош биродарларимизнинг гуноҳларини кечиргин» (Ҳашр сураси, 10-оят).

3. Уларга нисбатан қалбларимиз адоват ва нафратдан саломат бўлиши. Улар бу умматнинг яхшиларидир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

«Ва қалбимизда иймон аҳлига нисбатан ҳасад ва нафрат қолдирмагин» (Ҳашр сураси, 10-оят).

(1) «Дурро фийма яжибул эътиқод», 365-бет.

4. Уларни энг яхши ва энг афзал кишилар деб эътиқод қилиш. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: **«Умматимнинг энг яхшиси менинг замондошларимдир. Сўнгра улардан кейин келадиганлар. Сўнгра улардан кейин келадиганлар»** (Бухорий ривояти). Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Уларга ўхшаши бўлмаган ва бўлмайди».¹

5. Уларни сўкмаслик, камситмаслик, ҳақорат қилмаслик лозим. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: **«Саҳобаларимни сўкманглар! Агар сизлардан бирингиз Уҳуд тоғидек олтин садақа қилса ҳам улардан бирининг бир муддига ҳам, унинг ярмига ҳам етмайди»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

6. Фарзандларга уларни яхши кўришни ўргатиш ва ҳаётларидан таълим бериш лозим. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамроҳ бўлишди ва бизга динни етказишди. Имом Молик раҳимаҳуллоҳ айтади: «Салафлар ўз фарзандларига Қуръондан сура ўргатганидек, Абу Бакр ва Умарни яхши кўришни ҳам ўргатишарди».²

(1) «Фатаво», 3/156.

(2) «Шарҳ усул эътиқод аҳли сунна вал жамоа», 7/1313.



**ЗИЁРАТ ҚИЛИБ
БЎЛМАЙДИГАН ЖОЙЛАР**

**МАДИНАДА ИККИ МАСЖИДДАН
ВА ИККИ ҚАБРИСТОНДАН БОШҚА
ЕРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ**

Мадинада зиёрат қилса бўладиган икки масжид бор.

Улар:

1. Масжиди Набавий.
2. Қубо масжиди.

Бу иккисидан бошқалари оддий масжидлар кабидир, ажралиб турадиган ўрни йўқ ва қасд қилиб ҳам борилмайди. Қасд қилиб бориш инсонлар чиқарган бидъат амаллардандир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Ким ушбу ишимизда (динда) унда йўқ нарсани пайдо қилса, у рад қилингандир»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

Имом Муслимнинг ривоятида: **«Ким бизнинг ишимизга мувофиқ бўлмаган амални қилса, рад қилингандир»**, деб келган.

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Мадинада қасд қилиб бориладиган масжид фақатгина Қубо масжиди. Аммо қолган масжидларнинг ҳукми тенг, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қолганларни хос зиёрат қилмаганлар. Шунга кўра Мадина аҳли Қубо масжидидан бошқаларни хослаб зиёрат қилишмаган».¹

Мадинада зиёрат қилиш суннат бўлган икки қабристон мавжуд:

1. Бақиъ қабристони.
2. Уҳуд шаҳидларининг қабристони.

Дарҳақиқат, Набий алайҳиссалом ушбу икки қабристонни зиёрат қилганлар.

(1) «Иктидо сиротил мустақим», 2/344.

Имом Молик раҳимаҳуллоҳ айтади: «Биз фақат ушбу зиёратгоҳларга борамиз: Масжиди Набавий ва Қубо масжиди, Бақиъ қабристонни ва Уҳуд қабристонни. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шу икки масжид ва икки қабристонни зиёрат қилганлар».¹

(1) «Фатаво», 27/381.

ИККИ ҚИБЛА (МАСЖИДУЛ-АҚСО) МАСЖИДИНИНГ БИРОР ФАЗИЛАТИ БОРМИ?

Ақсодаги масжид қиблатайн, яъни «икки қибла масжиди» деб номланади. Чунки қибла Масжидул-Ақсодан Масжидул-Ҳарамга ўзгартирилганда саҳобалар у ерда намоз ўқишаётган эди. Сўнг қиблани шимолий тарафдан жанубий тарафга буришди.

Икки қибла масжиди қибла ўзгариш ўрни экани ҳақида бирор далил келмаган. Самхудий раҳимахуллоҳ айтади: «У бугунги кунда (қайси экани) билиб бўлмайдиган масжидлардан».¹

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу масжидни зиёрат қилганлари ҳақида биронта далил келмаган, ҳамда бирор фазилат ҳам келмаган.

Қибла ўзгариш сабабидан бирор масжид учун алоҳида хусусият берилмайди. Агар хосланганда биринчи бўлиб Масжиди Набавий ва Қубо масжиди хосланар эди, у ерда ҳам икки тарафга қараб намоз адо қилинган.

(1) «Вафаул вафа», 3/46.



ЕТТИ МАСЖИДНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ЖОИЗМИ?



Етти масжид: Мадинанинг шимоли-ғарбий тарафида, Салъа тоғининг орқа қия тарафида жойлашган кичик алоҳида масжидлар.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, уларнинг адади тўртта, одамлар уни еттита дейишади. Бу гапнинг асоси йўқ. Самхудий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Буларнинг барчасини асли борлигини билмайман».¹

Бу масжидларни зиёрат қилиш борасида шаръий далил келмаган, балки бу инсонлар пайдо қилган бидъат амалдир.

(1) «Вафаул вафа», 3/43.



**НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ
МАДИНАИ МУНАВВАРАДА
ҚИЛГАН ЖАНГЛАРИ**





УХУД ЖАНГИ



Мушриклар Бадр жангидаги мағлубият аламига чидолмай мусулмонларга қарши қайта жанг қилишга қарор қилишди ва бунинг учун тўлиқ бир йил тайёргарлик кўришди.

Ҳижратнинг 3 йили шаввол ойида 3 минг кишилик қўшин билан Мадина томон йўл олишди. Мадинанинг шимол тарафидаги Ухуд тоғида тўхташди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам саҳобалари билан уларга қарши чиқдилар. Ухудга олиб борувчи йўлда мунофиқларнинг каттаси Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул жангчиларнинг учдан бир қисми билан ортга қайтиб кетди. Набий алайҳиссалом уларга қаршилик қилмадилар ва етти юз жангчи билан йўлда давом этдилар. Ухудга етиб келгач, тоғга орқа ўгириб жойлашишди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам элликта камончини тоғ устига жойлаштирдилар ва уларга жойларидан силжимасликни буюрдилар.

Икки қўшин бир-бири билан тўқнашди, мушриклар мағлуб бўла бошлаган эди. Буни кўрган камончилардан тахминан қирқтаси ўлжа илинжида жойларини тарк этишди. Сўнг Халид ибн Валид (бу вақтда у мушрик эди) одамлари билан тоғни айланиб ўтиб, қолган камончиларни ўлдириб мусулмонларни орқа томондан қуршовга олди. Мусулмонлар катта талофат кўришди.

Мушриклар Набий алайҳиссаломни ўлдириш учун яқинлашишди, у зотнинг муборак юзларини жароҳатлашди, тишларини синдиришди. Дубулғанинг икки ҳалқаси юзларига кириб кетди ва тош зарбидан ёнбошларига йиқилиб, чуқурга тушиб кетдилар.

Бу ҳодисалар шанба куни юз берди ва уруш ўз ниҳоясига етди. Саҳобалардан 70 киши шаҳид бўлди, мушриклардан 22 таси ҳалок бўлди. Мусулмонлар: «Биздан ўлдирилганлар жаннатда, уларники дўзахдадир», дейишди.



АҲЗОБ ЖАНГИ



Қуръони каримда Аҳзоб жангининг қиссаси келтирилади. Сураинг номи ҳам унинг номидан олинган. Аллоҳ таоло бандаларига берган неъматларини ҳар онда эслаб туришга чақиради:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ جَاءَتْكُمْ جُنُودٌ فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِيحًا وَجُنُودًا
لَمْ تَرَوْهَا وَكَانَ اللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرًا﴾

«Эй мўминлар, сизларга (қарши турли фирқалардан иборат) қўшинлар келган пайтида, Биз уларнинг устига шамол ва сизлар кўрмаган қўшинларни (яъни, фаришталарни) юборганимизни — Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланглар! Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб тургувчи бўлган Зотдир» (Аҳзоб сураси, 9-оят).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сафардан қайтсалар ёки Сафо ва Марвага чиқсалар, мусулмонлар Аллоҳнинг неъматини эслашлари учун **«Аҳзобларни (гуруҳларни) якка ўзи енгган Зот»**, дер эдилар (Муслим ривояти).

Жанг ҳижратнинг бешинчи йили қаҳратон қишда, машаққатли кечада содир бўлди. Мусулмонларга қарши бир қанча гуруҳлар жамланди.

Набий алайҳиссалом улар юриш қилишганини эшитганларида мусулмонларга Мадина атрофидан чуқур қазишга буюрдилар. Саҳобалар совуқ ва очликка қарамай, у зотнинг буйруғига итоат этишди. Жобир розияллоҳу анҳу ўша ҳолатни эслаб шундай дейди: «Биз Хандақ куни чуқур қазитган эдик, қаттиқ ер чиқиб қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб: «Хандақда харсангтош чиқиб қолди», дейишди. У зот: **«Мен ўзим тушаман»**, дедилар-да, ўринларидан турдилар. Очликдан қоринларига тош боғланган эди, биз ҳам уч кундан бери туз

тотмаган эдик. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чўкични олиб, зарб урдилар. Шунда бўлакларга бўлиниб уқаланиб кетди» (Бухорий ривояти).

Ўн минг аскардан иборат аҳзоблар (гуруҳлар) Мадинага юзланишди. Мусулмонлар уч минг кишилик қўшин бўлиб уларга қарши чиқишди. Хандақ улар ва мушриклар орасида эди. Мушриклар мусулмонларни бир ой қамал қилишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга илтижо қилиб: **«Қуръонни нозил қилган, ҳисоб-китоби тез бўлган Аллоҳим! Аҳзобларни (мушрик тўдаларни) Ўзинг тор-мор қил ва уларни ларзага солгин!»** (Бухорий ва Муслим ривояти) деб дуойи бад қилардилар. Сўнг Аллоҳ мушрикларнинг қалбига қўрқув солди ва уларни қаттиқ совуқ шамол билан азоблади, фаришталарини туширди. Улар мушрикларни чўчитиб, қалбларини тилка-пора қилишди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِم رِيحًا وَجُنُودًا لَّمْ تَرَوْهَا﴾

«Биз уларнинг устига шамол ва сизлар кўрмаган қўшинларни (яъни фаришталарни) юборганимизни — Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланглар!» (Аҳзоб сураси, 9-оят).

Сўнг улар қаттиқ мағлубият ва шармандалик билан Мадинадан узоқлашишди.



ЗАМЗАМ СУВИ



ЗАМЗАМ СУВИНИНГ ФАЗИЛАТИ



Саудия Арабистони давлати зиёратчилар учун Маккадан Мадинага замзам сувини ташишни йўлга қўйган. Замзамнинг учта афзаллик жиҳати мавжуд:

1. Замзам баракали сувдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақда шундай дедилар: «**У (замзам) баракалидир**» (Муслим ривояти).

2. Замзам суви худди таом каби фойдалидир. Набий алайҳиссалом айтадилар: «**У (замзам) мазали таомдир**» (Муслим ривояти). Абу Зарр розияллоҳу анҳу айтади: «Ўттиз кун давомида замзам суви ичдим. Менда ундан бошқа егулик йўқ эди. Ҳатто қорним ёрилгудек бўлиб, семириб кетдим. Қорним очганини бирор марта ҳис қилмадим» (Муслим ривояти).

Ибн Қоййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бир киши замзамни бир ой ёки ундан ҳам кўпроқ вақт истеъмол қилиб, оч қолмасдан, одамлар олдида улар каби бемалол юрганини сўзлаб берганига гувоҳ бўлдим. У менга кўпинча бу ҳолат қирқ кунгача давом этганини хабар қилган эди».¹

3. Аллоҳнинг изни билан замзам сувида барча дард учун шифо бор. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақда шундай дедилар: «**У касалликка шифодир**» (Баззор ривояти). Ибн Қоййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Мен ва бошқалар замзам билан даволанишни тажриба қилиб кўрдик, ажойиб натижа берди. У сабабли бир нечта касалликдан даволаниб, Аллоҳнинг изни билан шифо топдим».²

(1) «Задул маод», 4/361.

(2) «Задул маод», 4/361.




ЗАМЗАМ СУВИ БИЛАН ТАҲОРАТ ОЛИШ ЖОИЗМИ?




Замзам суви билан таҳорат олиш, ғусл қилиш, покланиш жоиз. Ибн Қоййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Муборак замзам суви билан таҳорат олиш жоиз. Мубораклиги у билан таҳорат олиш қариҳлигини келтириб чиқармайди. Шунга кўра, замзам суви билан таҳорат олиш макруҳ эмас».¹

(1) «Задул маод», 3/584.



ЗАМЗАМ СУВИНИ МАККАДАН ОЛИБ ЧИҚИШ БИЛАН ФОЙДАСИ ЙЎҚОЛАДИМИ?



Замзам сувининг баракаси боқийдир, хоҳ Маккада бўлсин, хоҳ у ердан ташқарида. Маккадан ташқарига олиб чиқиш билан унинг баракаси кетиб қолмайди. Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Ким замзам сувини ўзи билан олиб кетса, жоиздир. Дарҳақиқат, салафлар ҳам олиб кетишган».¹ Замзам сувини бошқа сувларга аралаштириш ҳам жоиз, чунки иккиси ҳам сувдир.

(1) «Фатаво», 26/154.



**МАККАИ МУҚАРРАМАГА
САФАР ҚИЛИШ**





МАДИНАНИНГ ҚАЕРИДА ЭҲРОМ ЎРАЛАДИ?



Мадина аҳлининг ва у ердан Маккага борувчиларнинг мийқоти (эҳром ўраш жойи) Зулхулайфа бўлиб, у «Абар Али» (Алининг қудуқлари) деб номланади. Масжиди Набавийдан 10 километр узоқликда, ғарб тарафида жойлашган.

Маккаи Мукаррамадан энг узоқ мийқот шудир, тахминан 400 километрга тенг.

Ким Мадинада туриб, ҳаж ёки умра қилишни истаса, фақатгина ушбу мийқотдан эҳром ўраб чиқиши керак. Агар ўрамасдан ўтиб кетса, ортга қайтиб ўрайди. Агар бундай қилмаса, қурбонлик сўйиши вожиб бўлади.



МАДИНА МАСКАНЛАРИДАН БИРИДА ЭҲРОМ ЎРАШ ЖОИЗМИ?



Мадинадаги яшаш жойингизда ғусл олиб, эҳром ўрашингиз жоиз ва мийқотга етиб борсангиз, у ерда эҳромни ният қиласиз, у ерга боргунга қадар йўлда «Лаббайка Аллоҳумма лаббайка» деб борасиз. Ният қилиш ва икки ракат намоз ўқиш учун мийқотда тўхташ шарт қилинмайди.



ҲАЙЗЛИ АЁЛ МИЙҚОТГА ЕТГАНДА ЭҲРОМ ЎРАЙДИМИ?



Ҳайз кўрган аёл бошқа зиёратчилар каби амалларни бажаради, аммо Каъбани тавоф қилмайди, поклангач тавоф қилади.

**УЙГА ҚАЙТИШ ВАҚТИ
ЯҚИНЛАШСА-Ю, АЁЛНИНГ ҲАЙЗИ
ДАВОМ ЭТСА, ТАВОФ ҚИЛАДИМИ?**

Ҳайз кўрган аёлнинг тавофи куйидаги икки кўринишдан чиқмайди:

1. Агар ҳаждаги ифоза тавофи ёки умра тавофи қолса ва уйга қайтиш вақти яқинлашиб қолса, поклангунга қадар Маккада қолиш унга машаққатли бўлса ва бу сафаридан кейин қайтиб келолмаса, бу ҳақда шайх Ибн Боз раҳимаҳуллоҳ айтади: «Тўғри сўз шуки, у аёл эҳтиёт чорасини кўриб ҳаж ниятида тавоф қилади. Буни кўп аҳли илмлар жоиз санашган».¹

2. Агар Вадо тавофи (хайрлашув тавофи) қолиб кетган бўлса, қайтиб кетаверади, ҳечқиси йўқ. Ҳажи саҳиҳ ҳисобланади. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: «Одамларга охириги қиладиган ишлари Байт (тавофи) бўлиши буюрилди. Фақат ҳайз кўрган аёлга енгиллаштирилди» (Бухорий ва Муслим ривояти).

(1) «Фатаво татаъаллақу бил аҳкам ҳаж вал умро», 1/118.



**МАДИНАИ МУНАВВАРАНИНГ
ЗИЁРАТЧИСИ**



МАДИНАДА БАЖАРИЛАДИГАН ВАЗИФА

Аллоҳ таолога комил тарзда ибодат қилиш, ҳаж қилиш, умра қилиш ёки Масжиди Набавийни зиёрат қилиш Аллоҳнинг улкан неъматларидандир. Шу амалларни бекаму кўст бажарган инсон ўз юртига энг гўзал ҳолатда қайтади. Бунинг учун қуйидаги амалларда бардавом бўлиши керак:

1. Аллоҳнинг динида собитқадам бўлиш. Қабр ва мақбара эгаларидан ҳожатларини сўрамаслик. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ فَاسْتَقِيمْ كَمَا أَمَرْتُ ﴾

«Эй Пайгамбар, сиз ва сиз билан бирга тавба қилганлар (Роббингиз) буюрганидек ҳақда устувор бўлинглар» (Худ сураси, 112-оят).

2. Барча ишларда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиш. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا ﴾

«(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳ ва Охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп зикр қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайгамбари (иймон-эътиқоди ва хулқи атвори)да гўзал ибрат бордир» (Ахзоб сураси, 21-оят).

3. Байтуллоҳда фарз намозларини жамоат билан ўқиш. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّاكِعِينَ ﴾

«Намозни тўқис адо этинг, закотни беринг ва руку қилувчилар билан бирга руку қилинг!» (Бақара сураси, 43-оят).

4. Гўзал намуна бўлиш. Байтуллоҳни ҳаж қилган, умра қилган ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини зиёрат қилган инсон ҳар ерда бошқаларга намуна бўлиши керак.

5. Аллоҳнинг Китобини тафаккур қилиб, тиловат қилиш. Дарҳақиқат, у фитналардан сақловчи, яхшиликларга етакловчидир. Ким унга яқинлашса, улкан баракани қўлга киритибди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ كَتَبْنَا إِلَيْكَ مَبْرُوكًا لِيَدَّبُرُواْ آيَاتِنَا وَلِيَتَذَكَّرَ أُولُوْاْ الْأَلْبَابِ ﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалоту вассалом) Биз сенга ноzil қилган Китоб муборакдир. Ақл эгалари унинг оятларини тадаббур қилишлари ва эслатма-ибрат олишлари учундир» (Сод сураси, 29-оят).

Унинг бир ҳарфини ўқиш битта ҳасана (яхшилик), битта ҳасана ўн баробарга тенгдир, ундан ҳам зиёда бўлиб бораверади.

6. Ҳадисларни ва шаръий илмларни ўқиш. Чунки улар Аллоҳнинг Китобини ёритиб берувчи воситадир. Улар сабабли кишининг дунёю охиратдаги даражаси ортиб боради. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُواْ مِنكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُواْ الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ

﴿ خَيْرٌ ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илм берилганларнинг даражаларини кўтарур. Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир» (Мужодала сураси, 11-оят).

Аллоҳ таолодан солиҳ амалларни қабул қилишини ҳамда динда собитқадам қилишини сўраб қоламиз. Пайғамбаримиз Муҳаммадга Аллоҳнинг саломи ва салавати бўлсин!

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	5
МУҚАДДИМА	9
МАДИНАИ МУНАВВАРАГА САФАР	10
Ниятни холис қилиш	11
Риёнинг хатари	14
Мадинаи мунавварани зиёрат қилишни истаган киши қандай ният қилади?	16
Аёл кишининг маҳрамсиз сафар қилмаслиги.....	18
«Набий алайҳиссаломга саломни етказинг» деган сўзнинг ҳукми	20
МАДИНАИ МУНАВВАРАГА ЕТИБ КЕЛИШ	22
Мадинаи мунавварага бориш қандай бахт!	23
Исломдан олдинги Мадина	24
Мадинанинг номлари.....	26
Мадинанинг Набий алайҳиссалом ёқтирмаган номлари.....	28
Набий алайҳиссалом нима учун Мадинага ҳижрат қилдилар?.....	29
Мадинага кираётганда қандай дуо ўқилади?.....	30
Мадина зиёратчисининг одоблари.....	32
Мадина зиёратининг тартиби	33
МАДИНАИ МУНАВВАРАНИНГ ФАЗИЛАТИ	34
Мадинанинг фазли	35
МАСЖИДИ НАБАВИЙ	50
Масжиди Набавийнинг фазилати	51
Масжиди Набавийнинг қурилиши ва тарих давомида унинг кенгайтирилиши	52
Равза.....	54
Меҳроб.....	55
Минбар	56
Масжиди Набавийнинг ёниши.....	58
МАСЖИДИ НАБАВИЙДА ЎҚИЛГАН НАМОЗ	60
Масжиди Набавийга киришда айтиладиган дуо	61
Масжиди Набавийда ўқилган намознинг савоби.....	62


Масжиди Набавийдаги жамоат намози вақтида каерда турган афзал?.....	63
Равзада туриб ўқиган афзалми ёки Имомнинг ортидами?.....	64
Сафларни тўлдиришнинг шаръийлиги.....	65
Намоз ўқиётган кишининг олдидан ўтишнинг ҳукми.....	66
Имомдан олдинда намоз ўқишнинг ҳукми.....	67
Жаноза намозининг фазилати.....	68
Жаноза кўп бўлса, кийротлар ҳам кўпаядими?.....	69
Нафл намози ҳамма вақт ўқиладими?.....	70
Масжиди Набавийда намоздан бошқа яна қандай амал қилса бўлади?.....	71
Масжиди Набавийда қирқ кун кетма-кет фарз намозини ўқиш борасида келган ҳадиснинг асли борми?.....	72
Масжиди Набавийда овоз кўтариш.....	73
Масжиди Набавийдан чиқишда айтиладиган дуо.....	74
Киши ҳаж қилиб, Масжиди Набавийни зиёрат қилмаса, ҳажи ноқис бўладими?.....	75
НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ УЙЛАРИ	76
Набий алайҳиссаломнинг уйлари.....	77
Набий алайҳиссаломнинг аёллари.....	83
ҲУЖРАИ САОДАТ	90
Ҳужраи саодат.....	91
Ҳужраи саодат деворининг узунлиги.....	114
Ташқи тўсиқлар.....	116
Мисли тўсиқ Ҳужраи саодатнинг жойлашиш ўрни.....	119
Набий алайҳиссаломга салом бериш ўрни билан У зотнинг қабрлари орасидаги масофа.....	120
Шимолдаги мис тўсиқ билан Набий алайҳиссаломнинг қабрлари орасидаги масофа.....	122
Ҳужраи саодатга киришнинг имкони борми?.....	124
Ушбу деворлар ва мис тўсиқларнинг ҳикмати.....	125
Уйнинг томи ва гумбаз.....	126
Набий алайҳиссалом ва икки дўстларнинг қабри фақат икки маротаба кўрилган.....	129
Ҳужраи саодатнинг деворини силаш жоизми?.....	130

Табаррук	131
НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ ВА САҲОБАЛАР	
ҚАБРЛАРИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ	134
Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом	135
Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу	138
Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу	140
Набий алайҳиссалом ва икки буюк саҳобанинг қабри	142
Набий алайҳиссалом масжиднинг ичига дафн қилинганларми?	143
Набий алайҳиссалом ва икки буюк саҳобанинг қабрларини зиёрат қилиш тартиби	146
Набий алайҳиссалом қабрлари олдида (Аллоҳга) дуо қилинадими?	148
Набий алайҳиссаломни (мартабаларини) ўртага қўйиб дуо қилиш ҳукми.....	149
Набий алайҳиссаломнинг вафотларидан сўнг У зотдан бирор нарса сўраш жоизми?.....	151
Набий алайҳиссаломнинг қабрларида фотиҳа сурасини қироат қилиш ҳукми.....	153
Набий алайҳиссаломнинг қабри олдида узоқ туриб қолиш ҳукми.....	154
Набий алайҳиссаломнинг қабрларига салом бериш учун қайта-қайта қатнашнинг ҳукми	155
Узоқдан қабрга юзланишнинг ҳукми	156
Набий алайҳиссаломнинг қабрларини зиёрат қилиш ҳақида ворид бўлган заиф ҳадислар.....	157
ҚУБО МАСЖИДИ	158
Қубо масжиди	159
Қубо масжидида ўқилганнамознинг фазилати.....	160
ҚАБРЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ	162
Қабрларни зиёрат қилишнинг ҳикматлари	163
Қабрларни зиёрат қилиш турлари.....	164
Аёллар қабрларни зиёрат қилишининг ҳукми.....	167
Қабрлар устига атрул қўйиш ва донлар сепиб қўйиш	168

БАҚИЪ	170
Бақиъ қабристонинг	171
Бақиъга кўмилишнинг фазилати борми?	172
Мадинага кўмилишнинг фазилати борми?	178
УҲУД	180
Уҳуд шаҳидларининг қабристонинг	181
САҲОБАЛАР	182
Саҳобаларнинг фазилати	183
Саҳобаларнинг ҳақлари	185
ЗИЁРАТ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИГАН ЖОЙЛАР	188
Мадинада икки масжиддан ва икки қабристондан бошқа ерни зиёрат қилиб бўлмайди	189
Иккинчи қибла (Масжидул-Ақсо) масжидининг бирор фазилати борми?	191
Етти масжидни зиёрат қилиш жоизми?	192
НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ МАДИНАИ МУНАВВАРАДА ҚИЛГАН ЖАНГЛАРИ	194
Уҳуд жанги	195
Аҳзоб жанги	196
ЗАМЗАМ СУВИ	198
Замзам сувининг фазилати	199
Замзам суви билан таҳорат олиш жоизми?	200
Замзам сувини Маккадан олиб чиқиш билан фойдаси йўқоладими?	201
МАККАИ МУКАРРАМАГА САФАР ҚИЛИШ	202
Мадинанинг қаерида эҳром ўралади?	203
Мадина масканларидан бирида эҳром ўраш жоизми?	204
Ҳайзли аёл мийқотга етганда эҳром ўрайдими?	205
Уйга қайтиш вақти яқинлашса-ю, аёлнинг ҳайзи давом этса, тавоф қиладими?	206
МАДИНАИ МУНАВВАРАНИНГ ЗИЁРАТЧИСИ	208
Мадинада бажариладиган вазифа	209

«Толиби илм» нашриёти ва
тарқатиш муассасаси

00966506090448




Уламолар неча-неча асрлардан бери Мадинаи Мунавварага хизмат қилиб келишмоқда. Унинг тарихи, фазилати, унда бажариладиган амаллар ва уларнинг ҳукмлари ҳақида турли хил асарларда сўз юритиб келинади. Шулардан бири яқин биродаримиз ва ҳамкасбимиз, Масжиди Набавийнинг имом-хатиби, фазилатли шайх, доктор Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ал-Қосимнинг қаламига мансуб «Мадинаи Мунаввара: унинг фазилати, Масжиди Набавий, ҳужраи саодат ҳақида» асаридир. Шайх бу китобида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳарларига оид ҳукмлар ҳамда фазилатларни саҳобалардан қилинган, саҳих ривоятлар, асосида очиқ-равшан ва тушунилиши осон бўлган шаклда баён қилган. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло у кишига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳарлари бўлган Мадинанинг имоми, у зотдан қолган минбарнинг воизи ва масжидларнинг мударриси бўлишдек улуғ неъматни инъом қилди. Шунинг учун ҳам у зот ушбу муқаддас шаҳар ҳақида асар ёзишга ҳақлироқ бўлган кишилардан саналади.

Ҳозирги кунда ҳам Саудия ҳукумати томонидан Ислom ва мусулмонларнинг манфаати йўлида мусулмонларнинг муқаддас қадамжоларига ҳурмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Мадинага ташриф буюрувчи зиёратчилар бу ўзгаришларга шахсан гувоҳ бўлишмоқда. Зиёратчиларни Масжидул-Ҳарам ва Масжиди Набавийнинг тартиб-қоидалари билан таништириш, уларда бажариладиган амалларнинг Қуръон ва суннатга мувофиқ бўлишида барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан муаллифнинг хизматларини, хусусан, бу асарни уммат учун хайрли қилишини ҳамда уни ўқиган ҳар ўқувчига ажр-савобни кўпайтириб беришини сўрайман. Аллоҳ таолодан бизни, шаҳримизни, унинг аҳолисини Ўз паноҳида асрасин, тинчлик ва хотиржамликни бардавом қилсин!

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг аҳли оилаларига ва саҳобаларига Аллоҳнинг салоту саломлари бўлсин!



**Шайх Абдурахмон ибн Абдулазиз Судайс, икки
ҳарам имоми, Масжидул-Ҳарам имом-хатиби**

